

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 3/2024

Тошкент – 2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-хуқуқий журнал

<p>Бош мухаррир: Олимжон АХМЕДОВ</p> <p>Жамоатчилик Кенгаши таркиби: Нуриддин НОРМАТОВ Баходир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ</p> <p>Ҳайъат аъзолари: Олимжон АХМЕДОВ Улугбек РАСУЛЕВ Карим НОРМАТОВ Жўрабой ТОШҚУЛОВ Фарҳод ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Мехмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАРУПОВ</p> <p>Таҳририят: Масъул мухаррир: Карим НОРМАТОВ Мусаҳҳих: Рӯзибуви ҚУРБОНОВА Саҳифаловчи: Маъруф РАҲМОНОВ</p>	<p>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти</p> <p>2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ</p> <p>Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.</p> <p>Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p>Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p> <p style="text-align: center;">***</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</p> <div style="border: 1px solid black; padding: 10px;"><p>Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириши институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2024 йил 28 июнданги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қиласи.</p></div>
---	---

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Мустақиллик – бу ҳар қандай давлат, юрт, мамлакатнинг гултожи, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳуқуқий-сиёсий кафолати. Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев: *мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжасиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз*, – деган пурмаъно ҳикматни ифода қиласар экан, бош вазифамиз Янги Ўзбекистонни барпо қилиш етти йилликда ўта кўп ишлар амалга ошганини қайд қилдилар.

Булар менинг наздимда қўйидагилардан иборат.

Ўттиз уч йил! Бу жонажон Ватанимизнинг улкан сарҳисоби: барча соҳалар, жабҳаларда тинч-осойишта ва барқарор якун топгани катта ғалаба! Аммо шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айrim воқеа-ҳодисалар шиддатли миллий армиямиз, Қуролли Кучларимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан даф этилди...

Энг муҳими ички ишлар органларида муҳтарам Президент орзу-хоҳиши: “*Эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизими яратилиши давом этмоқда*”.

Яна бир жиҳат. Юргбошимиз ташаббусига биноан ҳуқуқ-тартибот тизимида Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ташкил этилди. Бу олий ҳарбий таълим маскани асосан фаол ички ишлар органлари вакилларининг олий ҳуқуқий-сиёсий таълими ҳамда маҳсус кадрлар тингловчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда катта ҳарбий-педагогик фаолият олиб боради.

Ўтган йиллар давомида бу борада миллий ва хорижий таълим-тарбия ишларини намунали равишда ўтказиши.

Кадрлар, раҳбар кадрлар тайёрлаш олийгоҳимизнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган муҳим йўналиш бўлиб, таълим-тарбия жараёнларида ибрат-намунанинг олий даражаси бўлган буюк аждодларимиз, айниқса, жадид боболаримиз бу борада қандай улуғ ишларни амалга оширган бой ҳарбий тарихимиз ва маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси ҳамда матонатли, мард ва жасур бўлишга жанговар шайлиги камол топади.

*Долзарб мавзу***ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАРИГА ТАБРИГИ****Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга энг эзгу тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

Халқимиз ўзининг азму шиҷоати, бунёдкорлик салоҳияти билан Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган бугунги кунда ушбу улуғ айёмнинг моҳияти, муаллим ва устозларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақомини, қадр-қимматини янада юксалтириш – биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат беради.

Зоро, донишмандлар айтганлариdek, мамлакат аввало ердан ризқ-насиба ундирадиган деҳқонлар, ҳалқни ёвдан, турли ёвузликлардан ҳимоя қиласидиган аскарлар, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг саъй-ҳаракати билан обод ва фаровон бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида ҳам том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа фурсатда соҳага оид қўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги хуқуқий база мустаҳкамланди. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Республикамида ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим тизими дунёдаги илғор тажрибалар асосида мутлақо янгича ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртимиздаги болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76,4 фоизга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, охирги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг ўзида эса 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлаш лозим.

Илк бор 530 та мактабда инклузив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 минг нафардан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга кўйилди.

Хусусий сектор ривожи учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фоизга етгани дикқатга сазовордир.

Биз инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан ишларимиз доирасида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилга нисбатан ўртacha 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 4,5 карра ўсгани, октябрь ойидан педагог ходимларнинг иш ҳақи яна 15 фоизга оширилиши шу борадаги саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди. Жорий йилда ҳозирга қадар 142 нафар ўқитувчи илғор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори лавозимига тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак мэрраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўқувчиларимиз 2010-2016 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгти етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани ҳам биринчи навбатда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз самарасидир.

Бу борада халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг устозларини рағбатлантириш тизими йўлга кўйилгани ва шу мақсадда Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта буюк алломаларимизга бағишланган халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни бошладик. Бу эса фарзандларимиз, бутун халқимиз қалбida ғуур va ифтихор туйғуси билан бирга, дунёда Ўзбекистоннинг маърифий нуфузини ҳам юксалтирумокда.

Мактабда иккинчи хорижий тил ва касб-хунарларни ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиши, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчига касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда юртимида 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказилгани, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фоиздан 38 фоизга етгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Қадрли дўстлар!

Кўхна тарих, бугунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби факат ва фақат таълимда, камолот ва баҳт эшикларининг қалити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда – жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизлар билан бўлиб ўтган сермазмун ва самимий мулоқотимизда бу ҳакда яна бир бор фикр алмашиб, келажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.

Ишончим комил, сиз, муҳтарам педагоглар, профессор-ўқитувчиларимиз таълим соҳасидаги ислоҳотларимизда янада фаол иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон – маърифий жамият” деган олижаноб гоямизни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз таълим ва тарбия тизимини янада равнақ топтириш, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор аҳамият берамиз ва ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли қасблар қаторига олиб чиқамиз.

Муҳтарам устозлар!

Мана шу шукухли айёмда сиз, азизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, эзгу ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффакиятлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қадрли ва меҳрибон устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ЎЗА**

ПОЗДРАВЛЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТА УЧИТЕЛЯМ И НАСТАВНИКАМ УЗБЕКИСТАНА

Дорогие учителя и наставники!

От всего сердца поздравляю вас, работников сферы образования и воспитания нашей страны, с всенародным праздником – Днем учителей и наставников, выражая всем вам самые добрые пожелания.

Сегодня, когда наш народ целеустремленно, проявляя свой огромный созидательный потенциал, возводит фундамент Нового Узбекистана и Третьего Ренессанса, все больше возрастают значимость этого замечательного праздника, роль и место наших учителей и наставников в жизни общества.

Об этом также свидетельствует то, что дальнейшее повышение статуса, взвеличивание достоинства учителей и наставников, которых издревле глубоко почитает наш народ, стало одним из самых важных, приоритетных направлений проводимой нами государственной политики. Ведь, как говорили наши мудрые предки, благополучие и процветание страны зависят прежде всего от усилий и труда умелых дехкан, которые возвращают семена достатка и изобилия на благодатной земле, мужественных защитников Родины, оберегающих народ от различных напастей, и самоотверженных учителей, дающих образование и воспитание молодому поколению.

Уважаемые соотечественники!

В последние годы в нашей стране на основе национальной стратегии развития проводится огромная работа в сфере образования и воспитания, имеющая поистине историческое значение.

За короткое время принято множество законов, указов и постановлений по развитию этой сферы, усиlena ее правовая база. В обновленной Конституции отдельно определен статус учителя.

В республике ежегодно строятся все новые образовательные учреждения, укрепляется их материально-техническая база, кадровый потенциал. Создается новое поколение учебников и учебных пособий, отвечающих современным требованиям.

Особенно важно, что на основе передового международного опыта на совершенно новый уровень поднято развитие системы дошкольного образования. Подтверждением служит то, что количество детских садов в стране увеличилось в 8 раз и достигло почти 38 тысяч, в частности, число негосударственных образовательных учреждений выросло с 250 до 29 тысяч, а охват – с 27 процентов до 76,4 процента.

В нашей стране развитие школьного образования превратилось в общенациональное движение. Когда речь идет об этом, следует отметить, что за последние семь лет строительно-ремонтные работы проведены в более 5 тысячах школ, и только в этом году – в 608 школах.

Впервые в 530 школах внедрено инклюзивное образование. В Республике Каракалпакстан и Хорезмской области налажено бесплатное питание более 288 тысяч учащихся начальных классов.

Заслуживает внимания, что в результате создаваемых для развития частного сектора благоприятных условий доля негосударственных школ достигла 5 процентов.

В рамках проводимой последовательной работы по обеспечению интересов человека мы придаем особое значение достойной оценке и стимулированию труда учителей и наставников.

Заработная плата учителей по сравнению с 2016 годом выросла в среднем в 2,5 раза, профессоров и преподавателей – в 4,5 раза, а с октября нынешнего года зарплата педагогических работников увеличится еще на 15 процентов.

В целях улучшения качества образования создана единая вертикальная система повышения квалификации педагогических кадров. Только с начала года 142 учителя повысили квалификацию в развитых зарубежных странах. Усовершенствована система назначения на должность директоров школ, внедрен порядок выдачи им сертификата менеджера.

Всех нас радует достижение нашей молодежью высоких рубежей в области знаний, науки и техники, культуры и искусства, спорта, которые она завоевывает благодаря вниманию, уделяемому в стране сфере образования и воспитания.

Если школьники Узбекистана в период 2010–2016 годов завоевали на международных предметных олимпиадах 73 медали, то за последние семь лет – 349, а в 2024 году – 122 медали, и это прежде всего результат вашего нелегкого труда.

Важным мотивирующим фактором служит налаживание системы стимулирования учителей тех учащихся, которые одержали победу на международных предметных олимпиадах, на эти цели из Государственного бюджета направлены средства в размере 6 миллиардов сумов.

Впервые в истории Узбекистана мы начали проводить международные предметные олимпиады, посвященные нашим великим ученым и мыслителям. Это усиливает у наших детей, всего нашего народа чувство национальной гордости и в то же время повышает международный авторитет Узбекистана в сфере образования и просвещения.

Сделаны важные шаги также в области изучения в школах второго иностранного языка и освоения востребованных профессий. В текущем учебном году в 354 школах налажено обучение свыше 16 тысяч учащихся двум иностранным языкам, в 289 школах – освоение профессий более 40 тысячами школьников.

Масштабные реформы осуществляются и в сфере высшего образования. Это можно увидеть на примере того, что в стране за короткое время создано 135 новых высших образовательных учреждений, их общее количество достигло 211, уровень охвата в системе увеличился более чем в 4 раза – с 9 процентов до 38 процентов.

Уважаемые друзья!

Как показывают древняя история и современный жизненный опыт, решение всех проблем, ответы на все вопросы – только в образовании, ключ, открывающий путь к успеху и счастью, – в образовании и воспитании.

Все мы хорошо понимаем, что в достижении великих целей, которые мы поставили перед собой, становлении нашего родного Узбекистана свободной и процветающей, всесторонне благоустроенной страной решающее значение имеет развитие сферы на новом, качественно более высоком уровне.

В состоявшемся конструктивном и искреннем диалоге с вами мы еще раз обменялись мнениями по этим вопросам, определили конкретные планы на будущее.

Убежден, что вы, уважаемые учителя и наставники, профессора и преподаватели, примете еще более активное участие в реформах в сфере образования, внесете достойный вклад в воплощение в жизнь благородной идеи «Новый Узбекистан – просвещенное общество».

Безусловно, мы и впредь будет придавать приоритетное значение вопросам дальнейшего развития системы образования и воспитания, создания для работников сферы достойных условий труда и жизни и возведем работу учителя в ранг самых авторитетных и почитаемых профессий в обществе.

Уважаемые учителя и наставники!

В этот замечательный праздник еще раз от всей души поздравляю вас, мои дорогие, желаю всем вам здоровья, семейного счастья и больших успехов в выполнении вашей благородной и почетной миссии.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Президент Республики Узбекистан
УзА**



Илмий мақолалар

Farxod XATAMOV,
*Malaka oshirish instituti kafedra mudiri,
siyosiy fanlar doktori (DSc), professor*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI VA INSON HUQUQLARINI TA'MINLASHNING AYRIM MASALALARI

So'nggi yillarda inson huquqlarini himoya qilishning qonunchilik va tashkiliy-huquqiy bazasini mustahkamlash, inson huquqlari bo'yicha xalqaro standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilish va xalqaro majburiyatlarni bajarish, shuningdek, inson huquqlarini himoya qilish masalalari yuzasidan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni faollashtirishga doir tizimli ishlar olib borilmoqda.

Inson sha'ni, qadr-qimmati, manfaatlari bevosita uning huquqini ta'minlashni nazarda tutadi, manfaatlari himoya qilinadigan jamiyatning har bir a'zosini huquqi va yashash farovonligi ham ta'minlanadi. Inson qadrini ulug'lash, uning huquq va manfaatlarini ta'minlashdagi bugungi islohotlar har qachongidan ham qizg'in tusga kirmoqda.

O'zbekistonda inson huquqlari himoyasi BMT bilan hamkorlikning ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida ko'rilmoxda. O'zbekiston milliy davlatchiligidimiz tarixida ilk bor BMTning Inson huquqlari bo'yicha kengashi a'zoligiga 2021–2023 yillarga saylandi. Bundan tashqari, milliy qonunchilikni inson huquqlari sohasidagi xalqaro-huquqiy standartlar bilan uyg'unlashtirish bo'yicha amaliy chora-tadbirlar ko'rilmoxda. Zero, inson huquqlari sohasida uzoq muddatli strategiyaning qabul qilinishi ushbu sohada davlat siyosatining samarali amalga oshirilishiga, inson huquqlari va erkinliklariga hurmat munosabati shakllanishiga, mamlakatning xalqaro maydondagi obro'si yanada mustahkamlanishiga, shu jumladan O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy va siyosiy-huquqiy reyting hamda indekslardagi mavqeい yaxshilanishiga xizmat qiladi [1].

Insonning asosiy huquq va erkinliklarini ta'minlash O'zbekistondagi islohotlarda g'oyat muhim o'rinda turadi. Eng asosiysi, yurtimizda yashayotgan

har qaysi inson millati, tili va dinidan qat'i nazar, erkin, tinch va badavlat umr kechirishi, bugungi hayotdan rozi bo'lib yashashi davlatning bosh maqsadiga aylanib bormoqda. 2030 yilgacha mo'ljallangan Barqaror rivoqlanish maqsadlari mamlakatimizda har bir insonning huquq va qonuniy manfaatlarini ta'minlashni ko'zda tutadigan "hech kimni e'tibordan chetda qoldirmaslik" tamoyili asosida amalga oshirilmoqda.

Mamlakatimiz BMT bilan muloqotni va hamkorlikni rivojlantirishga muhim ahamiyat qaratmoqda. So'nggi yillarda BMT va uning institutlari – Inson huquqlari bo'yicha oliy komissar boshqarmasi va inson huquqlari kengashi bilan o'zaro hamkorlik darajasini oshirishga erishdik [2. B. 68-69].

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida inson huquqlari himoyasining barcha jihatlari belgilangan va unga amal qilinmoqda. Zero, "Inson huquqlari va erkinliklariga amal qilishni ta'minlash, har bir shaxsning qadr-qimmatini e'zozlash biz barpo etayotgan ochiq, erkin va adolatli jamiyatning ajralmas xususiyati"⁵ ekanligi uchun inson huquqlarining himoyasi milliy taraqqiyotni ta'minlash omili sifatida dolzarb ahamiyatga egadir [3. B. 115]. Ayni paytda jamiyatda har fuqaroning o'z huquq va manfaatlariin to'g'ri anglab yetishi, davlat organlarining jamiyat a'zolarining inson huquqlarining himoyasini ta'minlashda muayyan faoliyatini tizimli rivojlantirib borish, o'z navbatida, O'zbekistonda inson huquqlari va erkinliklari himoyasining amal qilish mexanizmlarini takomillashtirishni taqozo etadi.

Xususan, 2023-yil 1-maydan kuchga kirgan Yangi O'zbekistonning Konstitutsiyasi muqaddimasida inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni va qadr-qimmati oliy qadriyat hisoblanadigan insonparvar demokratik davlatni, ochiq va adolatli jamiyatni barpo etish borasida hozirgi va kelajak avlodlar oldidagi yuksak mas'uliyatimizni anglagan holda hamda xalqaro huquqning umume'tirof etilgan prinsip va normalariga asoslangan holda mazkur konstitutsiya qabul qilinganligi o'z ahamiyatini topgan.

Referendum tarzida qabul qilingan yangi tahrirdagi Konstitutsiya butun dunyo hamjamiyati ko'z o'ngida qabul qilindi, deyish mumkin. Jumladan, xalqaro kuzatuvchilarning fikrlari referendumning qonuniyligi xalqaro miqyosda tan olinishiga asos bor. Mazkur jarayonni kuzatish va monitoring ishlarini olib borish bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Yevropa xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti, Yevropa Kengashi, Yevropa Ittifoqi, Turkiy davlatlar

tashkiloti, Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi, Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi Parlamentlararo Assambleyasi, Shanxay Hamkorlik Tashkiloti kabi ko'plab xorijiy institutlar mavjud. Yurtimizda tashkil etilgan referendum esa dunyo talablari asosida o'tkazilganini xorijlik kuzatuvchilar e'tirof etishdi. Bu shundan dalolat beradiki, yangi O'zbekiston konstitutsiyasi xalq ovozining ifodasi, xaql irodasi va xohish-istagi mahsuli, bir so'z bilan aytganda, millat taraqqiyoti, jamiyat ravnavi va islohotlar jadallashuvining muhim huquqiy assosi sifatida baholanmoqda. Shuni ham ta'kidlash kerakki, konstitutsiyaning 19-moddasida: O'zbekiston Respublikasida insonning huquq va erkinliklari xalqaro huquqning umume'tirof etilgan normalariga binoan hamda ushbu Konstitutsiyaga muvofiq e'tirof etiladi va kafolatlanadi.

Yangi tahrirdagi Konstitutsiyaning 21-moddasida esa, har bir inson o'z shaxsini erkin kamol toptirish huquqiga ega. Hech kimga uning roziligesiz qonunchilikda belgilanmagan majburiyat yuklatilishi mumkin emasligi, inson o'z huquq va erkinliklarini amalga oshirishda boshqa shaxslarning, jamiyat hamda davlatning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga putur yetkazmasligi shart ekanligi hamda insonning huquq va erkinliklari faqat qonunga muvofiq va faqat konstitutsiyaviy tuzumni, aholining sog'lig'ini, ijtimoiy axloqni, boshqa shaxslarning huquq va erkinliklarini himoya qilish, jamoat xavfsizligini hamda jamoat tartibini ta'minlash maqsadida zarur bo'lgan doirada cheklanishi mumkinligi uqtirilgan [4].

Bundan tashqari, Shaxsiy huquq va erkinliklar deb nomlangan yettinchi bob 27-moddasida har kim erkinlik va shaxsiy daxlsizlik huquqiga ega. Hech kim qonunga asoslanmagan holda hibsga olinishi, ushlab turilishi, qamoqqa olinishi, qamoqda saqlanishi yoki uning ozodligi boshqacha tarzda cheklanishi mumkin emas. Hibsga olishga, qamoqqa olishga va qamoqda saqlashga faqat sudning qaroriga ko'ra yo'l qo'yiladi. Shaxs sudning qarorisiz qirq sakkiz soatdan ortiq muddat ushlab turilishi mumkin emas. Shaxsni ushslash chog'ida unga tushunarli tilda uning huquqlari va ushlab turilishi asoslari tushuntirilishi shartligi asoslangan.

Bulardan tashqari, yangi tahriragi qonunda siyosiy huquqlar (har ikkala qismda ham VIII bobda) bilan bir qatorda, IX bob. Iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ekologik huquqlar sifatida berib o'tilgan, yangi konstitutsiyada esa, faqat Iqtisodiy va ijtimoiy huquqlar deb berilgan va moddalarida ham yetarli darjada

farq bor edi. Yana bir muhim jihat, mazkur bobda moddalar soni va ahamiyat ham, aktualligi ham oshib, 13 taga ko‘paydi.

Shu o‘rinda bir narsaga e’tibor qaratish lozimki, Yangi O‘zbekiston konstitutsiyasida ilk bor pedagog maqomi, o‘qituvchining mehnati sha’ni va qadr-qimmati himoya qilinishi o‘z ahamiyatini topdi, buning mantiqiy davosi sifatida, ya’ni Konstitutsiyaning 52-moddadan kelib chiqib jamiyatimizda yangi huquqiy asos – O‘zbekiston Respublikasining “Pedagog maqomi to‘g‘risida”gi Qonuni qabul qilindi, mazkur Qonunning 3-moddasida Ta’lim tashkilotida qonunchilik hujjatlariga muvofiq tuzilgan mehnat shartnomasi asosida ta’lim va tarbiya sohasida kasbiy faoliyatni amalga oshiruvchi hamda tegishli ma’lumotga, kasbiy tayyorgarlikka va ma’naviy-axloqiy fazilatlarga ega bo‘lgan jismoniy shaxs pedagog ekanligi qayd etilgan [5].

O‘zbekiston Respublikasida pedagogning maqomi tan olinib, pedagoglarning o‘z kasbiy faoliyatini yuritishi uchun tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlar yaratilishi, ularning ijtimoiy himoyasi ta’milanishi va va huquqlari amalga oshirilishi uchun kafolatlar berilmoqda. Umuman olganda, jamiyatimizda pedagogning huquqlari, sha’ni, qadr-qimmati va ishchanlik obro‘sni davlat himoyasi ostida bo‘lishi aniq ko‘rsatilmoqda.

“Inson hamda fuqaroning huquq va erkinliklari kafolatlari” nomli o‘ninch bobningda 57-moddasida mehnatga layoqatsiz va yolg‘iz keksalar, nogironligi bo‘lgan shaxslar hamda aholining ijtimoiy jihatdan ehtiyojmand boshqa toifalarining huquqlari davlat himoyasida ekanligi, davlat aholining ijtimoiy jihatdan ehtiyojmand toifalarining turmush sifatini oshirishga, jamiyat va davlat hayotida to‘laqonli ishtirok etishi uchun ularga shart-sharoitlar yaratishga hamda ularning asosiy hayotiy ehtiyojlarini mustaqil ravishda ta’minalash imkoniyatlarini kengaytirishga qaratilgan choralarini ko‘rishi qayd etilgani holda, davlat nogironligi bo‘lgan shaxslarning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalar ob’yektlari va xizmatlaridan to‘laqonli foydalanishi uchun shart-sharoitlar yaratadi, ularning ishga joylashishiga, ta’lim olishiga ko‘maklashadi, ularga zarur bo‘lgan axborotni to‘sinqiliksiz olish imkoniyatini ta’minalashi asoslangan. Mazkur moddaning bu tarzda berilishining o‘ziga xos jihatlari mavjud, negaki, biz yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek, O‘zbekiston ijtimoiy davlat sifatida e’tirof etilar ekan, albatta, ijtimoiy qatlam vakillari sha’ni, qadr-qimmati va manfaatlarini himoya qilish davlat nozaratida bo‘lishi talab etiladi.

Mazkur normalardan ham anglashilib turibdiki, bugun mamlakatimizda inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash masalasi xalqimiz uchun farovon va munosib turmush sharoitini yaratib berishga qaratilgan demokratik islohotlarning bosh mezoniga aylanib bormoqda.

Inson huquqlari bo'yicha xalqaro standartlar milliy qonunchilikka va huquqni qo'llash amaliyotiga tizimli hamda bosqichma-bosqich implementatsiya qilinmoqda. Bugungi kunda O'zbekiston tomonidan ratifikatsiya qilingan 80 dan ortiq inson huquqlari va erkinliklari sohasidagi xalqaro hujjatlar normalari milliy qonunchilikda o'z aksini topmoqda.

Amalga oshirilayotgan keng ko'lami islohotlar insonlar hayotini, dunyoqarashini hamda turmush tarzini o'zgartirmoqda. Jamiyatda "Yangi O'zbekistonni birgalikda barpo etamiz" degan ulug'vor maqsad shakllandi va "Jamiyat – islohotlar tashabbuskori" degan yangi g'oya kundalik faoliyatimizga faol kirib bormoqda [6].

Umuman olganda, Konstitutsiyada inson huquq, erkinlik va burchlariga umumiyligida qoidalar (19-24-moddalar); shaxsiy huquq va erkinliklar (25-35-moddalar); fuqarolarning siyosiy huquqlari (36-40-moddalar); iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik va madaniy huquqlar (41-53-moddalar); inson huquqlari va erkinliklarining kafolatlari (54-58-moddalar), fuqarolarning burchlari (59-64-moddalar) mustahkamlangan.

Bejizga, yangi tahrirdagi Asosiy Qonunimiz xalqchil Konstitutsiya deyilmoqda, yuqoridagi tahlillar buni asoslab turibdi. Bundan tashqari, inson huquq va erkinliklarini ta'minlashda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq va Virtual qabulxonalarini, shuningdek, bosh vazirning Tadbirkorlar murojaatlarini ko'rib chiqish bo'yicha qabulxonalarini alohida o'rinni egallamoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik sub'yektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakilning huquqiy maqomlarini takomillashtirish, ularni kadrlar bilan mustahkamlash va faoliyatining moddiy-moliyaviy ta'minotini kuchaytirish bo'yicha aniq choratadbirlar qabul qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining inson huquqlari bo'yicha vakili (ombudsman) va Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi faoliyati tubdan takomillashtirildi. Bola huquqlari bo'yicha vakil va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik sub'yektlarining

huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil lavozimlari joriy qilindi.

BMT Barqaror rivojlanish maqsadlari doirasida milliy maqsadlarni ro'yobga chiqarish, inson taraqqiyoti bo'yicha yuqori indeksga ega bo'lgan (intellektual salohiyati, savodxonligi, insonning o'rtacha umr ko'rish davomiyligi) davlatlar darajasiga erishishga, ijtimoiy sohaga innovatsiyalarni keng joriy etishni ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar qabul qilinmoqda.

Gender tenglikni ta'minlash maqsadida bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi. Xususan, 2019-yilda qabul qilingan "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi, "Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'g'risida"gi qonunlar shular jumlasidandir.

Xulosa qilib aytganda, yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi dunyo hamjamiyatida inson huquq va erkinliklarini himoya qilish, manfaatlarini har jabhada qo'llab-quvvatlash va qonun ustuvorligini ta'minlashdagi asosiy manba sifatida e'tirof etilmoqda. Bu esa o'z navbatida, hamjamiyat hayotida inson huquqlari borasidagi progressiv jarayonlarning yanada takomillashib borishiga xizmat qilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.06.2020 yildagi "Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-6012-son Farmoni.
2. Sh.Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. –T.: "O'zbekiston" nashriyoti, 2021. – 464 b.
3. Mirziyoyev Sh. Konstitutsiya va qonun ustuvorligi – huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatining eng muhim mezonidir // Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari. 4-jild. –T.: "O'zbekiston", 2020.
4. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023 y., 03/23/837/0241-son. Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, 21-modda.
5. O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 01.02.2024 yildagi O'RQ-901-son. Elektron manba: <https://lex.uz/pdfs/6786401>.
6. Elektron manba: <http://insonhuquqlari.uz/inson> huquqlari-bo'yicha: O'zbekiston Respublikasining milliy strategiyasi.

REZYUME

Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida inson huquqlarini ta’minlashning ifodalanishi yoritilgan. Insonning asosiy huquq va erkinliklarini ta’minlashda O‘zbekistondagi islohotlarda g‘oyat muhim o‘rin egallaydi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida inson huquqlari himoyasining ayrim jihatlari belgilangan.

В данной статье описано обеспечение прав человека в Конституции Республики Узбекистан. Оно играет жизненную важную роль в реформах в Узбекистане по обеспечению основных прав и свобод человека. Некоторые аспекты защиты прав человека определены в Конституции Республики Узбекистан.

This article describes the provision of human rights in the Constitution of the Republic of Uzbekistan. It plays a very important role in the reforms in Uzbekistan in ensuring basic human rights and freedoms. All aspects of human rights protection are defined in the Constitution of the Republic of Uzbekistan.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Севимли нарсаларга машаққат билан ва яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиши билан эришилади.

Абу Райхон БЕРУНИЙ.

Яхшиликнинг энг фойдалиси – эҳсонодир.

Абу Али ибн СИНО.

Дунё (юрт) одоблиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожслар дуоси.

Абу Ҳомид ГАЗЗОЛИЙ.

Sanjar SAIDOV,
*O‘zbekiston Davlat jahon tillari universiteti kafedra mudiri,
siyosiy fanlar doktori, dotsent*

YANGI O‘ZBEKİSTONDA YOSHLARNING SIYOSIY FAOL ISHTIROKI MASALALARI XUSUSIDA

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko‘lamli islohotlar jarayonida yoshlarning ishtirokini kuchaytirish bu o‘z-o‘zidan kelib chiqadigan maqsad emas, balki yoshlar hayotida ijobjiy o‘zgarishlarga erishish va fuqarolik jamiyat qurilishining bir yo‘lidir. So‘nggi yillarda yoshlarni turli darajadagi – xalqaro, mintaqaviy, milliy va mahalliy faoliyat sohalariga jalb etishga qaratilgan tashabbuslar tobora ko‘payib bormoqda.

Yevropalik tadqiqotchi olim Rodjer Xart (“Ishtirok etish zinapoyasi” deb nomlangan konsepsiya muallifi) ishtirok etish – bu fuqaroning asosiy huquqi, deb hisoblaydi, chunki u fuqaro bo‘lish nimani anglatishini va qanday bo‘lishni o‘rganish imkoniyatini beradi[1].

Turli xalqaro tashkilotlar ta’rifiga ko‘ra, yoshlar ishtiroki deganda yoshlarning ijtimoiy hayotga qo‘shilish huquqi va mahalliy darajada kundalik hayotda mas’uliyat va majburiyatlarni o‘z zimmasiga olishi, shuningdek, jamiyat ijtimoiy-siyosiy hayotiga demokratik tarzda ta’sir ko‘rsatish huquqi tushuniladi. Yoshlar ishtirokini yoshlar va kattalar o‘rtasidagi hamkorlik shakli sifatida ham talqin qilish mumkin. Hamkorlik “birgalikda nimadir qilish”, degan ma’noni anglatadi. Bu har kimning ovozini eshitish va turli fikrlarni jiddiy qabul qilish demakdir.

Amaliyotda, bu maqsadlar, intilishlar, mas’uliyat, qarorlar va h.k. muhokama qilinadi, ma’qullanadi hamda yoshlar va katta avlod vakillari quyidagilarni aniq tushunishini bildiradi:

- ular qaysi yo‘nalishda harakat qiladilar;
- ulardan nimalar kutilmoqda;
- boshqalardan ular nimani kutishmoqda;
- ular buni qanday amalga oshirishmoqchi;
- ular o‘z faoliyatida qanday yordam va qaysi manbadan olishadi[2].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Yoshlar va kattalar hamkorligining afzalligi shundaki, u yoshlarning mahorat va iqtidoridan

ham, kattalarning tajribasi va donoligidan ham foyda keltiradi. Ushbu hamkorlik, shuningdek, barcha ishtirokchilarning hissasini baholashga yordam beradi, bu esa, yangi loyihalar va tashabbuslarni ishlab chiqishga turtki beradi.

2018 yilda YUNISEF, Yoshlar ittifoqi hamda “Yuksalish” umummilliy harakati **“O’zbekiston yoshlari: muammo va istiqbollar”** deb nomlangan yirik tadqiqot natijalarini e’lon qildi. Unda respublikaning barcha hududlarida istiqomat qiluvchi 14 yoshdan 30 yoshgacha bo’lgan 4 ming 500 nafarga yaqin muxbir ishtirok etdi. Qolaversa, bevosita muloqot qilish uchun 24 ta fokus-guruhi shakllantirildi[3].

O’zbekiston yoshlariga bag’ishlangan sotsiologik so‘rov yettita asosiy mavzu yo‘nalishini o‘z ichiga qamrab olgan bo‘lib, unda yoshlar qatlaming ijtimoiy-siyosiy ishtirokiga ham alohida urg‘u beriladi. Jumladan, tadqiqotga ko‘ra, bugungi yoshlar siyosiy yangiliklarga ko‘proq qiziqmoqda hamda o‘z fikrini erkin ifodalashi mumkinligini bildirishgan. Shunga qaramay, ularning jamoat tashkilotlari hamda siyosiy partiyalardagi faolligi havas qilarli darajada emas. Muxbirlar mahalliy qarorlar qabul qilish jarayonida ishtiroki nominal bo‘lib – barcha masalalar faqat kattalar bilan bamaslahat hal qilinadi. Yoshlar bundan norozi, shu bois katta avlod vakillari bilan munosabatlarini qayta ko‘rib chiqish kerak, deb hisoblaydi[4].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Yuqoridagi jadvaldan ko‘rinib turibdiki, yoshlarimizning ijtimoiy faolligi, siyosiy ishtiroki va fuqarolik pozitsiyalarining shakllanishi qoniqarli darajada, deb baholash qiyin. Buning sababi yoshlar qatlaming o‘zi emas, aksincha, ushbu qatlam bilan ishlashga mas’ul davlat va jamoat tashkilotlari, deyish mumkin. Bu borada ilmiy va metodik asoslarning sustligi ham masalaga chuqurroq yondashuvni talab etadi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Ilmiy-tahliliy adabiyotlarga ko‘ra, mahalliy vaziyat, resurslar, ehtiyojlar va tajribaga qarab, yoshlarning ishtiroki yoki mas’uliyat darajasi turlicha bo‘ladi. Masalan, Rodjer Xart bolalar va yoshlarning loyihalar, tashkilotlar yoki jamoalardagi ishtirokining turli darajalarini aks ettiruvchi “Bolalar ishtiroki zinapoyasi” modelini taklif qiladi. U har biri zinapoyaning bir pog‘onasiga to‘g‘ri keladigan yoshlarni jalb qilish darajasining 8 ta bosqichini belgilaydi:

Yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faol ishtiroki zinapoyalari

8-bosqich:

Birgalikda qaror qabul qilish



Loyihalar yoki g‘oyalar kattalarni

hamkor sifatida qaror qabul qilish jarayonida ishtirok etishga taklif qiladigan yoshlar tomonidan taklif etiladi.

7-bosqich:

Yoshlar yetakchilik qiladi va tashabbus ko‘rsatadi



Loyihalar yoki g‘oyalar yoshlarning

rahbarligida boshlanadi va amalga oshiriladi, kattalar zarur yordam ko‘rsatish uchun taklif qilinishi mumkin, ammo loyiha ularning aralashuviz ham amalga oshiriladi.

6-bosqich:

Loyiha tashabbusi kattalardan chiqadi, qarorlar yoshlar bilan birgalikda qabul qilinadi



Loyiha tashabbusi kattalardan chiqadi,

biroq yoshlar teng huquqli hamkorlar sifatida qaror qabul qilish va kattalar bilan mas’uliyatni taqsimlash uchun taklif etiladi.

5-bosqich:

Yoshlar bilan maslahatlashish va ularni xabardor qilish



Loyihalar kattalar tomonidan ishlab chiqiladi va amalga oshiriladi, lekin yoshlar maslahat va takliflar berishadi va ularga bu takliflar yakuniy qarorlar qabul qilish va maqsadga erishishga qanday hissa qo‘shishi haqida ma’lumot beriladi.

4-bosqich:

Yoshlar nafaqat jalb qilinadi, balki xabardor bo‘ladilar



Loyihalar kattalar tomonidan

boshlanadi va boshqariladi, yoshlar faqat loyiha doirasida muayyan rollar yoki vazifalarni bajarishga taklif qilinadi, lekin ular haqiqatan ham ta’sir qilishini bilishadi.

3-bosqich:

Ramziylik shaklida



Yoshlar ba’zi rollarni o‘ynaydi, lekin

hech qanday tarzda qaror qabul qilishga ta’sir qilmaydi. Yoshlar ishtiroki mavjud,

degan noto‘g‘ri taassuroti (qasddan yoki yo‘q) mavjud bo‘lib, lekin aslida nima va qanday qilishni tanlash imkoniyati mavjud bo‘lmaydi.

**2-bosqich:
Dekorativ shaklda**



Loyihada yoshlarni qandaydir huquqlarga ega bo‘lgan guruh sifatida ko‘rsatish yoki ularning kerak ekanligini tasvirlash uslubi. Ular hech qanday mazmunli rol o‘ynamaydilar (qatnashishdan tashqari). Har qanday dekoratsiyada bo‘lgani kabi, ular osonlik bilan almashtirilishi uchun loyiha yoki tashkilotning birinchi qatoriga keltiriladi.

**1-bosqich:
Manipulyatsiya shakli**



Loyihada ishtirok etish uchun yoshlar taklif etiladi, ammo ular qaror va yakuniy natijaga erishishda hech qanday shaklda ta’sir qilmaydi. Aslida, ularning ishtiroki boshqa maqsadlarga erishish uchun, masalan, mahalliy hokimiyat organlari saylovlarda g‘alaba qozonish, muassasa obro‘sini saqlab qolish yoki yoshlar ishtirokini qo‘llab-quvvatlovchi tashkilotlardan qo‘srimcha mablag‘ olish uchun kerak bo‘ladi, xolos.

Mazkur “Yoshlar ishtiroki zinapoyasi” modeli o‘z jamoalarida amalga oshirilayotgan loyihalar yoki tashabbuslarni inkor etishni xohlovchi amaliyotchilar uchun foydali vosita bo‘lishi mumkin.

Shuni yodda tutish kerakki, yoshlarning ijtimoiy hayotga jalb qilish darajasi aniq vaziyatga, erishish lozim bo‘lgan maqsadning turiga, mavjud tajribaga va hokazolarga bevosita bog‘liq. Ba’zan turli bosqichlar o‘rtasida aniq chegaralar yo‘qligi yoki ayrim loyihalarning murakkabligi tufayli loyihada

ishtirok etish darajasini muayyan darajada aniqlash juda qiyin. Vaqt o‘tishi bilan ishtirok etish darajasi o‘zgarishi mumkin[5].

Yoshlar ishtiroki sohalarini ham quyidagi yo‘nalishlarga taqsimlash lozim:

iqtisodiy ishtirok – bandlik va umuman mehnat sohasini nazarda tutadi, iqtisodiy rivojlanish, qashshoqlikni bartaraf etish, jamiyat, hudud yoki guruh sifatida yoshlar uchun barqaror iqtisodiy vaziyatni yaratish bilan bog‘liq ishtirok;

siyosiy ishtirok – hokimiyat, hukumat, davlat siyosati, hokimiyatni amalga oshirish, turli darajadagi resurslarni taqsimlashga ta’sir qilishni anglatuvchi ishtirok;

ijtimoiy ishtirok – mahalliy hamjamiyat hayoti, mahalliy muammolar va chaqiriqlarni bartaraf etish omillari bilan bog‘liq ishtirok;

madaniy ishtirok – san’at va ijodning turli shakllarini (tasviriylar san’at, musiqa, kino, raqs va boshqalar) o‘z ichiga oladigan ishtirok shakli[6].

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Yoshlar masalalarini tadqiq etuvchi olimlar va amaliyotchilar yoshlar ishtirokining quyidagi mazmunlari haqida alohida ta’kidlashadi:

Yoshlar hayotida ijobjiy o‘zgarishlar yasaydi. Yoshlar ishtirokini asosiy vazifa yoki oxirgi maqsad sifatida emas, balki jamiyatdagi ijobjiy o‘zgarishlarga erishish vositasi yoki yo‘li sifatida qarash lozim. Yoshlar, ayniqsa, o‘z hayotidagi ijobjiy o‘zgarishlarni ko‘rsa, bu o‘zgarishlarga hissa qo‘sishni mumkin.

Yoshlarni eshitishga yordam beradi. Yoshlar ham jamiyatning boshqa guruahlari, sotsiumning bir sinfi sifatida turli masalalarda o‘z fikrini bildirishni, ularning fikr-mulohazalarini eshitishlarini, takliflariga jiddiy yondashishlarini istaydi. Faoliyatga jalb qilingani holda, ular turli forumlarda o‘z fikrlarini bildirishlari va ularning fikri tinglanishiga umid qilishlari mumkin.

Yoshlarni yangi ko‘nikmalarining rivojlantirishga undaydi, ishonchni mustahkamlaydi. Turli tadbirda ishtirok etgani holda, yoshlar yangi bilimlarga ega bo‘lishlari, yangi ko‘nikmalar, qarashlar, yetakchilik qobiliyatlarini shakllantirishlari va rivojlanish istiqbollarini belgilashi mumkin. Bunga ta’lim faoliyati, shuningdek, muayyan vazifalarni bajarish orqali o‘rganish yordam beradi. Ushbu yangi ko‘nikma va bilimlardan foydalana olish yoshlarga o‘z

faoliyatini yaxshilashga yordam beradi, chunki ularni yaqin ijtimoiy muhitga qo'llashlari mumkin.

Kattalarning yoshlardagi iqtidor va salohiyatni aniqlashga, e'tirof etishga yordam beradi. Yoshlar bilan ishslash va ularni yangi maqsadlarga erishishda qo'llab-quvvatlash orqali kattalar yoshlar haqidagi umumiy jamiyat stereotiplariga qarshi chiqish imkoniyatiga ega bo'ladilar (masalan, yoshlar malakali emas va ijtimoiy hayotga qiziqmaydi singari). Ko'pincha, ular o'z iste'dodlarini namoyish qilishlari uchun ularga kuch va qo'llab-quvvatlash kerakligini tushunib yetishadi.

Yoshlarni o'z xatti-harakatlari va qarorlari uchun mas'uliyatli bo'lishga undaydi. Yoshlar kim qaror qabul qilsa, ularning oqibatlari uchun ham javobgar ekanligini tushunishni boshlaydilar (va aksincha, kim javobgar bo'lsa, u qaror qabul qilishi mumkin). Bu shuni anglatadiki, agar yoshlar ijtimoiy-siyosiy hayotda ishtirok etmoqchi bo'lsa, ular qilgan ishi uchun ham, oqibatlari uchun ham mas'uliyatni o'z zimmalariga olishlari, o'z harakatlari uchun javobgar bo'lishlari kerakligini o'rgatadi.

Yoshlarga demokratiya qanday ishlashini va u aslida qanday namoyon bo'lishi kerakligini tushunishga yordam beradi. Demokratik tizimda odamlar o'z hayotiga ta'sir qiladigan qarorlarni qabul qilishda ishtirok etishlari kerak. Qarorlarni qabul qilish jarayonlari turli institutlar yoki tuzilmalar ichida va turli darajalarda, shu jumladan, mahalliy darajada amalga oshirilishi mumkin. Shu bois, mahalliy darajada ishtirok etish yoshlarning demokratiya tamoyillari va mexanizmlari, uning imkoniyatlari va cheklowlari haqida ko'proq ma'lumotga ega bo'lishlari, tanish muhitda demokratiya qoidalarini amalda qo'llashlari uchun ajoyib zamin bo'lishi mumkin.

Yoshlarning o'z iste'dodi va kuchli tomonlarini jamiyat yoki tashkilot manfaati yo'lida ishlatishlari uchun imkoniyat yaratadi. Odatda, yoshlarda o'z kuch va iste'dodini namoyon etish va rivojlantirish uchun katta motivatsiya mavjud bo'ladi. Binobarin, bu iste'dodlarni umumxalq manfaati yo'lida ishlatish uchun to'g'ri shart-sharoit yaratish – mahalliy jamiyat manfaatdor bo'lishi, yoshlarning o'z hissasidan bahramand bo'lishi juda muhim[7].

Kattalar yoshlarning ehtiyojlari va istiqbollarini tushunishga yordam beradi. Yoshlar bilan bevosita ishslash va ularni maslahat jarayonlariga jalb etish yoshlarning ehtiyojlari to'g'risida ishonchli axborot olish imkoniyatini

yaratishga yordam beradi. Ba'zi tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, bu shunchaki taxmin va yoshlar bilan ularning qarashlari va ehtiyojlari haqida maslahatlashish boshqa manbalarga qaraganda yaxshiroq ma'lumot beradi (masalan, ota-onalar yoki o'qituvchilar bilan maslahatlashish).

Kattalarga bilim va tajriba almashish imkoniyatini beradi. Har doim ham yoshlar ularga nima qilish kerakligini aytishlarini xohlamaydilar. Ular hodisalarni o'rghanishni va o'z amaliyoti tajribasidan xulosa qilishni xohlashadi. Shuningdek, ular har doim ko'proq tajriba va bilimga ega bo'lganlarni diqqat bilan kuzatib boradilar. Agar kattalar ularga hech qanday ta'sir ko'rsatishmasa, yoshlar ulardan o'rghanishga va tajribasidan foydalanishga tayyor.

Qaror qabul qilish jarayonini yanada vakillik qiladi. Yoshlar mahalliy jamoalarning nisbatan katta qismini tashkil qiladi. Agar mahalliy miqyosda qabul qilingan qarorlar turli guruhlarning hayotiga ta'sir etsa, unda bu guruhlarning barchasi o'z fikrlarini bildirishlari va ularning manfaatlarini hisobga olishlari uchun yakuniy natijaga ta'sir qilishlari kerak. Binobarin, qaror qabul qilish jarayoniga yoshlar jalb qilinsa, ularning fikr-mulohazalari va ehtiyojlarini inobatga olish ko'proq bo'ladi.

Mahalliy va mintaqaviy muammolarni hal qilishda yangi yondashuv va g'oyalarni rag'batlanadiradi. An'anaga ko'ra, yoshlar qaror qabul qilish jarayonlarida kamdan-kam ishtirok etadilar, chunki kattalar odatda uni boshqaradi va nazorat qiladi. Biroq, yoshlar manfaatlariga daxldor bo'lgan mahalliy muammolarni birgalikda muhokama qilish yangi istiqbollar, yangi g'oyalarni yuzaga chiqarishi mumkin. Bu zamonaviy jamiyatlar rivojlanishiga ko'proq mos keladigan muammolarni an'anaviy ko'rib chiqishdan tashqariga chiqadigan yangi yo'llar va usullarni izlashga hissa qo'shishi mumkin.

Yoshlarning o'ziga va mahalliy hamjamiyatga taalluqli masalalar bo'yicha qaror qabul qilish jarayonlarida ishtirok etishining ko'plab shakllari mavjud. Zamonaviy jamiyatlarda yoshlar ishtirokining eng keng tarqalgan shakl va yo'nalishlari quyidagilardan iborat:

- ko'ngilli ishslash (volontyorlik faoliyati);
- turli norasmiy ta'lim tadbirlarida qatnashish;
- tengdoshlarni o'qitish - yoshlarni o'z tengdoshlarini o'qitishga jalb qilish (masalan, salomatlikni mustahkamlash dasturlari, ta'lim kampaniyalari va boshqalar);

- tashkilot (klub)da faol ishtirok etish va faoliyatning muayyan sohalari uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olish;
- yoshlar kengashlari, parlamentlar, forumlar, boshqaruvarlar va boshqa tuzilmalar xalqaro, milliy, mintaqaviy yoki mahalliy hokimiyat organlari, maktablar, klublar, nodavlat notijorat tashkilotlari va boshqalar doirasida qarorlar qabul qilishda ishtirok etishning an'anaviy usuli hisoblanadi;
- maslahatlashuvlar (konsultatsiya) - qaror qabul qilish jarayonida muayyan muammo bo'yicha o'z tashvishlarini ifodalash va ularning talablarini ko'rsatish uchun foydalaniladi;
- loyihibar va tadbirlarda yoshlar ishtirokining turli (uyushgan va uyushmagan) darajalari;
- har xil turdag'i ijtimoiy kompaniyalar;
- siyosiy partiyalar, kasaba uyushmalari, manfaatdor guruhlarga a'zolik;
- saylovda ishtirok etish (saylash va saylanish).

Demak, shunday umumiyligda xulosaga kelish mumkinki, bugungi kunda yoshlarimizda ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda ishtirok etish madaniyati va mahoratini shakllantirib borish lozim bo'ladi. Bu jarayonda esa, mamlakatimizda yoshlarning ijtimoiy munosabatlar tizimini doimiy ravishda monitoring qilib borish; ularning fuqarolik faolligini oshirish, ijtimoiy foydali ishlarga jalb qilish, biznes tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, shaxsiy va professional rivojlanishi uchun ko'mak beradigan turli ijtimoiy-psixologik, huquqiy, axborot va konsultativ xizmatlar ko'rsatish; turli funksiyalarni amalga oshiruvchi ijtimoiy xizmatlar markazlarini shakllantirish va O'zbekiston yoshlariga zamонавиy davrga xos bo'lgan yangi innovatsion bilimlar berish zarur.

Ilmiy tahlillar shuni ko'rsatadiki, mamlakatimizda ko'p yillardan buyon pishib yetilgan hamda yoshlarning qimmatbaho inson kapitaliga aylanishiga to'sqinlik qilayotgan kompleks muammolar mavjud. Jumladan, bu borada oliy va kasbiy ta'lim sifatini yaxshilash, ishsizlik bilan samarali kurashish hamda aholi daromadlarini oshirish, erta nikoh, ajrimlar, katta va yosh avlod o'rtasidagi manfaatlar to'qnashuviga o'xshash o'tkir ijtimoiy muammolarni bartaraf etish davrning dolzarb vazifalaridandir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Roger A. Hart, Children’s Participation: The Theory and Practice of Involving Young Citizens in Community Development and Environmental Care. ISBN 9781853833229, Published January 1, 1997 by Routledge 220 Pages.
2. Участие молодёжи в принятии решений: Программа “Организация работы с молодежью на пространстве СНГ”. – М., 2018.
3. Ўзбекистон ёшлари: муаммо ва истиқболлар // <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-yoshlari-muammo-va-istiqbollar>.
4. Молодежь Узбекистана: вызовы и перспективы. Отчёт Представительство Детского Фонда ООН (ЮНИСЕФ) в Узбекистане. –Т., 2020. с. 151.
5. Марк Тейлор, Джо Цеккон, Европейское портфолио для молодежных лидеров и молодежных работников. Совет Европы 2006. с. 51.
6. Индикаторы молодежной политики: <http://www.youthforum.org>.
7. Жукова Т.В. Информационное обеспечение и работа с молодежью: методические рекомендации / сост. Т.В. Жукова. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2013. с. 52.
8. Шарков Ф.И. Коммуникология: основы теории коммуникации: учебник / Ф.И. Шарков. – М.: Дашков и К, 2009 // ЭБС «Книга фонд». С. 123.

REZYUME

Ilmiy maqolada O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatining assosiy yo‘nalishlari negizida yoshlarning siyosiy ishtiroki masalasi tadqiq etilgan. Yoshlarning ijtimoiy faolligi, faol fuqarolik pozitsiyasi va aktiv siyosiy ishtirokining institusional va normativ asoslari tahlil qilingan.

В научной статье рассматривается вопрос политического участия молодежи на основе основных направлений государственной политики в отношении молодежи в Узбекистане. Анализируются институциональные и нормативные основы социальной активности молодежи, активной гражданской позиции и политического участия.

The scientific article examines the issue of political participation of young people based on the main directions of state policy regarding youth in Uzbekistan. The institutional and regulatory foundations of youth social activity, active citizenship and political participation are analyzed.

Norqobil SHOIMOV,
*Malaka oshirish instituti Maxsus fanlar sikli katta o‘qituvchisi,
podpolkovnik, yuridik fanlari nomzodi, dotsent*

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING BA’ZI JIHATLARI

Korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining barcha qatlamlari, eng yaxshi mutaxassislar jalg qilinmas ekan, jamiyatimizning barcha a’zolari, ta’bir joiz bo‘lsa, “halollik vaksinasi” bilan emlanmas ekan, o‘z oldimizga qo‘ygan yuksak marralarga erisha olmaymiz. Biz korrupsianing oqibatlari bilan kurashishdan uning barvaqt oldini olishga o‘tishimiz kerak.

Shavkat MIRZIYOYEV

Korrupsiyaga qarshi kurashish O‘zbekistonda davlat siyosatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Buni so‘nggi yillarda sohaga oid qabul qilingan konseptual ahamiyatga ega normativ-huquqiy hujatlar, korrupsianing oldini olishga qaratilgan ma’muriy islohotlar misolida yaqqol ko‘rish mumkin. Jumladan, korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini oshirishda O‘zbekiston islohotlarining asosiy hujjati hisoblangan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan qabul qilingan 2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining¹ ahamiyati katta hisoblanadi.

Keng jamoatchilik muhokamasi natijasida «Harakatlar strategiyasidan — Taraqqiyot strategiyasi sari» tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan 2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan “Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining Inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish” deb nomlangan birinchi ustuvor yo‘nalishining 10-maqсадida davlat xizmatida korrupsiya omillarini bartaraf etish, kadrlarni tanlov asosida ishga qabul qilish va ular faoliyati samaradorligini baholashning huquqiy asoslarini takomillashtirish muhim

¹ Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022 y., 06/22/60/0082-son, 18.03.2022 y., 06/22/89/0227-son, 21.04.2022 y., 06/22/113/0330-son; 10.02.2023 y., 06/23/21/0085-son; 03.01.2024 y., 06/24/221/0003-son.

vazifalardan biri sifatida belgilangan bo‘lsa, uning Milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muammolarga yondashish deb nomlangan oltinchi ustuvor yo‘nalishining 83-maqсадада давлат xizmatchilarining daromad va molmulklarini deklaratsiya qilish tizimini bosqichma-bosqich joriy etish, давлат xizmatida manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish bo‘yicha samarali mexanizmlarni yaratish, korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi faoliyatda ochiqlikni ta’minalash va jamoatchilik ishtirokini kengaytirish, 84-maqсадада esa, korrupsiyaga moyil soha va tarmoqlarni aniqlash, korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish tizimining samaradorligini oshirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish o‘z aksini topgan bo‘lib, bunda:

korrupsiyaga qarshi kurashishga zamonaviy axborot, shu jumladan sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish, korrupsiyaga qarshi kurashishda fuqarolik jamiyatni institutlari bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yish, jamoatchilik nazoratini olib borishni qo‘llab-quvvatlash, korrupsiyaga qarshi kurashish amaliyotida tizimli preventiv choralarini kuchaytirish, aholi va davlat xizmatchilarining korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi bilimlarini uzlusiz oshirish tizimini joriy qilish hamda normativ-huquqiy hujjatlarning «korrupsiyadan xoli qonunchilik» tamoyili asosida ishlab chiqilishini ta’minalash muhim maqsadlardan etib belgilangan.

Shuni ta’kidlash joizki, *birinchidan*, korrupsiyaga qarshi kurashning sifat va son jihatdan mutlaqo yangi darajaga ko‘tarilishi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning siyosiy irodasi mahsulidir. Jumladan, давлат rahbarining jamiyatni “halollik vaksinasi bilan emlash” zaruriyati haqidagi fikrlari bu boradagi ishlarga qo‘yilgan tamal toshi desak, aslo mubolag‘a bo‘lmaydi. Zero, Prezident 2020 yilning 24 yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga qilgan Murojaatnomasida ta’kidlaganidek, “Jamiyatimizda korrupsiya illati o‘zining turli ko‘rinishlari bilan taraqqiyotimizga g‘ov bo‘lmoqda. Bu yovuz baloning oldini olmasak, haqiqiy ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaratib bo‘lmaydi, umuman, jamiyatning birorta tarmog‘i rivojlanmaydi”².

Ikkinchidan, sohada normativ-huquqiy bazani tizimli ravishda takomillashtirib borish choralarini ko‘rilmoxda. Fikrimizning isboti o‘larоq, korrupsiyaga qarshi kurash borasidagi qonunning kuchga kirgani, shuningdek

² Xalq so‘zi. 2020 yil 25 yanvar.

turli qonunosti hujjatlarining qabul qilinganini keltirish mumkin. Xususan, 2017 yil 3 yanvar kuni O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev «Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida»gi qonunni³ imzoladi. Ushbu Qonunning maqsadi korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat bo‘lib, unda «korrupsiya», «korrupsiyaga oid huquqbuzarlik», «manfaatlar to‘qnashuvi» kabi asosiy tushunchalarga izoh berish bilan bir qatorda, korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy prinsiplari ham qayd etilgan. Shuningdek, qonun bilan korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlari, vakolatli organlar tizimi, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalari va fuqarolarning mazkur sohadagi ishtiroki, korrupsiyaning oldini olishga doir chora-tadbirlar, jazo muqarrarligini ta’minlash va bu borada xalqaro hamkorlikni ta’minlash kabi choralar mustahkamlab qo‘yildi.

Uchinchidan, chora-tadbirlarning samarali amalga oshirilishi uchun maxsus davlat organi tashkil etilib, bu boradagi davlat siyosatining institusional asoslari takomillashtirildi. Xususan, 2020 yil 29 iyun kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PF-6013-sonli Farmoni⁴ qabul qilindi.

Farmonga muvofiq, korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish sohasidagi davlat siyosatini, shuningdek korrupsiyaga oid huquqbuzarliklarning tizimli sabab va shart-sharoitlarini bartaraf etish hamda korrupsiyaga qarshi kurashish choralarining samaradorligini oshirishga qaratilgan davlat va boshqa dasturlarni shakllantirish va amalga oshirish maqsadida Korrupsiyaga qarshi kurash Agentligi tashkil etildi. Agentlik faoliyatining huquqiy asoslari, vazifa va funksiyalari, huquq va majburiyatlarini belgilashda xalqaro normalarni ilgari surgan holda xorijiy tajriba atroflicha o‘rganildi. Uning eng maqbul jihatlari Prezidentning mazkur farmonida to‘laqonli aks ettirildi. Shuningdek,

³ O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 1-son, 2-modda; Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 16.01.2019 y., 03/19/516/2484-son; 24.05.2019 y., 03/19/542/3177-son, 2019 y., 2-son, 47-modda; *Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi*, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son, 19.11.2021 y., 03/21/729/1064-son; 09.08.2023 y., 03/23/860/0571-son; 05.06.2024 y., 03/24/931/0402-son.

⁴ Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020 y., 06/20/6013/1002-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 15.06.2022 y., 06/22/154/0524-son; 29.11.2022 y., 06/22/257/1049-son; 07.07.2023 y., 06/23/108/0460-son; 08.11.2023 y., 06/23/188/0835-son.

O‘zbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurashish Milliy kengashi va uning hududiy kengashlari tashkil etildi. Ushbu islohotlardan ko‘zlangan asosiy maqsad, bu – korrupsiya illatlariga barham berishdan iborat.

To‘rtinchidan, barcha davlat va jamoat tashkilotlarini, mamlakat miqyosida amalga oshiriladigan chora-tadbirlarni o‘z ichiga qamrab oluvchi davlat dasturlari qabul qilinmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 2 fevraldagি Qarori bilan 2017–2018 yillarda korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha birinchi Davlat dasturi qabul qilinib, uning ijrosi doirasida aniq chora-tadbirlar amalga oshirildi. Bu islohotlarni davom ettirgan holda, 2019 yilning 27 may kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni bilan 2019–2020 yillarda korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha navbatdagi Davlat dasturi tasdiqlandi. Bu boradagi so‘nggi qadamlardan biri sifatida 2023 yil 27 noyabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish hamda davlat organlari va tashkilotlari faoliyati ustidan jamoatchilik nazorati tizimi samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-200-son Farmoni⁵ bilan “Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha 2023-2024 yillarga mo‘ljallangan davlat dasturi tasdiqlandi.

Unda 40 ta chora-tadbirlar ko‘rsatib o‘tilgan bo‘lib, amalga oshirish mexanizmi, ijro muddatlari, mas’ul ijrochilar aniq belgilab qo‘yildi.

Beshinchidan, mamlakatda korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha chora-tadbirlarning asosida davlat organlari faoliyatining ochiqligi va shaffofligini ta’minlash ustuvor vazifa sifatida belgilanmoqda. Jumladan, 2021 yil 16 iyunda qabul qilingan «Davlat organlari va tashkilotlarining faoliyati ochiqligini ta’minlash, shuningdek, jamoatchilik nazoratini samarali amalga oshirishga doir qo‘sishma chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko‘ra, barcha davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, shu jumladan, Hisob palatasi, Markaziy bank, sud va prokuratura organlari hamda ularning tarkibiy va hududiy bo‘linmalari, shuningdek, ustav fondida (ustav kapitalida) davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo‘lgan xo‘jalik jamiyatlari hamda davlat unitar korxonalari tomonidan ochiq ma’lumotlar

⁵ Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 28.11.2023 y., 06/23/200/0896-son.

sifatida joylashtirilishi kerak bo‘lgan ijtimoiy ahamiyatga molik ma’lumotlar ro‘yxatini tasdiqlashlari lozimligini joriy etildi. Bundan tashqari, byudjet xarajatlarini tartibga solish bo‘yicha jamoatchilik nazoratini amalga oshirish, byudjet qonunchiligining buzilishi faktlari to‘g‘risida xabardor qilish va byudjet jarayonini takomillashtirish yuzasidan takliflar kiritish tartib-taomilini tashkil etish bo‘yicha «Openbudget» – «Ochiq byudjet» portali ishga tushirildi.

Oltinchidan, korrupsiyaga qarshi kurashning yana bir muhim jihat – davlat organlarini optimizatsiya qilish, ularning ixchamligini oshirish tizimli ravishda, bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda. Jumladan, 2021 yil 3 aprel kuni Prezident davlat hokimiysi va boshqaruvi organlarining shtat birlklari sonini qisqartirish to‘g‘risidagi qarorni imzoladi. Qarorga muvofiq, davlat organlari xodimlarining soni 15 foizgacha maqbullashtirildi. Natijada, davlat hokimiysi va boshqaruvi organlari hamda ularning idoraviy va hududiy bo‘linmalarida jami 5288 ta shtat qisqartirildi. Shuningdek, vazirlik va idoralarning 40 nafar rahbar o‘rinbosarlari lavozimlari ham qisqartirildi.

Yettingchidan, korrupsiya holatlarining oldini olish va ularni bartaraf etishning eng muhim jihatlaridan biri – davlat boshqaruvi tizimida «inson omili»ni kamaytirish uchun davlat va jamiyat boshqaruviga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish yo‘lga qo‘yildi. Ma’muriy va byurokratik to‘sqliarni bartaraf etish, ro‘yxatga olish, litsenziyalash va ruxsat berishga doir tartib-taomillarni soddalashtirish hamda ularning tezkorligini oshirish maqsadida barcha hududlarda jami 201 ta davlat xizmatlari markazlari tashkil etildi. Ushbu markazlar tomonidan 2017 yilda 37 turdag‘i davlat xizmatlari ko‘rsatilgan bo‘lsa, 2018 yilda ularning soni 106 taga, 2019 yilda ularning soni 133 taga yetdi. 2023 yildan esa markazlar orqali 168 turdag‘i shaffof, qulay va tezkor davlat xizmatlari ko‘rsatilmoqda.⁶

Sakkizinchidan, korrupsiyaga qarshi kurash xalqaro tajriba va huquqning tegishli normalarini mamlakat qonunchiligi va amaliyotiga implementatsiya qilish bilan birgalikda olib borilmoqda. Jumladan, Korrupsiyaga qarshi kurash Agentligining tashkil etilish ham O‘zbekiston ratifikatsiya qilgan BMTning Korrupsiyaga qarshi kurash to‘g‘risidagi Konvensiyasining tegishli moddalarini,

⁶ Davlat xizmatlari markazlari tomonidan ko‘rsatiladigan davlat xizmatlari nomi. //<https://adliY.uz/usb/inner-page/davlat-xizmatlari-markazlari-haqida-malumotlar/davlat-xizmatlari-markazlari-tomonidan-korsat-ayr>.

shuningdek xalqaro korrupsiyaga qarshi kurash amaliyotidagi «Jakarta prinsiplari»ning mamlakatdagi implementatsiyasiga misol bo‘la oladi.

To ‘qqizinchidan, korrupsiyaga qarshi murosasiz muhitni yaratish jamoatchilikning keng ishtirokida amalga oshirilmoqda. Xususan, jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlarini ko‘rib chiqish tizimi tubdan takomillashtirilib, Prezidentning Xalq va Virtual qabulxonalarini, «Ishonch telefon» hamda har bir vazirlik va davlat idoralarining «ishonch telefonlari», «virtual qabulxonalarini» tashkil qilinib, fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta’minalash maqsadida barcha darajadagi davlat rahbarlarining «sayyor qabullar»ni o‘tkazish amaliyoti yo‘lga qo‘yildi.

O ‘ninchidan, korrupsiyaga qarshi kurashda davlat organlari va xo‘jalik yuritish sub’ektlarida «komplayens-nazorat» tizimining keng joriy etilishi amalga oshirilmoqda. Jumladan, 2019–2020 yillarda korrupsiyaga qarshi kurashish davlat dasturida ustav jamg‘armasida davlat ulushi bo‘lgan tashkilotlarda korrupsiyaga qarshi kurashish «komplayens-nazorat» tizimini joriy etish, samaradorligini monitoring qilish hamda korrupsiyaga qarshi kurashish tegishli korruption standart (ISO 37001)ga muvofiq sertifikatlashtirish tartibini o‘rnatish bo‘yicha tegishli vazifalar ilgari surildi. Ushbu belgilangan vazifalardan kelib chiqib, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi 26 ta vazirlik va idoralarda yashirin iqtisodiyot ulushini qisqartirish hamda korrupsiyaga qarshi ichki nazorat «komplayens-nazorat» tizimini joriy etish ishlari amalga oshirilmoqda.

O ‘n birinchidan, korrupsiyaga qarshi kurashning yana bir muhim jihat – 2024 yilning 5 iyunida O‘zbekiston Respublikasining «Manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risida»gi qonuni hamda Prezidentimizning «O‘zbekiston Respublikasining «Manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risida»gi qonuni ijrosini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarorining qabul qilinganligi.

Ushbu qonun davlat organining yoki boshqa tashkilotning xodimi, manfaatlar to‘qnashuvi, manfaatlar to‘qnashuvini tartibga solish bo‘yicha maxsus bo‘linma, shaxsiy manfaatdorlik, yaqin qarindoshlar tushunchalarining ma’nosи oydinlashtirib berilgani bilan ahamiyatlidir. Unda manfaatlar to‘qnashuvi bilan bog‘liq munosabatlarni tartibga solishning asosiy prinsiplari belgilandi. Qayd etish kerakki, O‘zbekiston Respublikasining «Korruptsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida»gi qonunida ko‘rsatilgan manfaatlar to‘qnashuvi

tushunchasi tahlil etayotgan qonunimizda yangi tahrirda kengaytirildi va tegishli o‘zgartishlar kiritildi. Ya’ni, manfaatlar to‘qnashuvi – shaxsning shaxsiy (bevosita yoki bilvosita) manfaatdorligi uning o‘z lavozim yoki xizmat majburiyatlarini lozim darajada bajarishiga ta’sir ko‘rsatayotgan yoxud ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan hamda shaxsiy manfaatdorlik bilan fuqarolarning, tashkilotlarning, jamiyatning yoki davlatning huquqlari, qonuniy manfaatlari o‘rtasida qarama-qarshilik yuzaga kelayotgan (mavjud manfaatlar to‘qnashuvi) yoki yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan (ehtimoliy manfaatlar to‘qnashuvi) vaziyat deb belgilandi. Mazkur qonunga muvofiq, davlat organining yoki boshqa tashkilotning xodimi o‘z lavozim majburiyatlarini yoki xizmat vakolatlarini vijdonan bajarishi va ularning bajarilishiga ta’sir ko‘rsatadigan yoki ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan o‘z shaxsiy manfaatlari bilan bog‘liq har qanday harakatlardan o‘zini tiyishi lozim. Shu bilan birga, mavjud manfaatlar to‘qnashuvi yuzaga kelgan taqdirda, tezda o‘zining bevosita rahbarini yoki maxsus bo‘linmani xabardor qilishi, o‘zining bevosita bo‘ysunuvidagi xodimlarni yoki boshqa xodimlarni o‘zining shaxsiy manfaatlarini ko‘zlovchi harakatlarga (harakatsizlikka) majburlamasligi, shuningdek, boshqa xodimlarga nisbatan o‘ziga ma’lum bo‘lgan manfaatlar to‘qnashuvi hollari to‘g‘risida xabar berishi shart.

Qonunning qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga yangi 1934-modda kiritilib, manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risidagi qonunchilik talablarini bajarmaslik uchun javobgarlik belgilandi.⁷ Ushbu moddada manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risidagi qonunchilikda nazarda tutilgan manfaatlar to‘qnashuvi mavjudligi haqida davlat organining yoki boshqa tashkilotning mansabdor shaxsi yoki xodimi tomonidan xabar bermaganligi, shuningdek, mansabdor shaxsiga ma’lum bo‘lib qolgan, manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risidagi qonunchilikda nazarda tutilgan mavjud yoki ehtimoliy manfaatlar to‘qnashuvini tartibga solish yuzasidan choralar ko‘rmaganligi uchun javobgarlik ko‘rsatilgan. Ichki ishlar organlaridagi manfaatlar to‘qnashuvi deganda, xodimning shaxsiy manfaati (bevosita yoki bilvosita) uning xizmat vazifalarini obektiv bajarishiga ta’sir qiladigan yoki

⁷ O‘zbekiston Respublikasining 2024 yil 5 iyundagi O‘RQ-931-sonli [Qonuniga](#) asosan kiritilgan — Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 05.06.2024 y., 03/24/931/0402-son — 2024 yil 6 dekabrdan kuchga kiradi.

ta'sir qilishi mumkin bo'lgan va qarama-qarshilik yuzaga keladigan yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan holat tushuniladi.

Albatta, amalga oshirilayotgan ishlar ko'lami maqtovga loyiq, biroq, hali o'z yechimini kutayotgan masalalar ham yo'q emas. Misol uchun, 2024 yil 22 avgust kuni Toshkent shahar korrupsiyaga qarshi kurashish hududiy kengashi yig'ilishi bo'lib o'tgan.

Unda Toshkent shahar prokurorining birinchi o'rinnbosarining poytaxtda mansabdorlik va korrupsiya jinoyatlariga qarshi kurash borasida olib borilayotgan nazorat tadbirlari haqidagi hisoboti tinglangan.

Xususan, poytaxt prokuraturasi organlarida 2024 yil 7 oyi mobaynida 217 nafar mansabdar shaxs va fuqarolar tomonidan korrupsiyaviy jinoyatlar sodir etganligi yuzasidan 185 ta jinoyat ishi tergov qilingan.

Ular asosan, huquqni muhofaza qiluvchi organlari, oliy, xalq ta'limi va mактабгача та'лим, sog'liqni saqlash, bandlik, moliya, soliq, energetika, bank, hokimlik xodimlari, kadastr xizmati va ekologiya idoralarning mas'ul hamda mansabdar shaxslari hissasiga to'g'ri kelgan.

Korrupsiya holatlarini fosh etish va aybdor shaxslarga jazo muqarrarligini ta'minlash borasida, boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan hamkorlikda 81 ta tezkor tadbirlar o'tkazilib, barchasi bo'yicha jinoyat ishi qo'zg'atilgan. Jinoyat ishlari tergovi doirasida 93 nafar shaxs jinoiy javobgarlikka tortilgan.⁸

Qayd etilgan va boshqa chora-tadbirlar mamlakatimizda korrupsiyaga qarshi kurashni yaxshilashga xizmat qildi. Buni mamlakatimizning xalqaro reytinglardagi o'rni yaxshilangani ham tasdiqlaydi. Xalqaro boshqaruв ko'rsatkichlariga ko'ra, O'zbekiston so'nggi yillarda korrupsiyaga qarshi kurashni yaxshilagan. So'nggi yillarda mamlakatimiz Transparency International's Corruption Perceptions Index (CPI) reytingida o'z o'rnini 42 pog'onaga yaxshilagan. Birgina 2023 yilning o'zida mamlakat o'z reytingini 5 pog'onaga yaxshiladi.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurashishning samarali moliyaviy, huquqiy va institusional mexanizmlarini yaratish yo'li o'z

⁸ <https://kun.uz/kr/news/2024/08/23/toshkentda-korruptsiyaviy-jinoyat-sodir-etgan-mansabdorlar-asosan-qaysi-idoralarda-ishlagani-aytildi>.

samarasini berdi desak bo‘ladi. Ammo shuni ta’kidlash kerakki, korrupsiyaga qarshi kurash faqat bir necha yillik vazifa emas. Bu to‘xtovsiz jarayondir va O‘zbekiston hukumati bu boradagi xalqaro standartlarga muvofiq korrupsiyaga qarshi islohotlarning muvaffaqiyatini ta’minlash bo‘yicha yangi qadamlarni qo‘yishga intilmoqda.

REZYUME

Mazkur maqolada korrupsiyaga qarshi kurashish va korrupsiyaga oid huquqbazarlik, manfaatlar to‘qnashuvi, korrupsiyaning oldi olinishiga xizmat qiladigan qonun va qonun osti normativ-huquqiy hujjatlarning huquqiy asos sifatidagi o‘rni yoritilgan.

В данной статье освещена роль закона и подзаконных нормативно правовых документов как правовой основе борьбы с коррупцией, коррупционными правонарушениями, конфликтом интересов и предотвращения коррупции.

This article highlights the role of the law and sub-law normative legal documents as a legal basis for combating corruption, corruption-related offenses, conflicts of interest, and prevention of corruption.



Sunnatillo RAXMONOV,
O‘zbekiston Davlat jahon tillari universiteti professori v.v.b.

**JALOLIDDIN RUMIYNING “MASNAVIYI MA’NAVIY”
ORQALI TALABALARING AYRIM AXLOQIY
KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH**

Bugungi shiddatli taraqqiyot ta’limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta’limdan ajratib bo‘lmasligini yana bir bor namoyon etmoqda. Ta’lim va tarbiya o‘zaro uyg‘un, uzlucksiz asosda tashkil etilsagina, yetuk axloqiy fazilatlarga ega bo‘lgan yuksak ma’naviyatli komil inson shu bilan birga bilimdon, zukko, ruhan va jismonan sog‘lom bo‘lgan keng dunyoqarashli, vatanparvar, zamon talablariga javob bera oladigan yosh kadrlarni yetishtirish mumkin. Bunda talabalarda axloqiy kompetensiyalarini shakllantirish muhim o‘rin egallaydi.

Kompetensiya atamasi – lotincha “competere” so‘zidan olingan bo‘lib, “erishmoq, muvofiq kelmoq, mos kelmoq” ma’nolarini anglatib, insonlarning egallagan muayyan bilim, ko‘nikma, malakalari majmuasini o‘zida mujassam etadigan qobiliyat turidir [1. B. 6]. Kompetensiya keng ma’noda murakkab vaziyatlarda mavjud bilim va ko‘nikmalarni amaliy tajribada qo‘llay olishdir. Shunday ekan kompetensiyani egallangan bilim, ko‘nikma va malakalarni amaliyotda qo‘llay olish qobiliyati desak ham bo‘ladi.

Kompetensiya atamasi ilmiy tadqiqotlarda XX-asrning 60-70-yillarida keng qo‘llanila boshlangan. Aniqrog‘i, tilshunoslikga oid tadqiqotlarda “kompetensiya” atamasi ilk bor muayyan tildan foydalanish jarayonida faoliyatga yo‘naltirilgan bilim, ko‘nikma va malakalar majmui sifatida qayd etilgan [2. B. 17].

Ma’naviy-axloqiy dunyoqarashi puxta shakllangan avlod ma’naviy-axloqiy bilim, ma’naviy-axloqiy tafakkur, ma’naviy-axloqiy his-tuyg‘u, ma’naviy-axloqiy idrok fazilatlarini tushunishi bilan birga, ma’naviy-axloqiy irodani o‘zida shakllantirib o‘z bilimi va malakasi bilan o‘z shaxsiy hayotini takomillashtirib boradi. Buning uchun albatta Jaloliddin Rumiy kabi buyuk mutafakkirlarning ijodiga murojat qilish eng oliy, axloqiy tarbiyaning shakllanishiga zamin yaratadi.

Jaloliddin Rumiyning serqirra ijodini o‘rganishda Sharq va G‘arb olimlari o‘zlarining salmoqli hissalarini qo‘sghanlar. Jaloliddin Rumiyning vafotidan so‘ng dastlab o‘g‘li Sulton Valad otasining vorisi sifatida uning ishlarini davom ettirib, Rumiyning hayoti va ta’limotini o‘zida aks ettirgan “Valadnoma” dostonini yozgan. Manbalar orasida aynan ushbu asar Jaloliddin Rumiyning hayoti va faoliyati haqidagi eng ishonchli manbaga aylangan.

Jaloliddin Rumiyning eng buyuk ilmiy merosi olti daftardan iborat axloqiy-tarbiyaviy majmua bo‘lgan “Masnaviyi ma’naviy” asaridir. Ushbu shoh asar serma’no va jozibali baytlari sabab barcha kishilar qalbidan joy olgan asardir. “Masnaviyi ma’naviy” qariyb o‘n yildan ko‘proq vaqt davomida yozilgan bo‘lib, Jaloliddin Rumiy vafotidan oldin ya’ni 1269-yilda yozib tugatilgan.

“Masnaviyi ma’naviy” asarining buyukligi yana shundaki, bugungi kunga qadar mazkur memuarga bir yuz ellikdan ortiq sharhlar yozilganlidigadir [3. B. 81]. Shuningdek, “Masnaviyi ma’naviy” asari musulmon olamida eng ko‘p o‘qiladigan va e’tiborga molik kitobdir. Rumiy “Masnaviy”si bilan tanishgan kitobxon, hayot mohiyatini tushunadigan, o‘z-o‘zini anglagan, muomala qilish madaniyatini egallagan, har bir masalaga insof vaadolat nuqtai nazaridan yondashadigan, vijdon nima, yolg‘on va rost nima, or-nomus nima, halol va harom nima – bularning hammasini bir-biridan ajrata oladigan, hayotda yomonlikka boshlovchi hatti-harakatlardan voz kechadigan va yaxshilikka boshlovchi amallarni bajaradigan shaxs bo‘lib yetishadi. Bunday ma’nan shakllangan insonlar jamiyatning, millatning yuzi, g‘ururi, obro‘-e’tibori hisoblanadi.

“Masnaviyi ma’naviy” asarida mutafakkir Sharq xalqlari og‘zaki ijodining noyob durdonalaridan hikoyalari tarzida ko‘plab namunalar hamda, Qur’oni Karim oyatlari va Hadislardan dalillar keltiradi. “Masnaviyi ma’naviy” asari, inson tafakkurini o‘zgartiruvchi, yuksak ma’naviy-axloqiy tarbiyani tarannum etuvchi muhim manbadir. Shuningdek, “Masnaviyi ma’naviy” asarida mutafakkir, ma’naviy-axloqiy tarbiyaga oid qarashlarni targ‘ib etishda hamda insonlar orasidagi muloqot, munosabat va voqealarni tasvirlashda fe’l-atvoriga mos ravishda ramziy qushlar (lochin, o‘rdak, g‘oz, tovus, zog‘, xo‘roz, chumchuq, qarg‘a, to‘tiquish) va hayvonlarni (tuya, arslon, quyon, bo‘ri, tulki, chumoli, xo‘kiz, sigir, mushuk) tasvirlab tarbiyaviy xulosalar bergan.

Shuningdek, joy nomlarini ko'rsatishda Shom, Iroq, Samarqand, Buxoro, Hindiston, Hirot, Turkiston, Chin, Damashq kabi shaharlardan mohirona foydalangan. Shuningdek, Rumiyning "Forsiy tildagi Qur'on" deya ta'riflangan "Masnaviyi ma'naviy" asari XVII-XVIII-asrlardan boshlab inson ma'naviy hayotining qomusi sifatida nafaqat Sharqda, balki G'arbda ham keng shuhrat qozongan. "Qalb ko'zingni och... Mavlono Rumiydan hikmatli so'zlar" kitobi Rumiyni anglash, uning ma'naviy olamidan bahramand bo'lishga, asardagi hikmatlar esa insonni jiddiy tafakkurga va ibratga chorlaydi.

Rumiy mohiyatni dengiz ichidagi durga o'xshatadi va inson narsa-hodisalarning o'z mohiyatini anglagani sari o'zini, o'zligini anglay boshlaydi, deydi. O'zini anglagan kishi baxtli kishidir. O'zlikni anglash qalb orqali amalga oshadi. Shuningdek, o'zligini anglagan kishining ruhi uning tanasini yo'lga soladi, deb e'tirof etadi [4. B. 97].

Inson barcha zamonlarda ham o'zining kimligini, o'zligini bilishga intilgan. Barcha davlatlarda, jamiki ijtimoiy tuzumlarda inson eng oliy qadriyat hisoblanadi. Tarix ham, tarixiy taraqqiyot ham, inson faoliyatidan boshqa narsa emas. Moddiy, ma'naviy, ijtimoiy-siyosiy, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni maqsad qilgan, tabiatni obod, jamiyatni go'zal va farovon qilish, tinchlik, haqiqiy adolatni hayot qoidasiga aylantirish, insoniylikka loyiq hayot uchun kurashayotgan inson - eng oliy darajadagi qadriyatdir. Insonning olamga bo'lgan munosabatini, uning atrof-muhitni, hatto o'zini-o'zi o'zgartira olish yo'llari va uslublarini, o'z taqdirini o'zi belgilovchi buyuk mavjudot ekanligini har tomonlama tahlil qildi. O'zi haqida, o'zining ruhiy-ma'naviy kamoloti haqida turli g'oyalilar, ta'limotlar yarattdi. Insonning o'zi to'g'risida yaratgan g'oyalari ham zamonlar o'tishi bilan o'zgarib bordi.

Jaloliddin Rumiy shaxsning ma'naviy-axloqiy shakllanishida go'zal va pok xulqining o'rni beqiyos ekanligini ko'rsatib beradi. Sharqona an'analarni saqlagan holda hikoya va matallar orqali keltirilgan obrazlarda ustoz va shogird, ota va o'g'il munosabatlari, muhabbat, insoniylik, javonmardlik, donishmandlik sifatlari mohirona talqin etilgan. Jumladan, ustoz eng avvalo, ilmli bo'lishi, ilmni shogird ko'ngliga singdirishi va shogirdini sevishi kerakligini qayd etadi.

Jaloliddin Rumiyning inson ma'naviy kamoloti haqidagi qarashlarini yorituvchi tadqiqotlar qanchalik ko'p bo'lmasin alloma ijodining nihoyasini belgilamaydi. Chunki, Rumiy ijodi serqirra bo'lib butun dunyo olimlari orasida

keng tadqiq etilganligiga qaramay hanuz zamon talabi uning ilmiy merosiga qayta va qayta murojaat qilishni taqozo etmoqda. Jaloliddin Rumiyning faoliyati, ilmiy merosi asosan “Masnaviyi ma’naviy” asariga bitilgan sharhlar nihoyatda ko‘p bo‘lib, dunyo tillariga tarjima qilingan. Shuningdek, mutafakkir hayoti va ijodiga bag‘ishlangan asarlar, maqola va risolalarining sanog‘i cheksizdir. Har qanday tadqiqot va sharhlar Rumiy ta’limotining asl mohiyatini anglashga ko‘maklashuvchi vosita sifatida inson hayotini ma’naviy-axloqiy jihatdan boyitishga xizmat qiladi [5. B. 112].

Mavlono Rumiy asarlari ko‘pchilik shoirlar ijodiga katta ta’sir ko‘rsatgan natijada, masnaviyxonlik xalqimiz o‘rtasida keng tarqalgan. O‘zbekiston FA Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy” asari saqlanadi. Istiqlol yillarida Rumiy hayoti va ijodi hamda turli janrdagi she’rlaridan namunalar o‘zbek tiliga tarjima qilingan. Mavlono Jaloliddin Rumiy asarlarida insonning ham moddiy, ham ma’naviy hayoti uchun zarur o‘gitlar mukammal badiiy ifodasini topgan “Masnaviyi ma’naviy” asari O‘zbekiston xalq shoiri Jamol Kamol tomonidan o‘zbek tiliga tarjima qilingan.

Xulosa qilib aytganda, Jaloliddin Rumiyning merosi shaxs ma’naviy-axloqiy tarbiyasini shakllantirishda muhim o‘rin egallaydi. Uning ijodiy faoliyati asosini insonni to‘g‘ri yo‘lga boshlash, ilm o‘rganish, nafshi yengish, sabrli bo‘lish kabi tasavvufiy qoidalar tashkil etadi. Mutafakkir jamiyatning taraqqiyotini ma’naviy-axloqiy komillikda ko‘rgani bois kishilarni ma’naviy komillik sari eltuvchi o‘ziga xos qarashlarni ilgari suradi. Shuningdek, mutafakkir asarlarida ilgari surilgan g‘oya va qarashlar, ifodalangan ma’no va mazmuniga ko‘ra muayyan tartib bilan joylashtirilsa, komil insonni tarbiyalaydigan maxsus axloq kitobi vujudga keladi. Uni o‘qigan har bir kishi axloqiy tarbiyasi mukammal shaxsga aylanib, ijtimoiy-axloqiy komilikka erishadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Omanov P.X. Xorijiy tillarni o‘qitishda talabalar ijtimoiy-madaniy kompetensiyasini rivojlantirish (autentik videomateriallar asosida). Monografiya. –Toshkent, 2023. 107-b.

2. Гальскова Н.Д. Межкультурное обучение: проблема целей и содержания обучения иностранным языкам // Иностранные языки в школе. – № 1. – М.: 2004.
3. Махмаджонова М.Т. Философия Джалолуддина Руми. – Таджикистан: Душанбе, 2007. – с. 81.
4. Избуллаева Г. Жалолиддин Румий шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари. – Тошкент: Фан, 2015.
5. Raxmonov S.M. Jaloliddin Rumiy ilmiy merosining pedagogik-tarbiyaviy ahamiyati. (Masnaviyi ma'naviy misolida). Monografiya. – Samarqand: «Samarqand davlat chet tillar instituti» nashriyoti, 2023. – 150-b.

REZYUME

Mazkur maqolada Jaloliddin Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy” asariga talabalarning axloqiy kompetensiyalarini rivojlantirishning pedagogik tahlili aks ettirilgan. Axloqiy kompetensiya mezonlarining muhim tarkibiy qismlaridan biri vatanparvarlikdir. Vatanparvarlik so‘zining negizini ona Vatanga bo‘lgan muhabbat tashkil etadi.

В данной статье отражены педагогический анализ развития нравственной компетентности студентов на основе произведения Джалолуддина Руми «Маснави Маънави». Одной из важных составляющих критериев моральной компетентности является патриотизм – любовь к Родине.

This article reflects a pedagogical analysis of the development of moral competence of students based on the work of Jalaluddin Rumi “Masnavi Manavi”. One of the important components of the criteria of moral competence is patriotism. The basis of the word patriotism is love for the Motherland.

Мафура ИНАГАМОВА,
Тошкент Давлат транспорт университети
Халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси доценти

АЁЛЛАР МЕҲНАТИ МУҲОФАЗАСИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Етти йилликда мамлакатимизда меҳнат муносабатларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иш ҳақига давлат сиёсати даражасида эътибор бериш амалга оширилди. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари: фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Конституциянинг 42-моддасида меҳнат ҳуқуқи ва уни амалга оширишга оид қуидаги нормалар белгиланди:

Биринчидан, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқига эга, деган норма мустаҳкамланди. Конституциявий ислоҳотлар доирасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи янгича қараш билан бойитилиб, «муносиб» сўзи билан тўлдирилди. Эндиликда «муносиб меҳнат» деганда, адолатли иш ҳақи тўланадиган иш жойлари, етарли меҳнат шароитлари ва ишончли ижтимоий ҳимоя кўзда тутилган. Шунингдек, ҳар ким хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга лигидир. Хавфсизлик ва гигиена талаблариша жавоб берадиган қулай меҳнат шароитлари деганда, хавфсизлик стандартлари, санитария нормалари ва қоидлари, гигиена нормативлари талаблари асосида иш жойларини ташкил этиш тушунилади. Бундай шароит ходимларни касб касалликлари, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва инсонлар ўлимини ёки соғлиғига зарар етказишнинг олдини олади.

Ушбу масала бўйича 2006 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан *“Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашии асослари тўғрисидаги Конвенция”* қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда ЎРҚ-693-сон *“Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашии асослари*

тўғрисида”ги 187-сонли конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида Қонун қабул қилинди¹;

Иккинчидан, меҳнат учун ҳақ тўлаш ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бу каби нормалар Испания, Италия, Португалия, Чехия, Руминия, Хитой, Туркия каби давлатлар конституцияларида ҳам белгиланганлигига тўхталиб ўтиш лозим.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида янги иш ўринлари яратиш ва ахоли даромадларини ошириш орқали 2026 йилгача камбағалликни камида икки бараварга камайтириш белгиланган. Бунинг учун, норасмий ишлаётган 2,5 млн фуқаронинг бандлигини легаллаштириш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 бараварга камайтириш, касбга ўқитиш қўламини 2 бараварга ошириш, яъни 1 млн нафар ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда 3,5 млн янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган².

Конституциямизнинг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда давлат фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш чоралари қаторида маҳаллалар кесимида ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхати (“Темир дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Мехр дафтари”) орқали маҳаллаларда иш юритиш йўлга қўйилган.

Фуқароларимизнинг чет элда меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш борасида ҳам уларни касбий тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими яратилди. Ўзбекистонда 30 дан ортиқ давлатлардаги 475 дан ортиқ иш берувчилар билан шартномалар тузилиб, меҳнат мигрантларига ишга жойлаштириш, ўқитиш, суғурта, кредит, микроқарз каби 10 га яқин

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2021 й., 03/21/693/0529-сон.

² Бандлик дастурлари ижроси — парламент назоратида//
<https://senat.uz/oz/events/post-490>.

хизматлар кўрсатилмоқда. Бундай нормалар Италия, Чехия, Финляндия, Польша, Хитой каби давлатлар конституцияларида ҳам назарда тутилган.

Конституцияга киритилган ушбу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларни, айниқса, ишсиз аёллар сонини кескин камайтиришга, фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чораларини кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қиласди.

Яна муҳим норма бу Конституциямизнинг 47-моддасида мустаҳкамланган. Бинобарин, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмак кўрсатиш ижтимоий давлатнинг муҳим функцияларидан биридир. Айниқса, муҳтож инсонларни ватан ичра ватани бўлган уй-жой билан таъминлаш Янги Ўзбекистон инсонпарвар сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур”³, деб таъкидлаган эди. 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она, кўп болали оилалардаги ота-оналар, “Мехрибонлик” уйларининг битирувчилари, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсияолди ёшидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар ва ҳоказолар киради.

Саккизинчи йилдирки, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда “Мехрибонлик” уйларининг битирувчиларини, ногиронлиги бўлган шахсларни, кам таъминланган оилаларни, айниқса, алоҳида ёрдамга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар бериш, уйларнинг дастлабки бадалларини тўлаб бериш, имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредитлар бериш каби инсонпарвар сиёsat амалга оширилмоқда. Хусусан, уй-жой шароитларини яхшилашга

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувидаги маърузаси// Т.: 2022.

муҳтоҷ бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига субсидиялар тўланиши белгиланди. Янги тартиб доирасида 2020 – 2022 йилларда жами 27 800 нафар фуқарога бошланғич бадал бир қисмини қоплаш учун 795,6 млрд сўм ва 38 811 нафар фуқарога 29,4 млрд сўм фоиз тўловлари бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилган⁴.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган хотин-қизлар ижара ҳуқуқи асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилмоқда. Жумладан, уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда⁵. Бундай норма Швейцария, Финляндия, Португалия, Польша каби давлатларнинг ҳам конституцияларига киритилган. Ушбу норманинг белгиланиши ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оиласарнинг ўз хонадонига эга бўлиши унинг меҳнат самарадорлигига, ўқиш имкониятларига, самарали дам олишига ижобий таъсир кўрсатиб, шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан розилик даражасини оширади. Шу ўринда эркаклар ва аёллар тенглиги ҳақида тўхталиб ўтсақ, Конституциямизнинг 58-моддаси аёллар учун катта имкониятлар очиб беради. Бугун хотин-қизларнинг ўзлари орзу қилган севимли касби билан шуғулланиши, илм-фан, касбий чўққиларни забт этиши учун барча имконият ва шароитлар teng қилиб яратилмоқда. Мазкур модда аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол ташаббускор иштирокчиси эканини ҳуқуқий асослаб бермокда.

Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга кадар гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, гендер тенглик бу – сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини таъминлашдир. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда гендер

⁴ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.12.2023 й., 03/23/886/0970-сон.

⁵ Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.12.2021 й., 09/21/737/1132-сон; 15.06.2022 й., 09/22/331/0522-сон; 06.08.2022 й., 09/22/431/0716-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон; 13.04.2024 й., 09/24/183/0273-сон.

тенгликнинг таъминланиши хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар ва турли қарорлар қабул қилинишида иштирокини янада кенгайтириш имкониятини беради. Масалан, ҳозирда бошқарув лавозимидағи хотин-қизлар улуши 33 фоизни, Олий Мажлисда эса 32 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, гендер тенглик таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ижод қилиш, маданият соҳаларида ҳам таъминланиши хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини оширади. Айни вақтда ҳам хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, саноатда 38 фоизни, тадбиркорликда 35 фоизни, олий таълимда 46 фоизни ташкил этиши ҳам соҳалар ривожидаги эгаллаган муносаб ўрнидан далолатдир.

Ҳар қандай халқнинг етуклиқ даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб беради. Шу боис уларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун шароит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланди. Натижада, биргина 2022 йилда олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Мазкур норманинг киритилиши хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятидаги лавозимларга кенроқ жалб этиш имкониятини яратади. Халқ фаровонлиги, жамият тинчлиги ҳамда иктисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг teng ҳуқуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир.

Саккизинчи йилдирки, ҳаётимизга кўплаб янги меҳнат муносабатлари кириб келди. Жумладан, ўзини-ўзи банд қилиш, масофавий иш усули жорий қилинди. Буларнинг барчаси меҳнат бозорида одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича янги ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. Шу боис, ўтган даврда мазкур соҳага оид “Меҳнатни муҳофаза қилиши тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги каби қатор қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, меҳнат муносабатларида

вакиллик органи (касаба уюшмаларининг) ролини, жамоатчилик назоратининг ўрни ва аҳамиятини оширишга оид нормаларни соҳадаги асосий хужжат – Мехнат кодексида акс эттириш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Мехнат кодексининг 19 та моддасида аёллар билан боғлиқ меҳнат муносабатлари ифодаланган бўлиб, аёлларнинг ва оиласий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос ҳусусиятлари деб номланган ва аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар ишлаб чикарилган⁶.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятнинг барча соҳаларидағи фаолиятларига янгича ёндашилиб, уларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлари норматив-хуқуқий хужжатларда мустаҳкамаланди. Бундан ташқари аёлларга оид масалалар Мехнат кодекснинг 30 та моддасида келтириб ўтилган бўлиб, “аёл” ва “аёллар” жумлалари 64 маротаба қўлланилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда аёлларнинг меҳнатга оид муносабатларда ҳуқуқлари ҳимояланганлигидан далолат беради.

РЕЗЮМЕ

Мақолада эркаклар ва аёллар ўз меҳнатлари учун ҳеч қандай камсишишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам микдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги миллий ва халқаро тажрибага асосланиб таҳлил қилинган.

В статье на основе национального и международного опыта анализируется тот факт, что мужчины и женщины имеют право на справедливую оплату своего труда без какой-либо дискриминации и не ниже установленного минимального размера оплаты труда.

The article, based on national and international experience, analyzes the fact that men and women have the right to fair payment for their work without any discrimination and not lower than the established minimum wage.

⁶ Инагамова М. М. Мехнатга оид муносабатларда ҳомиладор аёллар ҳуқуқларининг ўзига хос ҳусусиятлари// Ta’lim innovatsiyasi va integratsiyasi. Республика илмий журнали. Т.: 2023.

Зухра АЛИЕВА,
*Малака ошириши институти Махсус касбий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник*

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҶЕИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА ЯРАТИЛАЁТГАН БАЪЗИ ИМКОНИЯТЛАР

*Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг
ўрни ва мавҷеини янада мустаҳкамлаш –
ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишиларидан
биридир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аёлнинг оиладаги асосий ўрни – оила бешигини тебратишидир. У оиласи ҳаётнинг барча юмушлари билан шуғулланади. Фақат онагина ўз фарзандига бор муаммоларини ҳал этишга, тўғри қарор қабул қилишга ва ҳаётнинг қийин даврида ҳар қандай вазиятда уни қўллаб-қувватлашга кўмак бера олади. Бу нафис ҳилқат эгаси бўлмиш аёлларга сабр, куч, саломатлик, етарли шарт-шароит, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, жамиятда мавжуд ҳукуқ ва эркинликлардан фойдаланиш жуда аҳамиятлидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 67/1 резолюцияси¹ 16-бандида: “*Биз аёллар эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик асосида қонун устуворлиги имтиёзларидан тўла фойдаланишини таъминлаш ва қонундан уларнинг тенглигини ҳимоя қилиши, уларнинг тўлиқ ва тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, шу жумладан, бошқарув ва адлия тизимида фойдаланиши мажбуриятини олиш мухимлигини тан оламиз. Аёлларга нисбатан камситиш ва зўравонликнинг барча шаклларининг олдини олиш ва йўқ қилиши, уларнинг тўлиқ ҳукуқлари ва имкониятлари ҳамда адлия тизимига тўлиқ киришини таъминлаш учун тегишли ҳукуқий ва қонунчилик базасини яратиш тарафдори эканмизни яна бир бор тасдиқлаймиз*”, – деб таъкидланган.

¹ БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 67/1 резолюцияси.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Конституциямиз, қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь кунидаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни²нинг ижрога қаратилиши мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор ва ҳурматнинг бир муҳим белгиси дейишимиз мумкин. Мазкур Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши асосий мақсад этиб белгиланди.

Ушбу қонунда илк бор миллий қонунчилигимизда гендер тушунчасига таъриф берилди. Унга кўра гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жихат ҳисобланади.

Агарда биологик жинс, инсонларни аёл ва эркакларга ажратадиган бўлса, гендер тенглик – бу аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини ажратишга қаратилган. Жамиядда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имкониятлар яратиб бериши гендер тенглик таъминлашда асос бўлиб хизмат қиласди.

Хусусан, қонунда жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлари, уларни таъминлашдаги кафолатлари, давлат сиёsatининг асосий йўналишлари, хотин-қизларни давлат бошқаруви, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли Қонуни. Халқ сўзи. 2019 йил 3 сентябрь.

кафолатлари тўлиқ белгилаб берилганлиги, юртимизда хотин-қизларга нисбатан берилаётган имкониятларнинг юқори эканлигини кўрсатади.

2024 йил 4 март – Вашингтон, Жаҳон банки гурухининг янгиланган ва инновацион методологияга мувофиқ тайёрланган янги ҳисботи³га кўра, бутун дунё бўйлаб гендер тенгсизлик кўлами илгари ўйлаганимиздан анча катта, зўравонликдан ҳимояланиш ва бола парвариши билан боғлиқ ҳуқуқий фарқлар ҳисобида аёллар эркакларнига нисбатан ўртacha атиги 64 фоиз ҳуқуқий ҳимояга эга, бу аввалги ҳисобланган 77 фоиздан сезиларли даражада кам. Тахлиллар шуни кўрсатадики, бу бўшлиқ жуда катта. Мавжуд қонунларга кўра, аёллар эркакларнига тегишли ҳуқуқларнинг тахминан учдан икки қисмига эга бўлса-да, ўртacha ҳисобда кўриб чиқилган мамлакатлар ушбу қонунларни тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлган тизимларнинг 40% дан камроғини яратган. Мисол учун, дунёда 98 та давлатда аёллар teng қийматдаги иш учун teng ҳақ олишларини талаб қилувчи қонунлар мавжуд. Бироқ, фақат 32 мамлакатда - ҳар бешинчидан камроғида - иш ҳақининг шаффоғлигини таъминлаш чоралари ёки иш ҳақи бўйича фарқни бартараф этиш учун амал қилиш механизмлари мавжуд.

Жаҳон банки гурухи бош иқтисодчиси ва ривожланиш иқтисодиёти бўйича катта вице-президенти **Индермеет Гилл**: “Аёллар глобал иқтисодиётга қучли туртки бериш имкониятига эга”, деди. “Бироқ, бутун дунёда камситувчи қонунлар ва ўрнатилган амалиётлар аёлларнинг эркаклар билан бир хил асосда ишлаши ёки бизнес бошлашига тўсқинлик қиласди. Бу фарқни бартараф этиш жаҳон ялпи ички маҳсулотини 20 фоиздан кўпроққа ошириши мумкин. Дарҳақиқат, бу келгуси ўн йил ичida глобал иқтисодий ўсиш суръатларини икки баравар оширади. Бироқ, ислоҳотлар суръати секинлашди. Қонунлар ва воқелик ўртасидаги тафовут, имкониятлар тенглиги ҳақидаги қонунларни қабул қилган мамлакатларда ҳам олдинда қанчалар иш турганини кўрсатади. 2023 йилда ҳукуматлар учта соҳада тенгликни таъминлаш учун ҳуқуқий ислоҳотларни кучайтирди: иш ҳақи, ота-она ҳуқуқлари ва ишчилар ҳуқуқлари. Бироқ, деярли барча мамлакатлар биринчи марта баҳоланган иккита тоифа бўйича

³ Вашингтон. 2024-йил 4-мартда Жаҳон банки гурухининг янгиланган ва инновацион методологияга мувофиқ тайёрланган янги ҳисбот. Шахсий архив.

ёмон натижаларга эришди: болалар парваришидан фойдаланиш ва аёллар хавфсизлиги.

Бирок, энг ёмон ахвол аёллар хавфсизлиги соҳасида: бу тоифадаги глобал ўртача кўрсаткич бор-йўғи 36 баллни ташкил этади, яъни аёллар уйдаги зўравонлик, жинсий зўравонлик, эрта турмуш қуриши ва аёлларга нисбатан зарур бўлган ҳуқуқий ҳимоянинг атиги учдан бир қисмига эга. Гарчи дунёда 150 мамлакатда жинсий зўравонликни таъқиқловчи қонунлар мавжуд бўлса-да, улардан фақат 40 тасида жамоат жойларида жинсий зўравонликни таъқиқловчи қонунлар мавжуд. Шу сабабли, аёллар кўпинча ишга бориш учун жамоат транспортидан фойдалана олмайдилар. Аёллар бошқа соҳаларда ҳам жиддий тўсиқларга дуч келишмоқда. Масалан, бизнесда ҳар беш мамлакатдан фақат биттаси давлат харидлари учун гендер мезонларини белгилайди, яъни аёллар йилига 10 триллион долларлик иқтисодий имкониятлардан маҳрум. Тўловга келсак, аёллар эркакларга тўланган ҳар бир доллар учун атиги 77 цент олади. Ҳуқуқлардаги тенгсизлик пенсия билан боғлиқ масалаларда ҳам сезилади.

62 мамлакатда эркаклар ва аёллар учун пенсия ёши бир хил эмас. Умуман олганда, аёллар эркакларга қараганда узокроқ умр кўрадилар. Бирок, иш ҳақининг пастлиги, болани парвариш қилиш муддатлари ва эрта нафақага чиқиш туфайли уларнинг пенсиялари камроқ бўлади ва улар кексаликда янада заиф молиявий ахволга тушиб қолишади.

“Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қонунларни ислоҳ қилиш ва аёлларнинг ишлаш, ўз бизнесини очиш ва ривожлантириш имкониятларини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича саъй-харакатларни фаоллаштириш муҳим”, – дейди хисботнинг етакчи муаллифи Теа Трумбич⁴.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли суверен вакили сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзодир. Бу халқаро ташкилот ва унинг ихтисослашган муассасалари билан халқаро ва минтақавий хавфсизлик, барқарор тараққиёт муаммолари, ижтимоий-иктисодий, экологик таҳдидлар каби масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда БМТга аъзо давлатдан 120 тадан ортиғида гендер квотаси бўлиб, Марказий Осиё Қозоғистон, Қирғизистон ва

⁴ пресс-релиз №: 2024/049/dec.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар номзодларининг умумий сонидан аёллар учун 30 фоизли квоталар қонунийлаштирилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг таълим олиши учун бир қанча имтиёзлар яратилган. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотларига кўра, республикадаги жами ОТМда таҳсил олаётган талабалар миллиондан ошиқ ва хотин-қиз талабаларнинг улуси юқори бўлиб, 1 млн 312 минг талабанинг 650 минг нафари эркаклар, 662 минг нафари эса хотин-қизлардир. Магистратурада таҳсил олаётган 24 минг талабанинг 60 фоизи хотин-қизлардан ташкил топган.

Бу борада хотин-қизларга ўқишга киришда қатор имтиёзлар назарда тутилди: – эҳтиёжманд оиласлардаги хотин-қизларга ажратилувчи умумий квотанинг 4 фоизи миқдоридаги (2 мингта ўрин) грант хисобланади. Тавсиянома Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан берилиши, кам таъминланган, тўлиқсиз оиласда тарбияланаётган, ногиронлиги бўлган ота-онанинг фарзандлари ҳам тавсиянома олиб, имтиҳонда қатнашиши, энг юқори балл олган 2 минг хотин-қизлар тавсиянома асосида грантга ўқишга қабул қилиниши;

– Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан 5 йиллик стажга эга, олий маълумотли бўлмаган хотин-қизларга тавсияномалар берилиши, хотин-қизлар имтиҳон топшириб, баллари алоҳида квота доирасида ҳисобланиб, энг юқори балл тўплаган 500 абитетурент талабаликка тўлов-контракт асосида қабул қилиниши;

– Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлган ўқувчилари ОТМлар бакалавриатига, бакалавриат талабалари бўлган лауреатлар эса магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича синовларсиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилиниши;

– “Ҳамшира” кўрик-танлови ғолиблари давлат комиссияси қарори билан тегишли ОТМлар мос йўналишига танловдан ташқари кириш имтиҳонисиз қўшимча грант асосида қабул қилиниши;

– ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузурида шакллантириладиган “Тўмарис издошлари” жамоавий групчалари аъзолари бир йил давомида ўқиш ва иш жараёнига салбий таъсир этмаган ҳолда умумий 360 соат вақт мобайнида фаолият олиб бориши ҳамда ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлигининг

тавсияномасига асосан хукуқ-тартибот органларининг олий таълим муассасаларига саралашнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтгач, якка тартибдаги сұхбатсиз (тест синовларисиз) квота асосида ўқишиң қабул қилиниши;

– магистратура босқичига кирған барча хотин-қизларнинг тўлов-контракт пули давлат томонидан қоплаб берилиши ҳамда шу ўқув йилидан бошлаб коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи касб (мутахассислик)лар бўйича ўқишиң кирадиган хотин-қизлар тўлиқ грант асосида қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Глобал миқёсида аёлларнинг маоши эркаклар иш ҳақининг ўртacha 80 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистонда эса бу фарқ янада катта: аёллар эркаклар иш ҳақининг 61 фоизи миқдорида маош олади. Ўзбекистонда иш билан банд бўлган аёллар ва эркаклар ўртacha иш ҳақидаги гендер тафовутини бартараф этиш 700 мингдан ортиқ одамни қашшоқликдан чиқаришга ёрдам беради. Хусусан, 2024 йилнинг 11 март куни Нью-йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ хотин-қизлар мақоми бўйича комиссиясининг 68-сессиясида қашшоқликни бартараф этиш, институтлар салоҳияти ва молиялаштиришни кучайтириш орқали гендер тенгликка эришиш ва барча хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева ўз нутқида Республикада аёлларга муносабат тубдан ўзгарганини, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар, хорижий тилларни пухта эгаллаши, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилган 40 дан ортиқ меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилинганини, ижтимоий ҳимоя қилиш миллий агентлиги, жумладан, аёллар ва қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича миллий агентлик ташкил этилганини, Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги можаролари ҳудудларидан қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашуви бўйича ишлар олиб борилаётганини ҳамда яқинда Жаҳон банки индексида эълон қилинган Ўзбекистон гендер тенглиги соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда энг катта муваффақиятга эришган беш давлат қаторидан жой олганини, бу эса оиласидаги

зўравонликнинг барча кўринишлари учун қонунда жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлишини баён этган.

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Самарқандда БМТ Аёллар ташкилоти билан ҳамкорликда «Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув» мавзусида Осиё аёллари форумида 30 дан ортиқ давлатлардан 81 та мамлакат парламентларининг аёл аъзолари, ҳукуматлар вакиллари, 40 дан ортиқ чет эл мамлакатлари ва ташкилотларининг Ўзбекистондаги раҳбарлари, маҳаллий давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, тадбиркор, олима, сиёсатшунос ҳамда турли тармоқлардаги фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Форумда Сенат раиси сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга ошгани, Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг 25 фоизи аёллардан иборат экани, «ишбилармон аёллар” сони икки баробарга кўпайгани, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошгани, юз минглаб аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилгани, салкам ярим миллион нафар сингилларимиз иш билан таъминланганлиги, олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг ярмидан зиёдини қизлар ташкил этиши, Жаҳон банки индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилгани ҳамда очик гендер маълумотлар индексида энг яхши 20 та давлат қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олганини алоҳида мамнуният билан тилга олди.

Олий Мажлис Сенат раиси Танзила Норбоева ўз нутқида: “Талаба қиз турмушга чиқса, ўқиши қийналиб давом эттиришга мажбур бўлади. Қўллаб-куватлайдиган қайнота билан қайнонанинг қўлига тушса-ку яхши, аммо “ўқиб нима бўлардинг” дейдиган оиласа келин бўлса, буёгини тасаввур қиласеринг. Йиллар давомида тўпланиб қолган шу каби муаммолар, олий ўқув юртларига ёшларни қамраб олиш кўрсаткичининг тўққиз фоиз эканлиги олий маълумотли, кенг тафаккур ва дунёқараши бор аёлларни тарбиялашда катта тўсиқ бўлди. Қувонарлиси, бугунги кунда замонавий фикрлайдиган ота-оналар, қайнота-қайноналар, куёвлар кўпайиб боряпти. Ўз навбатида, хотин-қизларнинг таълим олиши, касбли

бўлиши учун қоғозда эмас, реал ҳаётда катта қулайликлар, енгилликлар яратилмоқда”, деб таъкидлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун гендер тенглик тамойили ҳақида очик ва шаффоф гапирилаётгани, бу борада изчил чоратадбирлар олиб борилаётгани фикримизга мисол бўла олади. Хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрни топишида, биринчи навбатда, отоналарнинг муносабати, иккинчидан, олий таълимда уларни қамраб олиш ҳамда уларни ижтимоий мавқеини оширишда уларга юртимизда яратилаётган бор имкониятлар муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоеванинг: “БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида аёлларнинг teng ҳуқуқлиги тўғрисида”ги манбаси асосида: “Хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Қонуннинг мақсади, гендер тенглик тушунчаси, халқаро ташкилот вакилларининг фикрлари айни муддаодир”, – деган ғоялари жуда ҳам ўринли.

РЕЗЮМЕ

Мақолада хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролининг асосий ижтимоий кўрсаткичлари, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя даражаси, имкониятлардан фойдаланишга доир илмий-назарий тушунчалар тавсифи илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

В статье сделан анализ определения женщины, о равных правах гендерного равенства, мнения представителей международного сообщества организаций.

Definition of a woman, about the equal rights of women in the resolution of the UN General Assembly, the purpose of the Law "On guarantees of equal rights and opportunities for women and men", the concept of gender equality, the opinions of representatives of international organizations, the speech of the chairman of the Senate of the Oliy Majlis T. Narbaeva.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Очкүз бўлмасликнинг ўзиёқ бойликдир.

ЦИЦИРОН.

Тилингдан кўра, кўпроқ қулоқларингдан фойдалан.

СЕНЕКА.

Кўриши осон, олдиндан кўра билиши қийин.

Бенжамин ФРАНКЛИН.

*Бу дунёниг барча иззат-икроми битта
яхши дўстга арзимайди.*

ВОЛТЕР.

*Мажсунтот остига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим!*

МИРТЕМИР.



Сардор САКИЕВ,
Малака ошириши институти кадрлар бўлими
катта инспектори, майор

ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарбияда танаффус бўлмайди, дейди халқимиз. Лекин, маънавий-маърифий ишлардаги узвийлик ҳозирча бундай эмас¹.

Раҳбарлик ва бошқарув маданияти, ҳаётий билим ва тажрибалар қаердан бошланади? Халқ билан бевосита мулоқот қилишидан бошланади. Айниқса, қушии погонадаги раҳбарлар ўз дунёқарашини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадоши бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислоҳотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади².

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ички ишлар органлари – жамиятда тинчлик ва осойишталикини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишдаги энг муҳим институтларидан бири. Бу соҳада фаолият юритаётган раҳбарлар ва ходимлар давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқукий муаммоларни ҳал қилиш ва жамиятда адолатли тартибни сақлаш каби вазифаларни бажаради. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун ички ишлар органлари ходимларининг касбий малакаси, шахсий хислатлари, маънавий фазилатлари ва бошқарув маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари ходимларининг асосий мақсадларидан бири “**Инсон қадри учун**” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар

¹ Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва рухи маънавиятдир. <https://president.uz/oz/lists/view/4089>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош мұхаррири Салим Дониёрвонинг саволларига жавоблари. <https://tuit.uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyev>.

ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришишдир³. Шунинг учун, раҳбарлар ва ходимларнинг таълим ва тарбияси ички ишлар органлари бошқаруvida марказий ўрин тутади.

Раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги самарали алоқаларни таъминлаш, уларнинг вазифаларниadolатли, самарали ва тўғри бажаришлари учун касбий ривожланишлари муҳимдир. Ички ишлар органларидағи бошқарув жараёнларининг муваффақияти раҳбарларнинг стратегик фикрлаши, ходимлар билан самарали муроқот қилиш қобилияти ва касбий етуклигига бевосита боғлиқ. Раҳбарлар ўз жамоасининг касбий ўсишини қўллаб-куватлашлари, уларни мутахассис сифатида ривожлантиришлари ҳамда уларнинг шахсий ва касбий имкониятларини кенгайтиришлари лозим. Ички ишлар органлари ходимларининг таълим ва тарбияси нафақат қонунчилик ва бошқарув соҳасида, балки ахлоқий ва маънавий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Бошқарув жараёнидаги ўзгаришлар, мураккаб ҳолатлар ва янги талаблар раҳбарларнинг янгича ёндашувларини талаб қиласди. Шу сабабли раҳбарлар доимий равишда ўз билим ва қўникмаларини ошириб боришлари, янги технологиялар ва бошқарув усулларидан фойдаланишлари керак. Ички ишлар органлари ходимлари учун доимий таълим ва тарбия муҳим аҳамиятга эга. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини самарали бажаришлари учун ҳуқуқий, ахлоқий, жисмоний ва психологик тайёргарлик даражасини оширишлари керак. Хизматнинг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўтказиш жараёнларида мутахассис-психологларнинг ролини ошириш ҳам энг муҳим омиллардан биридир⁴. Улар ўз касбий билимларини янгилашлари, янги билим ва қўникмаларга эга бўлишлари, мураккаб ва фавқулодда ҳолатларда самарали ишлашга қодир бўлишлари зарур.

Раҳбарлардаги таълим ва тарбиянинг ўрни

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга ўйналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6364837>.

⁴ Ўша манба.

Ички ишлар органларида раҳбарларнинг таълим ва тарбияси фақат уларнинг шахсий касбий етуклигини таъминлаш билан чекланиб қолмайди, балки бутун органнинг самарали фаолияти учун муҳим омил ҳисобланади. Раҳбарлар ички ишлар органларининг асосий бошқарувчилари сифатида қуий даражадаги ходимларнинг касбий тайёргарлиги, ахлоқий қадриятлари ва фаолият самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун улар юқори даражадаги касбий билим, самарали бошқарув кўникмалари, шунингдек, юқори даражадаги маънавий ва ахлоқий қадриятларга эга бўлишлари лозим.

Раҳбарлик қобилиятларини ривожлантириши

Раҳбарлар доимий равишда ўзининг раҳбарлик қобилиятларини ривожлантиришлари керак. Булар стратегик фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, самарали қарорлар қабул қилиш ва бошқарув жараёнларини ташкил қилиш каби қобилиятлардан иборат. Бу кўникмалар раҳбарнинг хизмат жараёнида тўғри қарор қабул қилиши ва ходимлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаши учун зарурдир. Масалан, стратегик фикрлаш раҳбарга келажакни режалаштириш, органни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ахлоқий ва маънавий қадриятлар

Раҳбарларнинг таълим ва тарбиясида ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Раҳбарлар ўз хулқи билан ходимларга намуна бўлиши, адолат, инсоф ва масъулият каби қадриятларни жорий қилиши лозим. Бунинг учун улар нафақат қонун ва меъёрий ҳужжатларни яхши билишлари, балки уларнинг ижросини таъминлашда ўзининг шахсий маънавий қадриятларига амал қилишлари ҳам зарур. Раҳбарнинг одоб-ахлоқи ва инсоний фазилатлари ходимларнинг унинг ёрдамига ишониши ва уларнинг хизматга бўлган иштиёқини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади⁵.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 1-илова. 4-боб. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси. <https://lex.uz/uz/docs/6364837>.

Раҳарлар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар

Раҳбарлар ўз одимлари билан самарали ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантиришлари зарур. Бунинг учун улар ходимлар билан доимий мулоқотда бўлишлари, уларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини тушуниб, тегишли ёрдам кўрсатишлари керак. Раҳбарларнинг хизматчилар билан ўзаро ишончли ва яхши муносабатларни шакллантиришлари фаолиятнинг самарадорлигини оширади, чунки ходимлар ўз раҳбарининг ёрдамига таяниб, ўз вазифаларини юкори даражада бажаришга интиладилар.

Раҳбарлар моделининг аҳамияти

Раҳбарлар ички ишлар органларида бошқарув жараёнларида намуна сифатида хизмат қилиши керак. Улар ўзининг касбий билими, хулқатвори, ва маънавий фазилатлари билан ходимлар учун намуна бўлишлари лозим. Раҳбарларнинг касбий ва шахсий фазилатлари ходимларнинг ўзларини ривожлантиришга ва касбий етукликка эришишларига ёрдам беради. Бунинг натижасида ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлиги ошади ва давлат хавфсизлигига бўлган хизмат кўрсатилади.

Раҳбарлар масъулияти

Раҳбарлар ўзининг хизмат жамоаси олдида катта масъулиятга эга. Улар нафақат қонун ва тартиб-қоидаларга риоя қилишлари, балки ходимларнинг хизмат вазифаларини адолатли ва тўғри бажаришларини таъминлашлари лозим. Раҳбарлар ўзининг шахсий масъулиятини англаб, фаолият жараёнида юкори профессионаллик ва инсонийликни саклашлари керак. Улар ходимларини рағбатлантириш, уларга қўллаб-қувватлаш ва доимий йўл-йўриқ кўрсатиш билан уларнинг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишлари лозим.

Ходимларнинг таълим ва тарбиядаги ўрни

Ички ишлар органлари фаолиятида ходимларнинг таълим ва тарбияси асосий ва муҳим таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Чунки бу

органларда фаолият юритаётган ходимлар жамиятнинг ҳуқуқий тизими, жамоат хавфсизлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бевосита иштирок этадилар. Ходимларнинг юқори даражадаги касбий билим ва кўникмаларга эга бўлиши уларнинг давлатга ва жамиятга хизмат кўрсатишда самарали бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ходимларнинг таълим ва тарбияси ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Касбий таълимнинг аҳамияти

Ички ишлар органлари ходимлари учун касбий таълим доимий равищда ривожланиш ва янгиланишни талаб этадиган жараёндир. Бу органларда ишлаётган ҳар бир ходим қонунлар, низомлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича юқори даражада билимга эга бўлиши, ўз фаолияти давомида уларни тўғри ва самарали қўллай олиши зарур. Ҳар бир ходим ўз вазифасини тўғри бажариши учун унинг ҳуқуқий билимлари доимий равищда янгиланиб туриши керак. Шунингдек, касбий таълимнинг ажralmas қисми бўлган амалий машғулотлар, тренинглар ва тажриба алмашиб дастурлари ходимларнинг касбий кўникмаларини оширишга ёрдам беради.

Ахлоқий ва маънавий қадриятлар

Ходимларнинг фақатгина касбий билими эмас, балки уларнинг шахсий хислатлари, ахлоқий қадриятлари ва маънавий фазилатлари ҳам ички ишлар органларида самарали ишлашда муҳим ўрин тутади. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини адолатли, қонунга риоя қилган ҳолда бажаришлари, жамият билан муносабатларда инсонпарварлик ва ҳурмат тамойилларига амал қилишлари лозим. Улар ўз фаолиятларида жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда юқори ахлоқий меъёрларга амал қилишлари керак. Шунингдек, ходимларнинг маънавий фазилатлари уларнинг хизматдаги самарадорлигини ва жамоат билан ишлаш қобилиятини оширади.

Жисмоний тайёргарлик

Ички ишлар органларида хизмат қилувчи ходимлардан жисмоний тайёргарлик юқори даражада бўлиши талаб этилади. Бу уларнинг

фавқулодда ҳолатларда ҳамда жисмоний куч талаб этилган ҳолатларда самарали ишлашини таъминлайди. Жисмоний тайёргарлик тренинглари, спорт машғулотлари ва маҳсус жисмоний тарбия дастурлари орқали таъминланади. Ходимларнинг жисмоний ҳолати яхши бўлса, уларнинг стрессга чидамлилиги, тезкорлик ва ҳаракатчанлик қобилияtlари юқори бўлади, бу эса хизмат вазифаларини бажаришда жуда муҳимдир. Барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларининг жанговар шайлик ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишни назарда тутиб, спортнинг якка кураш турлари (қўл жанги, самбо ва кураш) бўйича ҳудудий терма жамоалар ва спорт секцияларини ташкил этиш муҳим вазифалардан бири⁶.

Психологик тайёргарлик

Психологик тайёргарлик ички ишлар органлари ходимлари учун муҳим аҳамиятга эга. Ходимлар турли қийин ва стрессли ҳолатларда ишлашга тайёр бўлишлари, ўз ҳис-туйғуларини назорат қилиш ва қарор қабул қилишда психологик барқарорликни сақлай олишлари керак. Шунингдек, уларнинг психологик тайёргарлиги уларнинг хизмат жараёнида жамоат билан самарали алоқада бўлишини, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишини ва уларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятли ёндашишини таъминлайди. Психологик тайёргарлик тренинглари ва маҳсус психологик машғулотлар орқали уларнинг эмоционал барқарорлиги ва стрессга чидамлилиги оширилади.

Таълимда давомийлик

Ходимлар учун таълим бир марта амалга оширилиши билан чекланиб қолмасдан, балки доимий равишда янгиланиб, ривожланиб бориши керак. Ички ишлар органларида ишлаш жараёнида қонунчилик доимий равишда ўзгариб туради, янги технологиялар жорий қилинади, шунинг учун ходимлар доимий равишда ўз билимларини янгилашлари ва касбий ривожланишни таъминлашлари зарур. Улар турли ўқув дастурлари,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6364837>.

семинарлар ва тренингларда иштирок этиб, ўз билим ва кўникмаларини оширишлари керак.

Бошқарув ва таълим

Ички ишлар органлари раҳбарлари ўз ходимларининг таълим ва тарбияси учун масъулдирлар. Раҳбарлар ходимларининг касбий ривожланишига ёрдам беришлари, уларни янгича фикрлашга ўргатишлари ва доимий равиша ўқув жараёнларини ташкил қилишлари керак. Бошқарувда раҳбарларнинг таълим ва тарбияга бўлган ёндашуви ходимларнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ходимлар ўз раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланадиган ва уларнинг ривожланиш имкониятлари кенгаядиган бўлса, бу бутун органнинг самарали фаолиятига ёрдам беради.

Раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги ҳамкорлик

Раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик ички ишлар органлари фаолиятининг муваффақиятини таъминлайди. Бу ҳамкорликда раҳбарлар ходимларига қўллаб-қувватлаш ва раҳбарлик қилиб, уларнинг касбий ўсишига ҳисса қўшишлари керак. Бошқарувда раҳбарларнинг асосий вазифаси – ходимларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Ички ишлар органлари раҳбарлари ва ходимларининг таълим ва тарбияси бошқарув самарадорлиги ва хизматнинг муваффақияти учун асосий омиллардан биридир. Раҳбарларнинг билим ва фазилатлари ходимларнинг касбий ўсишини таъминлаб, органнинг жамоатчиликка хизмат кўрсатишдаги муваффақиятини оширади. Шу билан бирга, ходимларнинг таълим ва тарбияси, уларнинг касбий билимлари, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ўз вазифаларини тўғри ва самарали бажаришга ёрдам беради. Раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик ички ишлар органлари фаолиятининг муваффақиятини таъминлайди.

РЕЗЮМЕ

Ички ишлар органлари ходимлари ҳамда раҳбарларининг таълим ва тарбияси ташкилотнинг самарали бошқаруви ва фаолияти учун муҳим

ахамиятга эга. Ходимлар касбий билим, ахлоқий қадриятлар ва жисмоний тайёргарликни ошириш орқали ҳуқуқий ва жамият хавфсизлигини таъминлашда самарали ишлайди. Раҳбарлар эса ходимларини ривожлантириш учун ёрдам бериб, уларнинг иш сифатини оширишга кўмаклашади. Шу тариқа таълим ва тарбия ички ишлар органларининг барқарорлиги ва самарадорлиги учун асосий омилдир.

Образование и воспитание сотрудников, а также руководителей органов внутренних дел имеет большое значение для эффективного управления и функционирования системы. Повышение профессиональных и правовых знаний, моральных ценностей и физической подготовки влияют на эффективность обеспечение общественной безопасности сотрудниками. Помощь руководителей в развитии своих сотрудников позволяет повысить качество их работы. Таким образом, образование и воспитание сотрудников является основным фактором стабильности и эффективности деятельности органов внутренних дел.

Education and training of employees and leaders of the internal affairs bodies is of great importance for the effective management and operation of the organization. Employees work effectively in ensuring legal and social security by increasing professional knowledge, moral values and physical fitness. Leaders help their employees to develop and improve their work quality. Thus, education and training is the main factor for the stability and efficiency of internal affairs bodies.

Илмий ахборот

Шахобитдин ҒАНИЕВ,
*Малака ошириши институти Юридик фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, майор*

**ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА ЮЗЛАШТИРИШНИНГ
ЎРНИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Судга қадар иш юритишда белгиланган тергов ҳаракатлари тизими уларни ўтказишининг процессуал тартиби ва тактикасини назарда тутади. Ушбу ҳаракатлар ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган ва ишнинг барча ҳолатларини аниқлаш учун изчил, интеллектуал хусусиятга эга бўлиши лозим. Ушбу фаолият қатъий процессуал шаклга мос келиши керак ва ундан четга чиқиш жиноят процесси иштирокчиларининг ҳукуқлари ва манфаатларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Демак, тергов ҳаракатларини илмий томондан таҳлил қилиш, процессуал ва криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда истиқболларини белгилаш жиноят-процессуал қонунчилигини янада ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Тергов ҳаракати – жиноят-процессуал қонунчилигига биноан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларни баҳолашга қаратилган, билиш ҳамда тасдиқлаш характеристига эга бўлган, исботловчи ахборотни акс эттирувчи процессуал фаолият тушунилади.

Юзлаштириш тергов ҳаракати эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг далилларни тўплашга қаратилган бир тури сифатида 87-моддаси 1-қисми ҳамда 122-124-моддаларида мустаҳкамланган (13-боби)¹.

Юзлаштириши ўтказишининг ЖПКда ўз аксини топган хусусиятларига қуидагилар киради:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент-2024. 59-60, 77-78-бетлар.

Юзлаштириши илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиiddий қарама-қаршиликлар бўлганда, унинг сабабини аниqlашиб учун ўтказилади. Юзлаштиришида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин. Юзлаштириши ўтказиши чогида ЖПКнинг 96-108-моддаларида назарда тутилган сўроқ қилишининг умумий қоидаларига риоя қилинади. Юзлаштириб сўроқ қилиши олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишилиги ёки таниши эмаслиги, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиқсан ҳолатлар тўгрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллукли бўлса, юзлаштиришида ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўгрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўроқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек тарафлар савол беришлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниqlаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллукли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир.

Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатувларнинг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейин ўқиб берилиши ёки эшиттирилишига йўл қўйилади.

Шунингдек, юзлаштириш тергов ҳаракатининг тергов амалиётида ҳозирги замондаги ҳолатини илмий томондан таҳлил қилиш долзарблигини ҳам тан олиш лозим. Сабаби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида юзлаштиришнинг процессуал тартиби батафсил очиб берилган, бироқ айрим олимлар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган бир қатор фикрларга эътибор қаратиш лозим.

Жиноят-процессаул қонунчилигига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўтасида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда юзлаштиришни ўтказиш мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда бирон бир иштирокчи ўтасида юзлаштириш ўтказиш мумкин эмас, чунки жиддий қарама-қаршиликлар бўлиши керак. Аммо бугунги кунда жиноят-процессуал қонунчилигига жиддий қарама-қаршиликлар тушунчасига изоҳ берилмаган. Бизнинг тушунчамизда жиддий қарама-қаршиликлар исботлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қарама-қаршиликларни англатиши керак деб хисоблаймиз. Бу борада М.С.Плетникова ва Т.И.Гариповлар “иштирокчиларнинг далил мавзусига оид қўрсатмаларида қарама-қаршиликлар бўлмаса, юзлаштиришни ўтказиш учун асос йўқ”² деб фикр билдиришган. В.Ю.Стельмах фикрига кўра, терговни олиб бораётган мансабдор шахс жиноят процесси иштирокчиларининг кўрсатмаларида қарама-қаршиликларнинг ҳар бир ҳолатида, бир қатор истиснолардан ташқари, қарама-қаршиликларни кўрсатиши шарт деб хисоблайди.³ И.Г.Гредягиннинг фикрига кўра, юзлаштиришнинг асосий мақсади ва маъноси бу - жиноят иши бўйича илгари сўроқ қилинган иштирокчиларнинг кўрсатмаларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган муҳим қарама-қаршиликларни бартараф этишдир⁴.

Д.М.Миразовнинг фикрига кўра, юзлаштириш маълум руҳий хусусиятларга эга бўлиб, бошқа сўроқ қилиш ҳаракатларидан фарқ қиласади.

Биринчидан, юзлаштириш пайтида мураккаб руҳий муносабатлар юзага келади. Тергов зиддиятли ҳолатга ўтиб кетади, чунки биринчи шахснинг берган кўрсатмалари иккинчи шахснинг берган кўрсатмаларига қарама-қарши бўлади.

Иккинчидан, юзлаштиришда сўроқ қилинувчилардан бири ҳақиқий кўрсатма берса, иккинчиси ёлғон кўрсатмага ёпишади, натижада юзлаштиришда ёлғон кўрсатма берган шахсга таъсир ортиб боради.

² Плетникова М. С., Гарипов Т. И. Очная ставка в современном уголовном процессе // Вестник Уральского юридического института МВД России. 2022. № 1. С. 47-52.

³ Стельмах В. Ю. Процессуальные, тактические психологические аспекты производства очной ставки // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2016. № 2 (36)- С.101.

⁴ Гредягин И. В. Проблемы процессуальной самостоятельности и реализации властно-распорядительных полномочий дознавателя при подготовке и производстве очной ставки // Закон и право. 2011. № 4. С 65.

Учинчидан, юзлаштиришда жиноят ҳодисаси ва сўроқ предмети билан алоқадор икки шахс учрашади. Иккинчи шахснинг юзлаштириш жараёнида иштирок этиши эсдан чиқсан фактларни ёдга олиш имкониятини вужудга келтиради ва юзма-юз учрашган шахсга нисбатан унинг воқеликда бўлган ҳаракатлари хусусида кўрсатмалар батафсил олинади. Бу эса маълумотларни қабул қилиш ва эслаш жараёнларида унутилган нарсаларни эслашга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга имкон беради. Кўрсатмалар янада аниқроқ, воқеликка тўғрироқ бўлади⁵.

Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда процессуалистлар ва криминологлар орасида юзлаштиришнинг процессуал моҳияти масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларга асосланиб, тергов ҳаракати сифатида юзлаштиришнинг мақсади далилий маълумот олишга, яъни илгари сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувларида мавжуд бўлган жиддий қарама-қаршиликлар сабабини аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда ҳақиқатни аниқлашга қаратилган.

Юзлаштиришнинг далилий қиймати шундан иборатки, уни ўтказиш натижасида терговчи илгари берилган иккита кўрсатувларда жиддий қарама-қаршиликларнинг сабабларини кўрсатадиган ва уларни тўғри баҳолашга ҳисса қўшадиган кўрсатмаларни олади. Зудлик талаблари туфайли юзлаштириш баённомаси ўз-ўзидан мустақил далил эмас, балки юзлаштириш иштирокчилари томонидан қарама-қаршиликлар тўғрисида берилган кўрсатмаларни сақлаш шакли сифатида ҳам хизмат қиласди. Юзлаштириш вақтида олинган маълумотларнинг аҳамияти тўғрисида қарор қабул қилишда жиноят процессидаги далилларнинг умумий аҳамиятидан келиб чиқиш керак. Даиллар – бу исботланадиган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, шунингдек жиноят ишини тўғри ҳал қилиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланадиган ягона воситадир⁶.

Процессуал-тактик нуқтаи назардан юзлаштириш мураккаб ва муаммоли тергов ҳаракатидир. Ҳақиқатдан ҳам амалда юзлаштиришни ўтказиш вақтида турли хил қонунбузарликларни содир этиш муаммоси

⁵ Миразов Д.М. Юзлаштириш тергов ҳаракатининг процессуал тартибга солиниши ва ўтказиш тактикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б.24-25 (67 б.).

⁶ Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма / М., 2001.- С. 123.

мавжуд⁷. Бундай хатолар муайян жиноят ишининг умумий натижасига таъсир қилади.

Юзлаштириш янги далилларни текшириш ва олиш усули сифатида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ айрим тергов ҳаракатлари билан ўхшашликларга эга, хусусан: таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперимент ва бошқа тергов ҳаракатлари. Юзлаштиришни бошқа тергов ҳаракатлари орасидаги фарқини аниқлаш йўли билан уларни ўзига хос хусусиятлари орқали аралаштириш хавфидан қочиш мумкин.

Агар юзлаштиришнинг мақсади илгари сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатмаларида жиддий қарама-қаршиликларни бартараф этиш бўлса, унда таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади объектларнинг шахсини ёки гурӯҳга мансублигини аниқлаш ҳисобланади. Бундан ташқари, юзлаштириш тергов ҳаракати фақат илгари сўроқ қилинган шахслар ўртасида ўтказилади, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида эса сўроқ қилинмаган шахслар, шунингдек мурда, нарсалар, ҳайвонлар ва бошқалар тақдим этилиши мумкин. Шунингдек, юзлаштиришда қатнашаётган шахслар бир-бирларининг кўрсатмаларини таққослаш имкониятига эга. Бу уларнинг кўрсатувларида бир хил ҳолатлар (фактлар) ҳақида жиддий қарама-қаршиликлар мавжудлигини кўрсатади ва ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беради. Таниб олиш учун кўрсатиш вақтида таниб оловчи жиноят содир этилган пайтда кўрган шахснинг ташқи қиёфасини таниб олиш учун унга тақдим этилган шахслар билан таққослади.

Кўриб чиқилаётган тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг фаолияти ҳам турлича. Юзлаштиришда қатнашаётган иккала шахслар ҳам тергов ҳаракатининг фаол иштирокчилари ҳисобланса, таниб олиш учун кўрсатишда эса таниб оловчи шахс энг фаол ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юзлаштириш билан таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини алмаштирумаслик керак. Агар жиноят процессининг бир иштирокчисини бошқаси билан аниқлаш (таниб олиш) зарур бўлса, аввал уни таниб олиш учун кўрсатиш керак, шундан кейин юзлаштириш ўтказилиши лозим.

⁷ Петров А. С. Производство очной ставки: современные аспекты. – М., 2018. – С.111 (290 с.)

Худди шу талаб юзлаштиришда ашёвий далиллар ва ҳужжатларни тақдим этишда ҳам қўлланилади⁸.

Таниб олиш учун кўрсатишни процессуал расмийлаштириш ўз мазмуни билан юзлаштиришни расмийлаштиришдан фарқ қиласи. Таниб олиш учун кўрсатиш баённомасида таниб оловчи айнан қайси белгилари билан таниб олган шахсини тавсифлаш муҳимдир. Юзлаштириш баённомасида эса унинг иштирокчиларининг олдинги сўроқ пайтида юзага келган жиддий қарама-қаршиликлар ҳақидаги кўрсатмалари қайд этилади⁹.

Юзлаштириш ва эксперимент алохида-алохида мустақил тергов ҳаракатларидир. Улар мақсадлари, процессуал тартиби ва ўтказиш тактикаси билан фарқланади. Юзлаштиришнинг мақсади жиддий қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва унинг иштирокчиларини навбатманавбат сўроқ қилиш орқали баҳсли ҳолатлар тўғрисида ҳақиқатни аниқлашдир. Экспериментнинг мақсади эса суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурый тажрибалар ўтказиш орқали текширишдир.

Бундан ташқари ушбу иккала тергов ҳаракатининг ўртасида яна бир фарқ ҳам бор. Яъни, юзлаштириш холисларсиз, эксперимент эса ҳар доим икки ёки ундан ортиқ холислар иштирокида ўтказилади. Эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек тажриба ҳаракатларини олиб борувчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга, шунингдек кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Экспериментнинг баённомасида экспериментал ҳаракатлар, амалга ошириладиган вазият, иштирокчиларнинг жойлашуви, уларнинг ҳаракатларини табиати ва кетма-кетлиги, ўзгарувчан шароитларда тажрибаларнинг тақрорланиши ва

⁸ Бобров Н.Б. Особенности и основные проблемы проведения очной ставки//Аллея науки. 2017. Т. 2. № 10. С. 680-684.

⁹ Попов М.Л. Особенности основания проведения очной ставки и опознания в ходе предварительного расследования по уголовному делу //В сборнике: Пермский период. Сборник материалов V Международного научно-спортивного фестиваля курсантов и студентов. 2018. С. 241-244.

натижалари қайд этилади. Эксперимент иштирокчиларининг кўрсатмалари баённомада қайд этилмайди. Юзлаштириш баённомасида эса сўроқ қилинаётган шахсларнинг саволлари ва берган жавоблари баённомада қайд этилади ва кўрсатувларини тузатишга эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, юзлаштиришнинг аҳамияти шундаки, уни ўтказиши натижасида терговчи илгари берилган иккита кўрсатувдаги жиддий қарама-қаршиликларнинг сабабларини ёритадиган ва уларни тўғри баҳолашга ҳисса қўшадиган кўрсатмаларни олади. Демак, ушбу кўрсатувлар жиноят процессининг асосий мақсади бўлган жиноят содир этишда шахснинг айборлиги ёки айбизлигини аниқлаш учун янада муҳимроқ бўлади.

Хулоса қилиб қайд этиш лозимки, тергов ҳаракатлари тизимида юзлаштириш тергов ҳаракати ўзининг мақсади ва вазифалари орқали ҳал этиши мумкин бўлган масалалар нуқтаи-назаридан муҳим ўринни эгаллайди. Юзлаштириш тергов ҳаракатининг тўғри ва самарали ўтказилиши нафақат жиноятларни тез ва тўла очиш, балки иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши учун муносиб замин яратади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада юзлаштириш – тергов ҳаракатининг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, тергов ҳаракатлари тизимида тутган ўрни, шунингдек унинг мақсади ҳамда далилий қиймати таҳлил қилинган.

В статье анализируются сущность следственного действия очная ставка, его особенности, роль в системе следственных действий, а также цель и доказательное значение.

The article analyzes the essence of the investigative action confrontation, its features, role in the system of investigative actions, as well as the purpose and evidentiary value.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Энг яқин дўстларинг – ота-онангдир.

Абӯ Наср ФОРОБИЙ.

Бу дунёда икки кишининг меҳригина беғараздир. Бири – отанг, иккинчиси – онангдир. Колганларнинг меҳрида манфаат бор.

Муҳаммад ВОРИС.

Тўрт нарса муруватни бузади: улувларни баҳиллик ва олимларни кибр, манманлик, хотинларни бешармлик, эркакларни эса ёлгончилик.

Хўжа Аҳрор ВАЛИЙ.

Устознинг Искандарга айтганлари:

Сен қанчалик доно бўлмагин, ўзингни доно дея тасаввур қилма, шунда яна ҳам донороқ бўласан.

АРАСТУ

Эй, хушихулқли, ҳеч ёмонлик қилма, амалда ва сўзда фақат яшилил қил.

Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Достон ЭШҚУЛОВ,
Малака ошириши институти
Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТЛАРИ**

Бугунги кунда юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, ислоҳотлар тамоман янгича рух ва қўринишда давом этмоқда ҳамда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти қаршисида янгича қиёфа касб эга бўлди.

Давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар баробарида суд-хукуқ тизимида ҳам жуда қўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “...Биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон, жамият учун энг муқаддас қадрият бўлган адолат фақат ва фақат қонун асосида суд ҳукми билан таъминланади. “Одил судлов” деган иборада жуда катта маъно бор. Яъни ҳар қандай масалани фақат суд одил ва адолатли ҳал қилиши мумкин. Лекин одил судловни таъминлаш учун етарли шартшароит ва механизmlар яратилмаса, у шунчаки орзу, қуруқ гап бўлиб қолаверади,”¹ – деган фикрларини келтириш ўринли бўлади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – ҳалқимиз учун фаровон ҳаёт ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг бош мезони ва олий қадриятидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидаёқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан курамиз//Олтин водий дурданаси. Фаргона вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқ. Фаргона. 2016. Март ойи.

юксак масъулияти ва устуворлиги таъкидланди². Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам: “**Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.... Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз....”, – деб таъкидлаган**³.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланган биринчи муҳим устувор йўналиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига қанчалик аҳамиятли эканлигидан далолат беради⁴.

Айбисзлик презумпцияси – бу инсоният цивилизацияси тарихидаги шахс ҳуқуқларига оид энг буюк кафолатdir. Сабаби, айнан ушбу принципга мувофиқ, шахс унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар айбисиз ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 11-моддасида** “Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбисиз деб ҳисобланишга ҳақлидир”⁵ деб белгиланиши, БМТга аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг мазкур декларацияни ратификация қилиши ва ўзининг миллий қонунчилигига имплементация қилиш мажбурияти юклатилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 23-моддасига кўра “тумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

³ Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз//<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

⁵ БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабр.

суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айборликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак”⁶ деган норма ва Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар натижасида 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳирдаги Конституцияда шахснинг даҳлсизлиги ва эркинлиги конституциявий даражада ҳимоя қилиш механизмини яратиш мақсадида Конституциянинг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айборликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин”⁷ деб белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас албатта.

Мазкур норма Жиноят процессуал кодексида ҳуқуқий тартибга солиниши билан бир вақтда нима сабабдан, яна такороран Конституция матнида норма тариқасида такрорланаётганлиги хусусида савол туғилиши табиий. Зоро, фуқароларнинг шахсий даҳлсизлигига оид нормаларнинг конституция даражасида мустаҳкамлиниши.

*Биринчидан, Конституциянинг 15-моддасида белгиланганидек*⁸, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласи ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁸ Ўша манба.

иккинчидан, Конституция содда шаклда, барча фуқаролар учун тушуниши осон юридик тилда баён қилинган ҳамда конституцияни ўқувчи аудиторияни кўплиги ва кенг омма ўқиши учун мўлжалланган ҳисобланади, яъни Жиноят процессуал кодекси аксарият ҳолларда хукуқшунослар, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан фойдаланадиган маҳсус юридик терминлар асосида баён қилинганлиги сабабли, оддий фуқаролар ушбу кодексда нормаларни ўқиган тақдирда ҳамда мазмунини тўлиқ тушунмаслиги аниқ,

учинчидан, Конституция оддий фуқаролар томонидан сотиб олишда моддий қийинчилик туғдирмайди, ЖПКнинг нархи эса Конституцияга нисбатан тахминан ўн баробар қимматлиги ва фуқаролар томонидан сотиб олиш жараёнида моддий қийинчилик туғдириши ҳеч кимга сир эмас.

Айбиззлик презумциясининг конституциявий даражада янада кенгроқ мустаҳкамланганлиги жамият учун шахснинг шаъни ва қадр-қиммати унинг айби исботидан кўра муҳимлигини англатади. Зеро, Дастлабки тергов жараёнида айбиззлик презумпцияси принципига риоя қилмаслик гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келиш билан бир вақтда ички ишлар органлари обрўсига путур етказади, натижада фуқароларда қонунга ва давлатга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади.

Ички ишлар органларининг тергов хизмати ўзининг функциясидан келиб чиқиб, судга шахснинг жиноят содир этганлиги ҳақида ўзининг тусмолинигина тақдим қиласди холос, бироқ ушбу шахс хатто жиноят содир этганида ушланган бўлса ҳам, унинг тўлиқ шаклдаги айблилик масаласини суднинг ҳукми билан аниқланади.

Мазкур норма қонунларимизда конституциявий даражада мустаҳкамланган бўлса-да, лекин амалиётда суриштирувчи ва терговчилар томонидан ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Шахсни айби ҳали далиллар билан исботланмаган бўлса-да, хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, хусусан, терговчи ва суриштирувчилар гумонланувчига нисбатан аксарият ҳолатларда жиноятчидек муносабатда бўлишади, терговчи айлов нуқтаи назаридан ҳолатга қарайди ва хукуқий баҳо бериш йўналишидан кетади, бу тенденция суриштирув ва тергов амалиётида баъзи ҳолатларда кузатилади. Бунинг асосий сабаби эса, айрим

суриштирувчи ва терговчиларнинг айбизилик презумциясини мазмун ва моҳиятини тўлақонли равишда тушунмасликлари, уларда ҳуқуқий саводхонликни етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Тергов амалиётда бу сингари муаммоларнинг мавжудлиги, аслида қонун ҳимоячиси бўлиши керак бўлган шахсларнинг айримлари томонидан қонунларга номувофиқ муносабати туфайли жиноят ва уни тергови ҳақида сўз борганда фуқаролар ичida “Тергов органларига кунинг тушмасин, тушса тамом, қутула олмайсан, тергов нима деса шуни қилишга мажбур бўласан” деган стереотип фикрлаш кенг тарқалганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тасаввур қилинг, жиноятда гумонланаётган ёки айбланаётган шахс Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида кўрсатилган “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин” деган ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда терговчи ёки суриштирувчига қараб “Айбдор ёки айбизлигини исботлашга мажбур эмасман, бу сизнинг мажбуриятингиз!” деб турса. Тан олайлик, бундай вазиятни ҳатто тасаввур қилишимиз ҳам қийин. Аслида эса айбизлик презумпцияси ҳар бир шахсга айнан шундай дадил позицияда бўлишни кафолатлайди. Зоро, Жиноят процессуал кодексининг гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган 46,48-моддаларида “Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас”лиги ваколат берувчи норма тариқасида мустаҳкамланган⁹.

Терговда шахсга айблов терговчи томонидан эълон қилинади, суд муҳокамасида айбловни давлат айбловчиси қўллаб-қувватлайди. Айнан шунинг учун шахснинг айбли ёки айбизлигини исботлаш мазкур мансабдор шахслар зиммасида. Гумон қилинувчи, айбланувчи исботлаш жараёнида иштирок этишга умуман мажбур эмас. Агар истаса, ушланган вақтдан то ҳукм чиқарилгунга қадар сукут сақлаши мумкин.

⁹ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

Конституцияга киритилган ўзгаришлардан бири 28-модда 3-қисмида белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳам айбизлик презумпцияси билан узвий боғлик.

Кўз олдингизга келтиринг, одатда шахсга нисбатан жиноят иши бошланганда у оғир руҳий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди, айнан ана шу пайтда у ўз ҳуқуқларини тўлиқ англай олмайди. Ва айнан шундай руҳий ҳолатда оддий инсон айборлигини исботлаш унинг эмас, тергов органларининг вазифаси эканлигини тушунмасдан ўзига қарши кўрсатмалар бериши афсуски, ҳаётимизда учраб туради. Яъни, фуқароларнинг ўзлари ҳам Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликкларини билмайди, шахс ўзининг айбизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги қоидасининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши тергов органлари томонидан шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш каби салбий ҳолатларидан ҳимоя қиласди.

Айборликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Конун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Нима учун шахс ҳуқуқининг мазкур кафолати муҳим?

Айтайлик, шахс жиноят содир этганликда гумон қилинди, лекин буни бевосита исботлашнинг имкони бўлмади: унинг айблилигига кўрсатувчи билвосита далиллар бор, лекин тўғридан-тўғри айбини исботловчи далиллар мавжуд эмас. Шундай вазиятда қонун айборликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилинишини кафолатлади. Яъни, “исботланмаган айб – исботланган айбизликка teng” деган ҳалқаро стандарт амал қиласди.

Агарда тергов органлари қўрқитиб, зўрлик ишлатиб ёки бошқача усулда босим ёхуд куч қўллаб, гумонланувчидан иқронома ёздириб олса, судда бу иқрор инобатга олинмайди, яъни номақбул далил деб эътироф этилади, бу ҳам Конституциянинг 29-моддасида “Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди”, – деб белгилаб қўйилган.

Айнан жиноят процессида шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш масаласи жуда муҳим. Сабаби, айнан жиноят процессида инсонга асоссиз жисмоний ёки руҳий тазиيқ ўтказиш хавфи катта. Шу сабабдан ҳам, қонун кимгадир эмас, айнан мансабдор шахсларга жиноят процесси иштирокчилари билан ҳар қандай процессуал тартибга зид мулоқот қилишни, яъни ўз ҳокимият ваколатини суистеъмол қилишни қатъиян таъқиқлайди.

Айтиш керакки, суриштирув ва тергов жараёнида қўлланилган гайриқонуний харакатлар, нафақат қийноқ ва бошқа зўрлик усулларидан иборат бўлиши мумкин, балки жиноий таъқиб остидаги шахсга нисбатан босим руҳий ва психологик ҳам бўлиши мумкин. Ноқонуний усулларни қўллаб олинган ҳар қандай далиллардан фойдаланиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹ – моддасига кўра, “Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади”¹⁰ деб белгиланган.

Конституциядаги яна бир тергов жараёнида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида янгилик бу Конституциянинг 28-моддаси 4-қисми бўлиб, унда “Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас”¹¹ деб белгиланган, холбуки бу норма муқаддам ЖПКнинг 116-моддасида “гумон қилинувчининг, айланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин”лиги белгилаб берилган¹² бўлса-да, аммо бу масалага конституция даражасида эътибор қаратилди. Негаки, сўнгги йилларда мамлакатда суд ва тергов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят

¹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

¹¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

¹² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ 515-сон Қонуни қабул қилинди¹³.

Таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида шахсий ва сиёсий хукуқларни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ислоҳотлар қаторида “жиноят процессида жабрланувчи ва гувоҳларнинг хукуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш” масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган¹⁴. Шахс ўзига ва ўз яқин қариндошларига қарши гувоҳлик қилишга мажбур этилиши мумкин эмаслиги қоидасини қатъйлаштириш, унинг ахамиятини ошириш биринчи навбатда, давлат раҳбари томонидан эътироф этилган ана шу масалани таъминлашга қаратилган.

Мазкур талаб БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт 14-моддаси талабларидан ҳам келиб чиқади. Унга асосан ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбор деб тан олишга мажбур килинmasлик кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йилда қўшилган¹⁵.

Бу халқаро стандартнинг асосий мақсади – хукуқ-тартибот органлари томонидан жиноий таъқиб остидаги шахсни мажбуrlаш ёки унга ҳар қандай босим ўtkазиш йўли билан унинг иродасига қарши олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўймасликдир. Мазкур кафолатдаги ўз-ўзини айбламаслик хукуқи фақатгина жиноят содир этишда иқрор бўлишга мажбуrlаш таъқиқи билан чекланиб қолмайди.

Ўзига ёки яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбуrlаш мумкин эмаслиги қоидаси кейинчалик жиноят ишида фойдаланиш мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни тақдим қилишга мажбуrlаш ҳам мумкин эмаслигини назарда тутади. Ушбу қоида суд ва хукуқ-тартибот органлари сўроқ қилишдан олдин шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўrсатма бермаслик хукуқи тўғрисида огоҳлантириши лозимлигини ҳам англаатади.

¹³ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон.

¹⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 авгуустдаги 127-I-сонли «1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳакида»ги [карори](#).

Бу норма миллий қонунчилигимизда акс эттирилган ва у ишлаётган бўлса, уни мамлакат бош қонунида акс эттиришга қандай зарурат бор эди деган савол туғилиши мумкин.

Афсуски, суд-тергов амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, айрим тергов ходимлари фуқароларимиз ўзининг бундай ҳукуқи борлигини англамаслигидан фойдаланиб, ўз қариндошига нисбатан гувоҳлик бериш-бермаслик шахснинг мутлақо эркинлиги эканлиги ва бу каби гувоҳлик беришдан бош тортиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд эмаслигини тўлиқ тушунтирумайдилар. Натижада инсонларнинг мазкур ҳукуқдан амалда реал фойдаланишида муаммолар юзага келади.

Шахснинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳукуқи ҳар қандай турдаги қийноқлар, таҳдидлар ва мажбурлов чораларини қўллашни чекловчи инструмент бўлиб хизмат қиласди. Мазкур қоиданинг Конституция даражасида белгиланиши эса шахсга кимнингдир хоҳиш-иродаси объекти сифатида муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслигини, унинг шахсий ҳаёт дахлизлиги эса чинакам конституциявий кафолат эканлигини мустаҳкамлайди. Янги нормалар тергов жараёнида фуқароларнинг ҳукуқ-манфаатлари таъминланишига хизмат қиласди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, “Хабеас корпус институти”, “Миранда қоидалари”, жумладан фуқарони сукут сақлаш ҳукуқи ва айбиззлик презумпцияси каби шахсий ҳукуқларини конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги ижобий ҳолат, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги нормалар асосида дастлабки тергов жараёнида инсон ҳукуқларини таъминлаш масалалари тизимли равишда илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

В статье систематически анализируются научно-практические вопросы обеспечения прав человека в ходе предварительного следствия на основе новых норм, включенных в Конституцию Республики Узбекистан.

The article systematically analyzes scientific and practical issues of ensuring human rights during preliminary investigation based on new norms included in the Constitution of the Republic of Uzbekistan.



Гулсанам РҮЗИЕВА,
Малака оширии институти Махсус касбий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

**МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИДА
МАДАНИЯТ РИВОЖИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маданият миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, чунки у сиёсий ва стратегик мақсадларга эришиш учун юмшоқ кучдан фойдаланишнинг кучли воситаси ҳисобланади. Маданият юмшоқ кучдан фойдаланган ҳолда мамлакатларга мажбуурлаш эмас, балки жалб қилиш, таъсир қилиш ва ишонтириш орқали сиёсий ва стратегик мақсадларига эришиш имконини беради. Кўпинча куч ва келишувга асосланган анъанавий дипломатиядан фарқли ўлароқ, маданий дипломатия маданий қадриятлар, ғоялар ва тушуниш алмашиш асосида узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилади.

Маданият мамлакатга ўзининг маданий мероси, санъати, адабиёти ва маданиятнинг бошқа жабҳаларини тақдим этиш орқали ўз қиёфасини дунёга кўрсатишга ёрдам беради. Мамлакатнинг ижобий имиджи унинг халқаро майдондаги мавқенини мустаҳкамлашга ва миллий хавфсизлик учун қулай муҳит яратишга ёрдам беради.

Маданият орқали шаклланган давлатнинг ижобий имиджи унинг халқаро майдондаги мавқенини мустаҳкамлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил ҳисобланади. Маданият орқали мамлакатнинг маданий мероси, санъати, адабиёти ва маданиятининг бошқа жиҳатларини тақдим этиш хорижий фуқаролар, ҳукуматлар ва ташкилотларни мамлакат қадриятлари ва

фазилатларига жалб қилиши ва ишонтириши мумкин. Ижобий қарашлар унинг халқаро обрўси ва мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Маданият мулоқот, алмашиш ва ўзаро тушуниш платформасини яратиш орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни сақлашга ёрдам беради. Бу миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган ҳамкорлик ва низоларни ҳал етишга кўмаклашади. Маданият орқали яратилган мамлакатнинг ижобий имиджи сармояни жалб қилиши ва туризмни рағбатлантириши мумкин. Бу нафақат иқтисодий ривожланишга ёрдам беради, балки иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаровонликни ошириш орқали миллий хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Маданият маданий ва ижтимоий гурӯхлар ўртасида тушуниш ҳамда ҳурматни кучайтириш орқали можаролар ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бу маҳаллий ва халқаро миқёсда тинчлик ва барқарорликка ҳисса қўшади. Маданият орқали шаклланган мамлакатнинг ижобий имиджи унинг халқаро ташкилотлар ва форумлардаги мавқеини мустаҳкамлайди, бу эса қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ва халқаро қун тартибини миллий манфаатлар ва хавфсизлик мақсадларига мувофиқ шакллантириш имконини беради. Шундай қилиб, маданият мамлакатнинг дунёда ижобий имиджини шакллантиришда муҳим ўрин тутади, бу унинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга ва миллий хавфсизлик учун қулай муҳит яратишга ёрдам беради.

Маданият мамлакатга бошқа давлатлар ёки жамиятларни ўз қадриятлари, ғоялари ва ёндашувларига жалб қилиш ва ишонтиришга имкон беради. Бу ўзаро ҳурмат ва англашувга асосланган узок муддатли муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради, ҳамда мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Маданият мулоқот, алмашув ва ўзаро тушуниш платформасини таъминлаш орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни сақлашда муҳим рол ўйнайди. Маданият турли маданиятлар ва жамиятлар вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар учун имкониятлар яратади, бу эса мамлакатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ишонч муваффақиятли ҳамкорлик ва халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг асосий элементидир.

Маданий алмашинувлар, кўргазмалар, фестиваллар, санъат ва бошқа маданий тадбирлар орқали мамлакатлар бир-бирининг маданий мероси ва анъаналарини яхшироқ тушунишлари ва қадрлашлари мумкин. Бу ўзаро тушунишни кучайтиришга ва халқаро можаролар эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради.

Маданият мамлакатлар ўртасидаги умумий манфаатлар ва мақсадларни аниқлашга ёрдам беради, бу эса турли соҳаларда, жумладан, сиёsat, иқтисодиёт, фан ва технологияда ҳамкорлик учун асос бўлиши мумкин.

Маданият ўзаро тушуниш ва мулоқот муҳитини яратишга ёрдам беради, бу халқаро можаролар ва инқирозларни зўравонлик ёки ҳарбий ҳаракатларсиз тинч йўл билан ҳал қилиш имконини беради.

Маданият БМТ, Евropa Иттифоқи ва бошқалар каби халқаро институтлар ва механизmlарни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин, бу эса халқаро келишмовчилик ва низоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Шундай қилиб, маданият мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили бўлган низоларни ҳал етишда муҳим рол ўйнайди.

Маданият можароларнинг олдини олиш, кескинликни юмшатиш ва халқаро инқирозларни ҳал қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган кучли юмшоқ куч воситасидир. Маданият муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усувларини тақдим этиш ва мулоқот ва ҳамкорликни рағбатлантириш орқали миллий хавфсизликка ҳисса қўшади.

Маданият туризм, маданий ва ижодий индустряларни ривожлантиришга, хорижий сармояларни жалб қилишга ёрдам беради. Бу иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликка ёрдам беради, бу эса пировардида миллий хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, маданият мамлакатларга ўз стратегик мақсадлариiga эришиш ва тинч ҳамда барқарор халқаро тартибни яратиш учун “юмшоқ куч”дан фойдаланиш имконини бериб, миллий хавфсизликда муҳим рол ўйнайди.

Маданият мамлакатга унинг маданий мероси, ютуқлари ва қадриятларини таъкидлаш орқали дунёда ўз имиджини шакллантириш имконини беради. Чет элда давлат ҳақида ижобий тасаввур унинг халқаро

мақомини мустаҳкамлашга ва иттифоқчиларни жалб қилишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида миллий хавфсизликка ҳисса қўшади.

Маданият халқлар ўртасида ишонч, тушуниш ва ҳамкорликни яратиш орқали халқаро муносабатларни яхшилашга ёрдам беради. Бу можаролар ва миллий хавфсизликка таҳдидлар эҳтимолини камайтиради.

Маданий алмашинувлар, таълим дастурлари ва маданиятлараро мулоқот орқали маданий дипломатия мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигига путур етказадиган радикаллашув ва экстремизмнинг олдини олишга ёрдам беради.

Маданият ўз воситалари орқали бу курашда муҳим рол ўйнаши мумкин. Маданият бағрикенглик, хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва тинчтотув яшашни маданий алмашинув ва таълим дастурлари орқали ривожлантиришга ёрдам беради. Бу экстремистик ғоялар тарқалишини назорат қилишга, жамиятда радикал ғоялар ва зўравонликка нисбатан салбий муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.

Маданиятлараро мулоқот ва турли маданиятлар ўртасида тажриба алмасиши ташкил этиш ўзаро тушунишни яхшилашга, тарафкашлик ва стереотипларни камайтиришга ёрдам беради. Бу радикаллашувнинг олдини олиш ва ижтимоий барқарорликни сақлаш учун қулай муҳит яратади.

Маданият танқидий фикрлаш, хабардорлик ва маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган таълим дастурларини ўз ичига олиши мумкин. Бу ёшларга фактлар ва манипуляцион мағкураларни фарқлашда ёрдам беради, бу эса уларнинг радикаллашувига йўл қўймайди. Ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириб бориш ижтимоий барқарорлик кафолати бўлиш билан бирга ижтимоий тараққиётнинг ҳам гарови ҳисобланади.

Маданият радикаллашув ва экстремистик ғоялар тарғиботига қарши курашувчи мўътадил овозларни ва фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаши мумкин. Бунга молиявий ёрдам, тажриба алмасиши ва бундай ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш киради.

Маданиятдан экстремистик мафкура тарқалишини назорат қилиш ва маданий оммавий ахборот воситалари ва тармоқлар орқали радикал маркетинг ва ахборот компанияларига қарши туриш учун фойдаланиш мумкин.

Умуман олганда, маданият радикаллашув ва экстремизмга қарши курашда, тинч қадриятларни тарғиб қилишда, ижтимоий барқарорликни сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашда кучли восита бўлиши мумкин.

Маданият орқали мамлакатнинг маданий бойлиги ва салоҳиятини тақдим этиш хорижий сармояни жалб қилиш ва иқтисодий ривожланишга ёрдам беради. Бу иш ўринлари яратиш ва иқтисодий рағбатлантириш орқали миллий хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Маданият мамлакатнинг маданий салоҳияти, ижодий соҳалари, инновациялар ва ривожланиш имкониятларини намойиш этиш орқали хорижий инвесторлар учун жозибали имидж яратишга ёрдам беради. Бу сайёҳлик, кўнгилочар, таълим, технология ва бошқа иқтисодиётнинг турли соҳаларига хорижий сармояларни жалб қилиши мумкин.

Маданият орқали жалб қилинган хорижий инвестициялар янги корхоналарни яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва ишбилармонлик мухитини яхшилашга ёрдам беради. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсишни рағбатлантириб, бизнес ва тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, маданият нафақат мамлакат нуфузини мустаҳкамлаш ва унинг ташки сиёсий мавқеини яхшилашга ёрдам беради, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим рол ўйнайди, бу эса пировардида миллий хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Маданиятнинг сиёсий таърифлари ва таснифлари кўпинча маданий бойликлардан стратегик фойдаланиш, алмашинувлар ва сиёсий мақсадларга эришиш ва мамлакатнинг глобал саҳнадаги таъсирини кучайтириш учун ташаббуслар атрофида айланади.

Маданият кўпинча юмшоқ кучни лойиҳалаш воситаси сифатида қаралади, бу мажбуrlаш ёки куч билан эмас, балки жалб қилиш ва ишонтириш орқали бошқаларга таъсир қилиш қобилиятидир. Маданият

мамлакатнинг маданий бойлиги ва қадриятларини намойиш этиш орқали унинг хориждаги обўуси ва жозибадорлигини оширишга, пировардида унинг таъсири ва дипломатик таъсирини оширишга қаратилган.

Маданият кўпинча халқ дипломатиясининг кенгроқ консепсияси остида таснифланади, у ўзаро тушуниш, яхши ният ва миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш учун хорижий жамоатчилик билан мулоқотга киришишга қаратилган ҳукумат томонидан ҳомийлик қилинадиган турли тадбирларни ўз ичига олади. Маданий алмашинувлар, таълим дастурлари ва маданий тадбирлар халқ дипломатиясининг асосий воситаларидир.

Маданият, шунингдек, миллий брендинг консепсияси билан ҳам боғлиқ бўлиб, у глобал саҳнада мамлакат имиджи ва обўусини шакллантириш ва тарғиб қилишни ўз ичига олади. Маданий ташаббуслар орқали мамлакатлар инвестициялар, туризм ва халқаро ҳамкорликни жалб қила оладиган ижобий миллий брендни ривожлантиришга интилади, шу билан бирга салбий стереотиплар ва нотўғри тушунчаларга қарши туради.

Маданият баъзан юмшоқ дипломатиянинг бир тури деб аталади, у муносабатларни ўрнатишга ва мажбурий бўлмаган воситалар орқали мақсадларга эришишга қаратилган. Юмшоқ дипломатия халқлар ўртасида яхши ният, ишонч ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган маданий, таълим ва халқ дипломатияси саъй-ҳаракатларини ўз ичига олади.

Стратегик алоқа соҳасида маданият мамлакат манфаатларини илгари сурувчи ва унинг халқаро мавқенини оширадиган хабарлар, қадриятлар ва ривоятларни етказишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Маданий алмашинувлар, бадиий ҳамкорлик ва маданий кўргазмалар идрокни шакллантириш ва хорижий аудитория билан алоқаларни ўрнатиш учун кучли восита бўлиб хизмат қиласи.

Маданият халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш орқали миллий хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Маданият маданиятлараро тушуниш ва мулоқотга ёрдам беради, бу тушунмовчиликлар, стереотиплар ва нотўғри қарашларни бартараф этиш орқали можароларнинг олдини олишга ёрдам беради. Маданиятлар ўртасидаги мулоқот ва эмпатияни осонлаштириш орқали миллий

хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган можаролар эҳтимолини камайтиради.

Маданият бағрикенглик, хилма-хиллик ва тинч-тотув яшашни таъкидлайдиган муқобил ривоятларни тарғиб қилиш орқали экстремистик мафкураларга қарши туриши мумкин. Маданият маданий алмашинувлар, таълим дастурлари ва маданиятлараро мулоқот орқали шикоятларни ҳал қилиш ва жамиятлар ичидағи радикаллашувнинг олдини олиш учун конструктив йўлларни таклиф қиласди.

Маданият дипломатик алоқаларни мустаҳкамлайди ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди, ҳамкорликдаги хавфсизлик чоралари ва иттифоқлари учун асос яратади. Ўзаро ҳурмат ва тушунишни рағбатлантириш орқали маданий алмашинувлар ва ҳамкорлик жамоавий хавфсизлик ва барқарорликни кучайтирадиган стратегик шериклик учун имкониятлар яратади.

Маданият мамлакатлар ўртасида адоват ва низоларни келтириб чиқарадиган салбий тасаввурлар ва стереотипларга қарши курашади. Маданий дипломатия мамлакатнинг маданий бойлиги, қадриятлари ва ютуқларини намойиш этиш орқали нотўғри тушунчаларга қарши турувчи ва чет эллик аҳоли ўртасида хайриҳоҳликни уйғотадиган ижобий имиджни ривожлантиради.

Маданият миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмлари бўлган иқтисодий ривожланиш ва барқарорликка ҳисса қўшади. Хорижий сармояларни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш ва савдо шерикларини ривожлантириш орқали маданий алмашинувлар ва маданий ташаббуслар иқтисодий ўсишни рағбатлантиради ва ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшади, ички ва ташқи таҳдидлар хавфини камайтиради.

Маданият мамлакатнинг маданий мероси, қадриятлари ва ютуқларини намойиш этиш орқали унинг юмшоқ кучини - ўзига жалб қилиш ва ишонтириш орқали бошқаларга таъсир ўтказиш қобилиятини оширади. Маданий дипломатия орқали ўстирилган ижобий имидж мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва миллий хавфсизлик манфаатларини илгари суриш мумкин бўлган ишонч, таъсир ва жозибадорликни оширади.

Хулоса қилиб айтганда, маданият ўзаро боғланган дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситасидир. Маданият халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, муносабатларни ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантириш орқали миллий хавфсизлик мақсадларини ҳимоя қилиш ва илгари суришга ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. 2021 йил 6 ноябр, www.стратегия.уз.
2. Скрипкарь М.В. “Культурная дипломатия: теория и практика”. Учебное пособие. ЗабГУ: 2014. - 125 с.
3. Филимонов Г. “Мягкая сила” культурной дипломатии США. - Москва: Российский университет дружбы народов, 2010. - 211 с.
4. Дипломатия и культура : материалы науч. конф. (4 июня 2002 г.) / [отв. ред. - К.М. Долгов]. - Москва, 2003 (Дипломат. акад. МИД России). - 360 с.
5. Жалилов Абдулатиф Абдуллаевич. “Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари”. 23.00.03 – “Сиёсий маданият ва мафкура” сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020.
6. Костюков А. Социокультурные и институциональные аспекты культурной дипломатии РФ в 2000-2014 гг. : Диссертация ... кандидата исторических наук. - Москва, 2020. - 272 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий хавфсизликни таъминлашда маданият соҳасининг муҳим роли, давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ва ўзаро ишончда маданиятнинг тутган ўрни, маданиятнинг нуфузи давлатнинг ташқи сиёсатини янада яхшилашга ёрдам бериши ҳамда ижобий имижи таҳлил қилинган.

В статье сделан анализ важная роль сферы культуры в обеспечении национальной безопасности, роль культуры в дипломатических отношениях и взаимном доверии между странами, влияния культуры способствует дальнейшему совершенствованию внешней политики государства и сущности культуры, которая является положительным имиджем страны.

The important role of the cultural sphere in ensuring national security, the role of culture in diplomatic relations and mutual trust between countries, the influence of culture contributes to the further improvement of the state's foreign policy, the essence of culture, which is a positive image of the country.



Sardor SIDIQOV,
Toshkent shahar IIBB YHXB bo‘linmasi boshlig‘i

**YO‘L-PATRUL XIZMATI XODIMLARINING FUQAROLAR BILAN
MUNOSABATLARI VA FALSAFIY TAHLILI**

Yangi O‘zbekiston sharoitida amalga oshirilayotgan izchil islohotlar xususan, yo‘llar infrastrukturasi yaxshilash hamda yo‘l harakati qoidalariga oid bo‘lgan normativ hujjatlar bilan birga, 2022-2025-yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasiga muvofiq, Yangi O‘zbekiston sharoitida avtomobil yo‘llarida inson hayoti va sog‘lig‘ini har qanday hodisalardan kafolatli himoya qilish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 4-apreldagi “Avtomobil yo‘llarida inson xavfsizligini ishonchli ta’minlash va o‘lim holatlarini keskin kamaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-190-son qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 12-apreldagi “Yo‘l harakati qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 172-son qarorlari qabul qilindi [1].

Mazkur qarorlar va ularga mos ravishda qabul qilingan buyruqlar, farmoyishlar, qonun osti hujjatlar va chora-tadbirlarning asosiy maqsadi xalqimiz farovonligini ta’minlash, barcha hududlardagi yo‘llar infratuzilmasining yaxshilanishi va yo‘llardan aholining foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishga qaratilgan. Biroq, yaratilayotgan ushbu shart-sharoitlar va imkoniyatlar aholiga yengillik yaratishi qolaversa, ularda minnatdorlik hissini shakllantirishi bilan birga, ba’zi insonlarda mavjud qonunlarga itoat etmaslik, yo‘l harakati qoidalarini mensinmaslik yoki beparvolik va ko‘ngilxushlik tuyg‘ularini ham shakllantirmoqdaki, bu o‘sib kelayotgan yosh avlodda yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatini shakllantirish, ularning ongida vatanparvarlik tuyg‘usini yuksaltirib borishga o‘ziga xos ma’naviy-axloqiy to‘siqlarni vujudga keltirmoqda.

Aynan shunday tartibsizlik yoki tartibbuzarlikni oldini olish borasida qilinayotgan sa’yi-harakatlarning natija bermayotganligi bevosita muammoning ijtimoiy axloqiy jihatlariga e’tibor qaratish va uni ilmiy nuqtai nazardan tahlil

qilishga zamin yaratmoqda. Zero, ma'naviy-axloqiy madaniyat, xususan yo'l harakati qoidalariga fuqarolarning axloqiy munosabatini ilmiy asosda tahlil qilish va o'rganish, uning yechimlari bo'yicha qabul qilngan xulosa va qarorlarni o'sib kelayotgan yosh avlodning tarbiyasiga singdirib borish zamon talabiga aylangan dolzarb vazifalardan biri bo'lib qolmoqda.

Bugungi kunda jamoat xavfsizligini ta'minlash va huquqbuzarliklarning oldini olish yoki ularning sodir etilishiga sabab bo'lgan shart-sharoitlarni o'z vaqtida aniqlash va bartaraf etish borasida tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Aynan shu maqsadda "Yo'l infratuzilmasini takomillashtirish va xavfsiz harakatlanish sharoitlarini yaratish orqali yo'llarda avariya va o'lim holatlarini qisqartirish, shu jumladan harakatni boshqarish tizimini to'liq raqamlashtirish va jamoatchilikning ushbu sohadagi ishlarda keng ishtirokini ta'minlash" borasida davlatimiz rahbarining qator farmon va qarorlari qabul qilinib masalaning asl mohiyatini bilish, jamiyatda yuz berayotgan voqeа-hodisalarни nafaqat amaliy yechimi, balki ilmiy-nazariy yechimini ham tahlil qilishga urg'u berilmoqda [2].

Yo'l harakati qoidalarining statistik tahliliga mohiyatan ilmiy-falsafiy nuqtai nazardan yondashish va tadqiq etish masalaning mohiyatini har bir fuqaroning yo'l harakati xavfsizligi madaniyatiga rioya etishi hamda uning yo'l harakati xodimlariga nisbatan bo'lgan axloqiy munosabatlarini yaqqol namoyon etadi. So'nggi yillarda yo'l harakati qatnovlarining sezilarli darajada oshishi va malakatimizdagи iqtisodiy rivojlanish natijasida avtoulovlarining keskin ortib borishi xalqimizga yengillik yaratishi bilan birga, yo'l harakati xavfsizligi bilan bog'liq bo'lgan qator muammoli vaziyatni ham yuzaga keltirmoqdaki, bu har bir fuqarodan ogohlilikni, jamoat transportlaridan foydalanish madaniyatini shakllantirishni, yo'l harakati qoidalariga hamda yo'l harakati nozirlariga nisbatan ijobjiy, axloqiy munosabatda bo'lishni taqozo etmoqda. Zero, bugungi zamonaviy yoshlar ongu tafakkurida yo'l harakati xavfsizligi madaniyatini shakllantirish, uning ijtimoiy-falsafiy va axloqiy mexanizmlarini ishlab chiqish muhim ahamiyatga egadir.

Bugungi kunda yo'llarimizda sodir bo'layotgan ba'zi salbiy holatlarning oldini olishda axloqiy munosabatlarning o'rni beqiyosdir. Masalan birgina farzandlarimizga svetofor chiroqlarining ahamiyati va tartib bilan harakatlanishni o'rgatishimizning o'zi uning yo'llarda harakatlanish bo'yicha yangi tushunchalar va qarashlarni o'zlashtirishiga, kelajakda kamol topishida,

jamiyatda qabul qilingan qaror va qonunlarga so‘zsiz amal qilishida, bir so‘z bilan aytganda axloqiy tarbiyasi mukammal, komil inson bo‘lishida o‘rni beqiyosdir. Zero, o‘sib kelayotgan yosh avlod navnihol, unga axloqiy tarbiyani mukammal o‘rgatish ularning ongida ulkan ijobiy o‘zgarishlarni shakllantiradi. Bu esa, o‘z navbatida jamiyatda yaxshi xulqli, qonunga itoat etuvchi, komil insonlarni shakllantirishi bilan birga, yo‘llarda yuzaga keladigan noxush holatlarning va baxtsiz hodisalarning soni kamayishiga, insonlar orasida yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatining shakllanishiga qolaversa yo‘l harakati xavfsizligi xodimlari bilan fuqarolar o‘rtasidagi ijobiy munosabatlarning shakllanishiga xizmat qiladi.

Yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha ijobjiy natijalarga erishish uchun avvalambor, barcha hududlarda, yo‘llarda harakatlanish xavfsizligi yuzasidan yoshlarda yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatini shakllantirish, jamiyatda yo‘l harakatining bevosita ishtirokchilari bo‘lgan barcha vatandoshlarimizda yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatini yuksaltirish, ularning axloqiy tafakkuriga yo‘l harakati xavsizligi xodimlariga nisbatan ijobjiy axloqiy munosabatlarni milliy ruhda singdirish, shuningdek, mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlarni yanada rivojlanadirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan izchil faoliyatlarning davomi sifatida joylarda shaxsiy tarkib xodimlarining namunaviy hatti-harakatlarining targ‘ibotini olib borish maqsadga muvofiqdir. Shuningdek, Prezidentimiz ta’kidlaganlaridek, “infratuzilmani boshqarishda raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali transport logistikasi, shahar infratuzilmasi, shahar muhitining sifati, shahar rivojlanishini boshqarish samaradorligi, jamoat, biznes va yashash joylari bilan bog‘liq muammolarni hal qilish uchun “aqlli” va “xavfsiz” shahar loyihibalarini izchil amalga oshirish bu borada kutilgan natijani berishi mumkin” [3].

Bugungi zamонавиј ўошларимиз тарбияси барча нарсалардан устун еканлигини аংглаган холда үларнин ахлоқиј тарбиясими милий қадриятларимиз асосида шакллантириб бориш билан бирга, үларга ўллардаги гаракатланышниң ахлоқиј қодаларига доир тушunchalarning ham беріб борилishi мүһим vazifаларимиздан бирига аяланмог‘и лозим. Zero, ўошларимиз оңғода шаклланадиган ахлоқиј тушunchalarning жамият үчун ижобиј самараси бенихоя кatta bo‘lib, үларнинг оңғода o‘з касбига садоқат hamda yo‘l гаракати xavfsizligi xодимлари меҳнатига ижобиј munosabatlarning шаклланышига

qolaversa, yoshlarimiz ongida ma’naviy bo‘shliqlarning bo‘lmasligiga zamin yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, bugungi jamiyatda sodir bo‘layotgan yo‘l transport hodisalarining aksariyat qismi qonun-qoidalarni bilmaslikda emas aksincha, belgilangan qonun qoidalarni mensinmaslik, turli axloq qoidalariiga zid bo‘lgan, ham o‘zining va ham o‘zgalarning hayotiga xavf soladigan xatti-harakatlarning bajarilishi, yo‘l harakati xavfsizligi xodimlarini chalg‘itadigan yoki bilib turib noo‘rin, axloqsiz xatti-harakatlarni bajarish, nafaqat yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatiga balki umuman insoniy axloqqa to‘g‘ri kelmaydigan xatti-harakatlarni sodir etish natijasida yuzaga kelmoqda desak yanglishmaymiz. Aynan, mana shuning uchun ham, yo‘l harakati ishtirokchilari bo‘lgan barcha yurtdoshlarimizda o‘ziga xos yo‘l harakati axloqi va madaniyatini shakllantirish, har bir fuqoroning jamiyatda o‘z fuqarolik pozitsiyasiga ega bo‘lishiga yo‘l harakati xavfsizligi madaniyatiga doir bilimlarini boyitib borishlariga yordam beradi. Zero, axloqiy madaniyati yuksak inson Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalanib, o‘zida umuminsoniy bag‘rikenglik sifatlarini qolaversa, ko‘p millatli o‘zbek xalqining barcha fuqarolari orasida yakdillikni ta’minlanishiga ko‘maklashib, o‘ziga xos bag‘rikenglik madaniyatini shakllantira oladigan o‘z vataniga sadoqatli komil insonga aylanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. <https://lex.uz/docs/5937573>; <https://lex.uz/docs/5953883>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “2022 — 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган «Хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-316-сон Қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6106551>.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O’zbekiston, 2021. – 184-б.

REZYUME

Mazkur maqolada yo'l-patrol xizmati xodimlarining fuqarolar bilan munosabatlari va ularning ijtimoiy-falsafiy tahlili yoritilgan. Bugungi kunda yo'llarda sodir bo'layotgan ba'zi salbiy holatlarning oldini olishda yo'l-patrol xizmati xodimlarining o'rni beqiyosligi talqin qilingan.

В данной статье описано отношения сотрудников дорожно-патрульной службы с гражданами и их социально-философский анализ. Роль сотрудников дорожно-патрульной службы бесцenna в предотвращении некоторых негативных ситуаций, происходящих сегодня на дорогах.

This article describes the relations of road patrol officers with citizens and their socio-philosophical analysis. The role of road patrol service employees is incomparable in preventing some negative situations happening on the roads today.



Хусниддин АЗИЗОВ,
ЎзР ИИВ Шахсий хавфсизлик Бош бошқармаси
масъул ходими, подполковник

**ХОДИМЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ХУЛҚ-АТВОРИНИ ШАКЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИДА
“КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ” ТИЗИМИ**

Коррупциянинг олдини олиш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқлигини инобатга олиб, жамият аъзоларида, хусусан ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш зарур.

XX асрда М.Шелер инсон моҳиятини тадқиқ этган, кейинчалик бу йўналиш антропология деб ном олган. У жамият инқирози, ижтимоий қарама-қаршиликлар ва бошқа зиддиятлар инсоннинг шахсий инқирози аломатлари деб ҳисобланган. Маълумки, инсон ҳақида сўз кетса, унинг ахлоқи, феъл-атвори, билим даражаси, мушоҳада қамрови сингари фазилатлари тилга олинади¹.

Инсон табиатида коррупция аломатларини содир этишга мойиллик мавжуд. Бу мойиллик узоқ давом этувчи ижтимоий-руҳий жараёнлар таъсирида шаклланади. Бошқача айтганда, коррупцияга мойиллик элатлар ва миллатларнинг генофондида эмас, балки ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади. Бу масалада тадқиқотчи Р.К. Курбаниязова² йиллар давомида Ўзбекистонда коррупциянинг ривожланишини ижтимоий менталитет таркибий қисмига айланганини эътироф этади.

Ф. Примов эса³ “коррупция омиллари, ижтимоий муҳитда, ижтимоий муносабатларда, индивидуал ва ижтимоий онгда, ҳатто техник жараёнларда ўз ифодасини топадиган кўп ўлчамли ижтимоий ҳодиса

¹ Шелер М. Положение человека в космосе. – Москва. Прогресс, 1994. – С. 47.

² Курбаниязова Р.К. Давр руҳи ўзгаришларининг ижтимоий менталитетга таъсири. Автореф ... ф.ф.б.ф.д – Тошкент, 2020. – 18-б.

³ Примов Ф. А. Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-хукукий жиҳатларини такомиллаштириш. 12.00.02 – Конституциявий хукуқ. Маъмурий хукуқ. Молия ва божхона хукуки. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – 28-б.

ҳисобланади ҳамда бир-бири билан ўзаро боғлиқликда вужудга келади, ривожланади”, деган фикрни билдири.

Америкалик иқтисодчи, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати (1992 й.) Гари Беккер 1968 йилда “Жиноят ва жазо: иқтисодий ёндашув” мақоласини эълон қилди, унда муаллиф коррупцияни ўз ичига олган ҳолда жиноятчиликнинг иқтисодий таҳлили асосларини яратди⁴.

У шундай ёзган эди: “агар бу харакатдан кутилаётган фойда шахс ўз вақти ва ресурсларини бошқа йўл билан ишлатишидан олиши мумкин бўлган фойдадан ортиқ бўлса, коррупциявий жиноят содир этади”.

Ички ишлар органлари ходимларида коррупция хулқ-атворига бевосита институционал ва маданий шарт-шароитларга ижтимоий мослашув шакли сифатида қараш мумкин. Коррупция хулқ-атворининг ижтимоий мослашув хусусияти – бу коррупциявий ҳолатларнинг жамият ижтимоий муносабатларига сингиб кетиши, қундалик ижтимоий ҳаёт бўлган таъсирларнинг бир қисмига айланиш жараёнидир. Мазкур ижтимоий-хуқуқий феномени коррупция ҳаракатларининг мослашуви ҳамда институциялашуви билан тавсифлаш мумкин. Бу ҳолат эса коррупция хулқ-атворини ижтимоий реалликнинг ажralmas қисми сифатида қабул қилинишига олиб келади.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш фаолиятида ижтимоий мослашув ёндашуви муҳим ўрин тутади. Негаки, коррупция хулқ-атворининг мослашув жараёнларини тушуниш коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш демакдир. Бундан ташқари коррупциянинг ижтимоий мослашув ёндашуви мазкур ҳолатларни келтириб чиқарувчи ижтимоий механизмларни аниқлаш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Умумий жиҳатдан коррупция ҳулқ-атворининг ижтимоий мослашув йўналишини бир нечта турга бўлиш мумкин:

- *ақлий мослашув*: коррупция ҳаракатларини тушунишда ижобий ҳаракатлардан оғишган ҳаракатларга қадар ўзгариши;
- *эмоционал мослашув*: коррупция ходисаларига салбий эмоционал муносабатларнинг камайиб бориши;

⁴ Гарри Беккер. Преступление и наказание: экономический подход
<https://studfile.net/preview/9839981/page:4/>

– *хулқ-атвор мослашуви*: кундалик ижтимоий ҳаётда коррупцияда содир этилган вазиятларнинг таъсирига тушиб бориши назарда тутилади.

Шу нуқтаи назардан коррупция ҳулқ-атворининг ижтимоий мослашувига оид муҳим элементлар қўйидагилардан иборат:

а) *коррупция вазиятларини барқарорлаштириши*. Бунда коррупция ҳулқ-атвори муайян ижтимоий гурӯҳ ёки умуман жамият доирасида барқарор, оддий ҳодиса сифатида қабул қилина бошлиайдиган жараённи англатади.

б) *коррупциянинг институционаллашуви*. Мазкур тушунча коррупция вазиятларининг маълум қоидалари ва меъёрларини назарда тутиб, ижтимоий институтларни коррупциянинг барқарор элементига айланиши билан боғлиқ жараён сифатида эътироф этади. Демак, коррупциянинг институцияллашуви, авваламбор, жамиятдаги норасмий (ноқонуний) ҳаракатлар қандай қилиб расмий ижтимоий институтларнинг барқарор элементига айланиши мумкинлигини кўрсатади. Яъни, коррупциянинг институцияллашув жараёнларини тушуниш ижтимоий институтларни ислоҳ қилиш ва ташкилий-хуқуқий маданиятни ўзгартириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

в) *маданий жиҳатдан коррупциянинг оқланиши*. Бу коррупция ҳолатларининг маълум бир ижтимоий-маданий тизим доирасида маданий оқланиш ва легитимликка эга бўладиган жараён сифатида тушунилади.

Коррупциянинг маданий оқланиш ҳолатининг ижтимоий аҳамияти шундаки, у маданий жиҳатдан коррупцияга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишида коррупцияни легитимлашининг маданий механизmlарини тўғри ва тўлиқ тушунишга ёрдам беради.

г) коррупция хулқ-атворини асослаш. Бу тушунча шахслар ва турли гурӯҳлар томонидан коррупциявий ҳаракатларни оқлаш учун мантиқий асосларни яратиш билан боғлиқ ақлий-рухий жараёнларни назарда тутади. Коррупциявий хулқ-атворни оқилона асослаш, *биринчидан*, “ақлий танлов” ва “ахлоқий ривожланиш” асосида шахсларнинг ахлоқий мулоҳазаларини ижтимоий воқеликка мослаштириш имконини яратада. *Иккинчидан*, коррупция хулқ-атворини оқилона асослаш механизмларини тушуниш коррупцияга нисбатан якка ва гурӯҳ ёндашувларини ўзгартиришнинг самарали чораларини ишлаб чиқиши учун муҳим ҳисобланади.

д) Коррупция хулқ-атворини ижтимоий ўрганиш – “шахсларни кузатиш”, “тақлид қилиш” ва “ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш” тушунчалари орқали коррупция ҳолатларини ўзлаштириш жараёнини назарда тутади.

Таъкидлаш лозимки, коррупция хулқ-атворини ўрганиш концепцияси ижтимоий салбий хулқ-атвор тушунчасини чуқур англаш орқали ривожлантирилиши мумкин. Коррупция хулқ-атворини ижтимоий ўрганиш механизмларини тушуниш эса коррупциянинг олдини олишга қаратилган таълим ва тарбия дастурларини ишлаб чиқишида жуда муҳим саналади.

е) ижтимоий институтларнинг коррупцияга мослашуви – бу ижтимоий институтларнинг (хуқуқий, иқтисодий, сиёсий) муайян даражада жамиятда тарқалган коррупция ҳодисалари таъсирида ўзгариб бориши билан боғлиқ ижтимоий жараёндир. Унинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у институциявий мослашув жараёнлари ҳақидаги билимларни шакллантирган ҳолда, институциявий ислоҳотлар ва тизимли коррупцияга қарши курашнинг самарали чораларини ишлаб чиқишига ёрдам қиласди. Шу билан бирга, ижтимоий институтларнинг коррупцияга мослашувини ўрганиш давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг коррупция ҳолатларига ўзаро таъсир динамикасини аниқлаш имконини беради.

Ижтимоий институтларнинг коррупцияга мослашувига қуйидаги ижтимоий жараёнлар таъсир кўрсатади:

- давлат органлари тузилмаларига параллел “соя” (яъни хуфиёна, норасмий) институтларининг шаклланиши;
- расмий ижтимоий муносабатлардаги тартиб-таомилларнинг ўзгариши норасмий коррупция амалиётларига боғлиқлиги;
- коррупция тармоқларини қўллаб-қувватлайдиган ва ҳимоя қиласидиган институциявий механизмларнинг ривожланиши назарда тутилади.

“Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”⁵ нинг мақсадларидан бирида “ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножӯя хатти-ҳаракатлар,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил професионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга ўйналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарорига 1-илова // www.lex.uz.

сустеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқук-тартибот тизими обўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик”, деган қоида киритилди. Шунингдек, ҳар бир ходим ички ишлар органларида хизматга қабул қилинган кундан эътиборан ушбу Кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланиб, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар, уларнинг барчасига бирдек татбиқ этилиши лозимлиги тўғрисидаги қатъий норманинг ҳам киритилиши ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди десак хато бўлмайди.

Ички ишлар органларига хизматга кираётган ходим тантанали равишда қасамёд қиласди ва ўз хизмат бурчи талабларига содик қолишга сўз беради. Ходим ҳар қандай шахсий омиллардан қатъий назар, ўз вазифасини бажариши шарт. Бироқ, ўтиш даврида жамият бойлар ва камбағалларга бўлинди. Форма кийган шахсларнинг турмуш фаровонлиги кескин ёмонлашди ва бу айрим ходимларни, мансабидан қатъий назар, хиёнат йўлига киришга, хизмат манфаатларига зид боришга, мансаб мавқeidан ғаразли манфаатлар учун фойдаланишга ундаdi.

Ҳукуқни муҳофаза қилиш тизимидағи камчиликлардан бири бўлимлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида очиқ муҳокама қилинмаслигидир. Илгари офицерлар йиғилишлари ўтказилиб, унда ҳар бир киши, жумладан, кичик офицерлар ҳам долзарб масалалар юзасидан ўз фикрларини билдириш ҳукуқига эга бўлиб, нолойик, шаънини камситувчи ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари учун офицер шаъни устидан судга тортилиши ҳар қандай ички ишлар органлари ходими учун ҳақиқий шармандалик ҳисобланар эди. Бу соҳада туб ўзгаришлар рўй бермагунча, коррупцияга қарши курашиш самарасиз бўлади, чунки коррупция асос бўлган маънавий таянч ва жамиятда унга нисбатан “базрикенглик” муносабатини шакллантириш ўзгаришсиз қолади.

Тадқиқотчи Д.А. Рыбалкин: “Коррупцияга мойил ҳулқ-атворнинг шаклланиш қонуниятлари ва унинг олдини олишнинг тарбиявий-педагогик воситалари педагогик фанлар доирасида ўрганилади. Коррупциянинг педагогик омиллари шахсга тарбиявий-педагогик таъсир кўрсатиш

жараёнида коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш билан боғлиқ нуқсонларда ўз ифодасини топади⁶ – деган сўзларига қўшиламиз.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахсада коррупцияга мойил хулқ-атворнинг шаклланиши мактаб ёшидан бошланар, олий ўқув юрти даврида давом этади ва мустақил хизматида тугалланади. Шу сабабли шахсада коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантиришда педагогик таълим тарбия муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги Қонунида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши, давлат таълимни бошқариш органлари таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши назарда тутилган⁷.

Ҳар бир инсонда ижобий ҳулқ мавжуд бўлиб, бу ҳулқ англанган бўлса ҳамда қарорни эркин, тўғри қабул қиласа, вазиятнинг қулига айланмайди, албатта. Бироқ инсон ҳулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг ҳулқида вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта ахамиятга эга бўлади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларнинг эҳтиёjlари асосан қўйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

- эҳтиёjlарнинг торлиги, чекланганлиги, моддий-утилитар характерга эга эканлиги;
- ижтимоий зарур эҳтиёjlарнинг (меҳнат, ахлоқий ҳулқقا бўлган эҳтиёjlарнинг) ривожланмаганлиги;
- шакли бузилган, ўртacha стандартдан ва эҳтиёjlарни қондиришнинг қонуний имкониятларидан ортиқ бўлган эҳтиёjlар, истеъмолчилик кайфиятининг авж олдирилиши;
- бузилган ва англанмаган эҳтиёjlар.

⁶ Рыбалкин Д.А. Формирование антикоррупционной позиции курсантов вузов МВД России средствами социально-культурной деятельности: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Казань, 2015. – 23 с., Сергеева Ю.С. Формирование у студентов - будущих бакалавров юриспруденции компетентности в сфере противодействия коррупции: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Москва, 2018. – 28 с., Шарапова Е.А. Формирование антикоррупционной направленности личности в профессиональном воспитании студента вуза: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Краснодар, 2017. – 23 с.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3088008>.

Коррупцияга мойил хулқ-атворни белгилаш орқали коррупцияга қарши ахлоқий (ҳуқуқий) стандартларни ишлаб чиқиш ниҳоятда зарур.

Мотивация – юксак тараққий этган ҳайвонлар ва одам мияси тузилишининг фаол ҳолати. Улар ирсий йўл билан шаклланган ёки ҳаётда орттирилган ва индивидуал (масалан, очлик, ташналиқ) ёки гурухий (насл гамини ейиш ва бошқалар) эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаол ҳаракатларни бажаришга ундайди.

Мотивлар кураши (лот.motivus – ҳаракатчан) – ўзига маъқул бўлган қарор қабул қилиш учун шахснинг иродавий ҳаракатлар босқичи. Коррупцион мотивациянинг вужудга келиши шахснинг эҳтиёжи, мотиви, установка ва мотивацияси билан боғлиқ.

Коррупция касбий бузилишнинг ёпиқ шакли сифатида жамият ва давлат фаолиятига таҳдид солади. Касбий бузилишнинг ёпиқ шакллари қўйидагиларни ташкил этади:

- иш жараёнида хизмат мавқеидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш;
- турмушдаги ахлоқий бузуқлик;
- ахлоқий-маънавий жиҳатдан қашшоқланиш;
- хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш, кўзбўямачиликка йўл қўйиш;
- порахўрлик;
- жиноятчилар билан тил биритириш, уларга қўшилиб кетиш.

Шу боисдан ҳам касбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўриш⁸ – ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг энг устувор вазифаси бўлмоғи лозим. *Демак, психологик омиллар коррупциянинг ички ва кўринмас, аммо ҳал қилувчи омилларига айланади.*

Коррупция жиноятларини содир этишининг психологик омиллариға қўйидагилар киради:

- a) давлат хизматида кўп асрлик «пора» ва «тovlamachiлик» анъаналари;

⁸ Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 26 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси// «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил 7 декабрь.

б) аҳолининг пораҳўрлик учун жавобгарлик тўғрисидаги меъёрлар билан бирдамлигининг анъанавий даражада пастлиги, аҳолининг салмоқли қисми ички ишлар органлари ходимларининг қонуний ва ноқонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида уларга пора беришга психолого-техник ва маънавий тайёrlиги;

в) коррупцион хатти-ҳаракат содир этганлик учун жавобгарликка тортишнинг ўта паст даражаси туфайли коррупционер мансабдор шахсларнинг жазосиз қолиш ҳисси.

Ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантиришда ички (комплаенс) назорат муҳим ўрин эгаллайди. Ф.Примов комплаенс назорати тизимининг йўқлиги ёки фаолиятининг сустлиги коррупциянинг давлат бошқаруви билан боғлиқ асосий омиллари⁹ деб ҳисоблайди.

Албатта ички ишлар органларида ҳам коррупциявий жиноятларнинг ходимлар орасида содир этилишининг олдини олишга қаратилган комплаенс (ички) назорат мавжуд бўлиб унинг фаолиятидаги камчиликлар ходимлар орасида коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига ҳам замин яратади.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир¹⁰.

Шундай экан ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши ҳулқ-атворни шакллантиришда ички (комплаенс) назоратни амалга

⁹ Примов Ф. А. Давлат бошқаруvida коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-хуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш. 12.00.02 – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ. Молия ва божхона хуқуқи. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёrlangan диссертацияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – Б. 35.

¹⁰ А. Бурханов, Т. Хайдаров, З. Қодиров, С. Маманов. “Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича” қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2021.-64 б.

ошириш фаолиятида ходимларнинг хизмат интизоми билан боғлиқ ҳодисалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда биз, Ф.Примовнинг “...коррупцияга қарши курашишнинг муҳим чораларидан бири интизомий жавобгарликнинг ҳам маъмурий ҳуқуқ билан боғлиқлиги. Миллий ҳуқуқшунослигимизда энг кам ўрганилган масалалардан бири интизомий жавобгарлик ҳисобланади. Европа мамлакатларида коррупцияга қарши курашишда интизомий жавобгарлик энг муҳим чораларда бири сифатида белгиланган”¹¹ деган фикрларига тўлиқ қўшиламиш.

Шунингдек, А.В. Куракин коррупциянинг олдини олиш ва уни тўхтатиш воситаси сифатида интизомий иш юритувни такомиллаштириш лозимлиги, бунда интизомий жавобгарликни қўзғатиш вақтини, интизомий иш юритишнинг вазифаларини, ишни юритишдан ташқари ҳолатларни, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, шунингдек иш юритуvida қатнашувчилар, аниқлаштириладиган ҳолатлар, иш юритишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, жазо чораларини қўллаш, қарорни ижро этиш, тегишли асослар мавжуд бўлганида, интизомий жазони рағбатлантириш тариқасида муддатидан олдин тугатиш маъмурий-процессуал механизмини батафсилроқ аниқлаштириш мақсадга мувофиқ деган фикрни билдиради¹².

Муаллифнинг ушбу фикрига қўшилиш мумкин, чунки ҳозирда ички ишлар органларида интизомий жавобгарлик масаласи билан боғлиқ маъмурий-процессуал механизмлари Ички ишлар вазирининг буйруқлари билан белгилаб берилган.

Биз тадқиқотимиз ва амалий иш фаолиятимиз жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида, жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари”ни тузиш мақсадга мувофиқ деган хulosага келиб қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

¹¹ Примов Ф. А. Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-хукукий жиҳатларини такомиллаштириш. 12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи. Юридик фанлар доктори (DSc) илмий дарражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023. – Б. 53.

¹² Куракин А.В. Административно-правовые средства предупреждения и пресечения коррупции в системе государственной службы Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Люберцы, 2008. – с. 11.

Билдирилган ушбу таклифлар инобатга олиниб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” 400-сон буйруғига 1-илова билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизматининг ягона иш юритиши тартиби тўғрисида низом” билан “Ички ишлар органларининг интизомий кенгашлари” фаолияти йўлга кўйилди.

Ички ишлар органларида интизомий кенгашларнинг ташкил этилиши ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантиришда ички (комплаенс) назорат тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Жумладан, комплаенс назорат тизими ходимларнинг хулқ-атворига нисбатан ҳам коррупцияга қарши курашишга оид маълум талабларни белгилайди. Дунё мамлакатларида Корпоратив этика кодекси (Code of Ethics), Совғалар олиш ва бериш сиёсати (Gift policy), Хуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш сиёсати (Whistleblowing policy), Порахўрлик ва коррупция сиёсати (Whistleblowing policy), Жиной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати (Fight against Money Laundering and Terrorist Financing), Маълумотларнинг хавфсизлиги сиёсати, Манфаатлар тўқнашуви сиёсати (“Хитой девори” сиёсати “Chinese Walls”) каби коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ифодаловчи ички меъёрий ҳужжатлардаги талабларга амал қилмаганлик учун ходимга интизомий жавобгарлик қўлланилиши талаб этилади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш амалиётида “комплаенс- назорат” тизими ўрганилган ва асослантирилган.

В данной статье исследуется и обосновывается система "комплеанс контроля" в практике формирования антикоррупционного поведения у сотрудников органов внутренних дел.

This article examines and substantiates the system of "compliance control" in the practice of forming anti-corruption behavior among employees of internal affairs bodies.



Ozod NASIMOV,
Malaka oshirish instituti tadqiqotchisi

**JAMIYAT TARAQQIYOTIDA SIYOSIY
PARTIYALARING ROLI**

Zamonaviy sharoitlarda demokratik modernizatsiya, fuqarolik jamiyatni va inson erkinliklarini ta'minlashda siyosiy partiyalarning ishtiroki tobora ortib bormoqda. Ko'ppartiyaviylik va plyuralizm sharoitida

Siyosiy partiyalar zamonaviy demokratik jamiyatlar siyosiy hayotini tashkil qilishning asosiy konstitutsiyaviy tamoyillaridan biri hisoblanadi. Aynan partiyaviy tizim tufayli demokratiyaning siyosiy plyuralizm, qonun ustuvorligi, imkoniyatlar tengligi kabi tamoyillarini o'zida mujassam etgan siyosiy partiyalar va ularning vakillari o'rtasida doimiy muloqot/raqobat ta'minlanadi. Mamlakat siyosiy hayotining barcha sohalarini, davlat va jamiyat qurilishini erkinlashtirish, fuqarolarning siyosiy, iqtisodiy faolligini kuchaytirish va insonning o'z qobiliyatini to'la ro'yobga chiqarishi uchun tegishli shart-sharoit yaratishda, odamlarning o'z xohish-irodasini erkin ifoda etish, jamiyatda o'z manfaatlarini ro'yobga chiqarish va himoya qilish huquqini rivojlantirish va amalda namoyon qilishda, jamiyatimizda mavjud bo'lgan turli manfaatlar, qarama-qarshi kuchlar va harakatlar o'rtasidagi muvozanatni ta'minlaydigan samarali mexanizmni shakllantirishda siyosiy partiyalar katta rol o'ynaydi.

Siyosiy partyaning mohiyati uning ijtimoiy tarkibi va ijtimoiy negizi; partiya rahbariyatining tarkibi, manfaatlari va maqsadlari; tashkilotning dasturiy qoidalari; uning siyosiy xatti- harakatlarining ob'yektiv yo'naltirilganligi kabi xususiyatlari bilan chambarchas bog'liqdir.

Adabiyotlar tahlili va metod

"Partiya" so'zi lotincha "part" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, "qism", "guruh" degan ma'nolarni anglatadi. Siyosiy partiya – aholining, sinflarning, ijtimoiy qatlam yoki guruhlarning bir qismidir. Uning paydo bo'lishini siyosatshunoslar burjua demokratiyasining vujudga kelish davriga nisbat beradilar. Biroq, zamonaviy davlatlarning konstitutsiyalarida partiyalar haqidagi huquqiy normalar faqat XX asrga kelib paydo bo'ldi [1].

Hozirgi zamon jamiyatining siyosiy hayoti murakkab, ziddiyatli va xilmoxildir. Bugun siyosiy partiya mavjud bo‘lmagan biron-bir davlatni tasavvur qilish qiyin. Hozirda dunyoning aksariyat demokratik mamlakatlarda ikki partiyaviy yoki ko‘ppartiyaviy tizimlar mavjud.

Siyosiy partiyalar siyosiy hokimiyat mexanizmining faoliyat ko‘rsatishida ishtirok etadi, yoxud unga muayyan ta’sir o‘tkazadi. Ular faoliyatining asosiy jihatи aholi siyosiy ongingin shakllanishiga ta’sir ko‘rsatishidir. Siyosiy partiya ko‘p mezonli va murakkab hodisa bo‘lganligi tufayli uni ta’riflashga ham turlicha yondashuvlar mavjud. Umuman olganda, ana shunday asosiy yondashuvlardan uchtasi alohida ajratib ko‘rsatiladi. Ayrimlar partiyani ko‘proq mafkuraviy birlashma sifatida tushunsalar, boshqalari esa, uni saylov jarayoni, saylovoldi kurashi, hokimiyatni egallahsga intilish bilan bog‘liq holda ta’riflaydilar. Marksizm tarafdarlari «partiya» tushunchasiga sinfiy nuqtai nazardan ta’rif beradilar. Ular partiyani muayyan sinfning eng ongli, uyushgan, o‘z manfaatlarini himoya qiladigan qismi, deb hisoblaydilar. Shunday qilib, ilmiy nuqtai nazardan siyosiy partiyalar uchun berilgan quyidagi ta’rifni asos sifatida qabul qilish mumkin: siyosiy partiya – bu fuqarolarning eng faol, mushtarak mafkura asosida bog‘langan, davlat hokimiyatini qo‘lga kiritish, uni saqlab qolish va amalga oshirishga intiluvchi qismi, ixtiyoriy ittifoqidir [2].

Hokimiyatni qo‘lga kiritish har qanday partianing bosh maqsadi hisoblanadi. Partiya qaysi ijtimoiy guruh yoki sinfning tashabbusi bilan yuzaga kelgan bo‘lsa, aynan shularning manfaatlarini amalga oshirish va himoya qilish vositasi hisoblanadi. Partiya o‘z oldiga qanday maqsadlarni qo‘ygan bo‘lsa ham ularga hokimiyat uchun kurash, o‘z hukumatini shakllantirish yoki koalision hukumat tarkibiga o‘z vakillarini kiritish orqali erishadi. Hukmronlikni qo‘lga kiritgan partiya davlatning maksimal darajada o‘ziga vakolat bergen ijtimoiy-sinfiy kuchlarning manfaatlari yo‘lida foydalanishga intiladi. Partiya fuqarolik jamiyatining boshqa instituti, xususan, NNTlar, jamoat tashkilotlari va harakatlari, lobbistlar tuzilmalaridan aynan shunisi bilan farq qiladi. Ushbu sanab o‘tilgan tuzilmalar ham xuddi partiyalar singari siyosiy hayotda faol ishtirok etadi, lekin o‘z oldiga davlat hokimiyatini qo‘lga kiritish, uni saqlab qolish va uni amalga oshirish maqsadini qo‘ymaydi.

Siyosiy partiyalar bilan nodavlat notijorat tashkilotlari hamda ijtimoiy harakatlar o‘rtasidagi asosiy farq shundan iboratki, partiyalar davlat

hokimiyatini amalga oshirishda ishtirok etish uchun kurashadilar, NNT va ijtimoiy harakatlar esa unda bevosita ishtirok etishga da'vo qilmaydilar va shu bilan bog'liq majburiyatlarni ham o'z zimmalariga olmaydilar. Siyosiy partiyalarning asosiy belgilari sifatida ularning "siyosiy hayotda faol ishtirok etishi; a'zolikning va ushbu partiya tayanadigan muayyan ijtimoiy bazaning mavjudligi; siyosiy dastur va nizomga ega bo'lishi; partiyaga birlashgan kishilarning umumiy manfaatlarga va bir-biriga yaqin bo'lgan mushtarak mafkuraviy qarashlarga ega bo'lishi; bir yoki bir necha siyosiy yetakchilarning mavjudligi" kabilarni sanab o'tish mumkin [3].

Siyosiy partiylar boshqa ijtimoiy-siyosiy tashkilotlar bilan bir qator umumiy jihatlarga ega. Xususan, muayyan tashkilotning hamda hokimiyat va boshqaruв apparatining mavjudligi; ularning a'zolarini birlashtirib turuvchi va tarafdorlarni jalb etuvchi g'oyaviy tamoyillarning mavjud bo'lishi; muayyan dasturiy qoidalarning qayd etilishi (ular ochiq ifodalanishi ham, yashirin mavjud bo'lishi ham mumkin); a'zolar va tarafdorlardan iborat ommaviy negizning mavjudligi shular jumlasidandir. Partiyalarni boshqa tashkilotlardan ajratib turuvchi eng asosiy belgisi shuki, ular faoliyati davlat hokimiyatini egallash, davlat siyosatini shakllantirish va davlat hokimiyatini amalga oshirishda ishtirok etish huquqini qo'lga kiritish uchun ochiq va aniq ifodalangan kurashga yo'naltirilgan.

Har bir partiya uchun tegishli ijtimoiy birlashmalarning manfaatlarini himoya qilish vakolati juda muhimdir. "Ushbu funksiyaning mazmunini mazkur manfaatlarni ifodalashning siyosiy vositalarini ta'minlash, ularni maqsadlar va ideallar shaklida bayon qilish hamda siyosatning boshqa sub'yektlari bilan o'zaro ta'sir jarayonida himoya qilish tashkil etadi. Manfaatlarni ifoda etish vakolati funksiyasi turli qatlamlar va guruhlarning o'ziga xos manfaatlarini muvofiqlashtirish asosida ijtimoiy birliklarning umumiy manfaatlarini jamlash yo'li bilan hamda davlat organlarini egallash va ular ustidan nazorat o'rnatish yoki siyosiy qarorlar qabul qilish va amalda hukmronlik qilish jarayonida ushbu organlarga taz'yiq o'tkazishning turli shakllari vositasida amalga oshiriladi" [4].

Siyosiy partiylar boshqa ijtimoiy-siyosiy tashkilotlar bilan bir qator umumiy jihatlarga ega. Xususan, muayyan tashkilotning hamda hokimiyat va boshqaruв apparatining mavjudligi; ularning a'zolarini birlashtirib turuvchi va tarafdorlarni jalb etuvchi g'oyaviy tamoyillarning mavjud bo'lishi; muayyan

dasturiy qoidalarning qayd etilishi (ular ochiq ifodalanishi ham, yashirin mavjud bo‘lishi ham mumkin); a’zolar va tarafdorlardan iborat ommaviy negizning mavjudligi shular jumlasidandir. Partiyalarni boshqa tashkilotlardan ajratib turuvchi eng asosiy belgisi shuki, ular faoliyati davlat hokimiyatini egallash, davlat siyosatini shakllantirish va davlat hokimiyatini amalga oshirishda ishtirok etish huquqini qo‘lga kiritish uchun ochiq va aniq ifodalangan kurashga yo‘naltirilgan.

Siyosiy partiya mohiyatining eng muhim ko‘rsatkichi – uning oxir-oqibatda kimning va qanday kuchlarning manfaatlari hamda qarashlarini ifoda etishi, himoya qilishi va o‘z kundalik faoliyatida amalga oshirishidir. Siyosiy partianing jamiyat hayotidagi muhim masalalarni o‘rganishi uning siyosiy taraqqiyotdagi o‘rni va rolini tushunib yetishi, maqsadlarini yaxshiroq tasavvur etishga yordam beradi. Jamiyat siyosiy tizimida siyosiy partiyalar quyidagi asosiy funksiyalarni bajaradilar:

Partiya siyosiy tizimning va, umuman, jamiyat rivojlanishining maqsadlari va siyosiy mezonlarini belgilashda muhim ro‘l o‘ynaydi. Bu funksiyaning bajarilish hajmi va samaradorligi partianing siyosiy tizimdagi mavqeiga bog‘liq bo‘ladi. Bu borada eng katta imkoniyatlarga hukmron partiyalar egadirlar. Ular butun ijtimoiy tizimning harakat yo‘nalishini belgilovchi siyosat tizimini ishlab chiqadilar va shakllantiradilar. Jamiyat siyosiy yo‘lini ishlab chiqishda ishtirok etish darajasi, bu funksiyaning amalga oshirilish hajmi va samaradorligi partianing mavjud siyosiy tizimdagi mavqeini belgilovchi ko‘rsatkichlar hisoblanadi [5].

Partyaning tashkilotchilik funksiyasi muayyan kadrlar siyosatida, ya’ni partianing o‘zida, bundan tashqari, davlat va jamoat tashkilotlarida kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo‘yishdan iborat faoliyatda o‘z ifodasini topadi. Partiyalarning tashkilotchilik borasidagi ushbu kichik funksiyasini siyosatshunoslar siyosiy rekrutlash – siyosiy rahbar kadrlarni tanlash funksiyasi deb ataydilar. O‘zining siyosiy kadrlari orqali partiya davlat apparatida va boshqa tashkilotlarda o‘z siyosatini o‘tkazadi, siyosiy tizimning boshqa institutlariga o‘z ta’sirini yo‘yadi.

Xulosa qilib aytganda, Partiyalar fuqarolarning siyosiy hayotda, davlat boshqaruvida ishtirokini ta'minlash, demokratik jamiyatda davlat hokimiyatining birdan-bir manbai bo'lmish – xalqni siyosiy irodasini ifodalashning muhim vositasidir. Siyosiy partiya – bu ma'lum aholi qatlamlarining yoki ijtimoiy birlikning manfaatlarini, qiziqishlarini, siyosiy intilish va talablarini ifodalovchi hamda ularni real hayotda amalga oshirish uchun saylovlarda qatnashish orqali davlat boshqaruvida ishtirok etish maqsadini ko'zlovchi, ixtiyoriy ravishda uyushgan fuqarolarning nodavlat tashkilotidir. Saylovchilarning siyosatdagi ishtiroki, saylov instituti, saylov raqobati, partiya tizimi, parlament, davlat siyosati kabi omillar partiyalararo raqobat instituti doirasida muvaffaqiyatli birlashtiriladi, chunki bunday institutda siyosiy partiyalar yetakchi rol o'ynaydi va asosiy e'tibor aynan siyosiy faoliyatning markaziga qaratiladi, bu jarayonda partiyalararo raqobat esa siyosiy tizim faoliyatining sur'atini belgilaydi. Siyosiy partiyalar demokratiyaning eng klassik institutlari bo'lib, siyosiy plyuralizmning demokratik tamoyilini davlat organlarida vakillik asosida shakllantirish uchun ular o'rtaida raqobat bo'lgan turli siyosiy kuchlarning shakllanishiga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Джанда К. Состояние теории партий // Теория политических партий и партийных систем: Хрестоматия / Сост. Б.А.Исаев. -М.: Аспект Пресс, 2008. -С. 100–104.
2. Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Далтон Р. Сравнительная политология сегодня: Мировой обзор. -М., 2002.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. -Т.: Шарқ, 1998. -Б. 11-12.
4. Dahl, R. F. Democracy and its Critics / R. F. Dahl. New Haven and London, 1989. -P. 108–116.
5. Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. -Т., 2016. -Б. 80.

REZYUME

Mazkur maqolada jamiyat taraqqiyotida siyosiy partiyalarning roli masalasi yoritilgan. Hozirgi zamон jamiyatining siyosiy hayoti murakkab, ziddiyatli va xilma-xildir. Siyosiy partiylar siyosiy hokimiyat mexanizmining faoliyat ko‘rsatishida ishtirok etadi. Uning paydo bo‘lishini demokratiyasining vujudga kelishi bilan belgilanadi.

В данной статье описывается роль политических партий в развитии общества. Политическая жизнь современного общества сложна, противоречива и многообразна. Политические партии участвуют в функционировании механизма политической власти. Его возникновение было обусловлено возникновением демократии.

This article describes the role of political parties in the development of society. The political life of modern society is complex, contradictory and diverse. Political parties participate in the functioning of the mechanism of political power. Its emergence was determined by the emergence of democracy.

Shirin ILXOMOVA,
A student of Uzbekistan State World Languages University

**THE IMPORTANCE OF WARM-UP ACTIVITIES IN TEACHING
ENGLISH IN THE EDUCATION SYSTEM OF MINISTRY OF
INTERNAL AFFAIRS**

Introduction: Language learning is a complex and multifaceted process that involves not only the acquisition of vocabulary and grammar but also the development of listening, speaking, reading, and writing skills. One often overlooked yet crucial aspect of effective language instruction is the use of warm-up activities. These activities serve as a bridge between the previous lesson and the new material, helping to prepare students mentally and emotionally for the learning experience ahead. According to Robertson and Acklam (2000), “warm up is a short activity for the beginning of a lesson” (p30) [1]. Hence, warm up activities have a huge impact on students’ language learning process. Additionally, Dorniyei (2001) also claims that warm up activities arouse appetite and curiosity for learning in the classroom and thus involve the students in the classroom activities spontaneously[2].

1. Why applying warm-up activities in the classroom is important?

Warm-up activities have a lot of benefits, and they are great for students, who need some time to get settled before learning new information. Warm-up activities are crucial in educational settings for several reasons:

1.1 Stimulating critical thinking

Undoubtedly, many warm up activities promote critical thinking and creativity, encouraging students to think out of the box.

1.2 Enhances engagement

